

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

И.И. Хувайтов, Р.Р. Тумпаров

Саҳифаловчи

Д.Х.Хамидуллаев

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган.

Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-уй,

Тел.: 265-23-56, 265-23 -52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net, qonun@doda.uz.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр.-ҳисоб табағи 9,5. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Saydana-print» МЧК босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 3-уй.

Босишга рухсат этилди 25. 11. 2010.

Бўюртма №

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНING АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2010 йил, 3-сон

МУНДАРИЖА

Инсон ҳуқуқлари – қонун ҳимоясида

Права человека – под защитой закона

Рашидова С. Ш.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устуворлиги давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг асоси сифатида.....3

Саитбаев Т.Р.

Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари.....11

Катрин Наглер

Права человека и исполнение наказания.....15

Юридик фанни ривожлантириш

Развитие юридической науки

Файзиев М. М.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: тарихи, устуворлиги ва асосий принциплари20

Исламходжаев Х. С.

Правовая база обеспечения экономических и социальных прав человека.....28

Сафеев Ф.

Политико-правовые предпосылки реализации международных норм в национальную уголовно-правовую систему.....33

Зайнутдинов С. М., Дарвишов С. Р.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари43

Оқюлов О., Қўлдошев Н.

Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашда бош деликт тамойили.....51

Учредитель:

Академия МВД Республики Узбекистан

Редакционная коллегия

Т.Р.Саитбаев (ответственный редактор),
Х.Т.Адилкариев, И.Исмаилов, Э.Х.Нар-
бутаев, Ш.Р.Кабиров, А.А.Таджиев,
С.А.Раззаков, Н.Т.Исмоилов, Р.Р.Тум-
паров

Редакторы номера

И.И. Хувайтов, Р.Р. Тумпаров

Верстка

Д.Х.Хамидуллаев

Вестник зарегистрирован Узбекским агент-
ством по печати и информации 18 июня
2009 г.

Свидетельство о регистрации средства мас-
совой информации № 0568

Адрес редакции:

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net, qonun@doda.uz.

Оригинал-макет подготовлен в редак-
ционно-издательском отделе Академии
МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым
способом полностью или частично ссылка на
на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точ-
кой зрения авторов публикаций. Ответствен-
ность за содержание публикаций и досто-
верность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами
писем, рукописи не рецензируются и не
возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 9,5. Печать
офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в
типографии ООО «Saydana-print». г. Ташкент,
ул. Камарнисо, д. 3.

Подписано в печать 25. 11. 2010.

Заказ №

© Академия МВД Республики Узбекистан,
2010.**Жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларни
олдини олишнинг долзарб муаммолари****Актуальные проблемы борьбы с преступностью
и профилактики правонарушений***Закиров Б.Э.*Уюшган жиноятчилик — ижтимоий
салбий омил сифатида.....57*Муродов Б. Б.*Терговчининг процессуал мустақиллиги — процесс ишти-
рокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш воситаси.....64*Шакуров Р.Р., Жантураев А.Т.*Криминалистическая характеристика уклонения
от уплаты налогов или других обязательных платежей
в сфере строительства67*Комилов Ш. Х., Жуманов Ш. Т., Хусанов А. Д.*Криминалистик аҳамиятга эга маълумотларнинг
ноанъанавий манбалари72*Турсунов А.С., Фаниев Ш.А.*Ижтимоий-салбий хулқ тури сифатида
фоҳишаликнинг тушунчаси ва белгилари.....79**Ёш олимлар минбари****Трибуна молодых ученых***Ачилов Б. Х.*Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини
олишнинг айрим жиҳатлари.....83*Югай Л. Ю.*Использование возможностей автоматизи-
рованных дактилоскопических идентифи-
кационных систем в деятельности правоохра-
нительных органов.....87*Усмонов Д.М.*Судлар томонидан шартли ҳукм қилиш
институтини қўллашда жазони енгиллаштирувчи
ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг ўрни.....90**Танқид ва библиография****Критика и библиография***Маҳмудов Ю. Ф.*Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий
маданияти: Ўқув қўлланма.....94**Илмий ҳаёт****Научная жизнь**

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш маданиятига бағишланди
(«Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти
институтлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш
маданиятини ошириш орқали Ўзбекистон фуқароларининг қонуний
манфаатлари ва эркинликларини таъминлаш» мавзuidaги семинар
ҳақида).....95

С. Ш. Рашидова*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОРЛИГИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Биз бугун мамлакатда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устунлиги принципларига асосланган янги ҳуқуқий тизимни шакллантириш йўналишларидан бири бўлган амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг нафақат гувоҳи, балки иштирокчилари ҳисобланамиз.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлини тантанали равишда эълон қилар экан инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигини маълум қилди. Бу юксак пардаларда айтилган сўзлар жамият ривожланишида асл ифодасини топиши учун мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг пухта ўйланган давлат сиёсати ишлаб чиқилди ва изчил равишда амалга оширилмоқда.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати турли давлат, шу жумладан, суд органларининг шахс манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини уларнинг мажбуриятлари билан биргаликда амалга оширишга қаратилган фаолияти асосига қўйилган.

Мустақиллик йилларида жамиятнинг аста-секин ва босқичма-босқич ислоҳ қилиниши Ўзбекистонда нисбатан қисқа вақт ичида қонун устуворлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш принципларига асосланган миллий давлатчилик пойдеворини қуриш имконини берди.

Давлат ушбу қоидаларни амалга ошириш учун миллий қонунчиликнинг ушбу андозаларга мос келишини таъминлаш, фикрлар хилма-хиллиги ва қонун устуворлиги учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳокимиятларнинг бўлиниши ва суд тизими мустақиллиги принципларини аниқ амалга ошириш, мамлакатимизнинг ўз давлат сиёсатида инсон ҳуқуқлари ғоялари ва қадриятларига содиқлигини намойиш этган ҳолда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришига қаратилган бир қатор чораларни қабул қилди.

Инсон ҳуқуқларининг устунлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II бўлимида ўз ифодасини топди. Асосий қонуннинг муқаддимасида инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик тантанали равишда эълон қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ижтимоий турмушни, давлат ва жамият қурилишини ҳар томонлама демократлаштириш ва либераллаштириш, суд тизими мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ривожланишнинг янги босқичидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади, деб таъкидлади.

* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), профессор.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уни ҳимоялаш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

Биринчидан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари яратилди. Парламент томонидан инсоннинг барча тоифадаги — шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган 400 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси БМТ, ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳужжатларига асосланган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро биллини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ шартномаларни ратификация қилди. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва миллий қонунчилигига имплементация қилинган.

Ўзбекистонда 2008 йилдан бошлаб ўлим жазоси бутунлай бекор қилинди, „Хабес корпус“ институти киритилди. Бундан ташқари, жорий йилни „Баркамол авлод йили“ деб эълон қилинди ва унинг доирасида ёшларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ҳамда янада мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Иккинчидан, суд-ҳуқуқ ислохотлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу мақсадда умумий юрисдикция судларини ихтисослаштириш амалга оширилди, ишларни кўришнинг апелляция тартиблари киритилди, қамоққа олинганларни тергов қилиш ва сақлаш муддатлари қисқартирилди, суд кадрларини танлаш ва тасдиқлашнинг демократик механизми яратилди, суд жараёнида тортишув принципини аниқ таъминлайдиган прокурор ва адвокатнинг тенглиги нормалари қабул қилинди.

Учинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг нодавлат тизими асосларини ташкил этувчи фуқаролик жамияти институтлари ривожланмоқда. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини куч ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари фаолияти устидан назорат соҳасига жалб этиш жараёнлари босқичма-босқич ривожланмоқда. Инсон ҳуқуқлари муаммосининг муҳимлигини инобатга олган ҳолда уни ҳал этиш нафақат давлатнинг, балки умуман, жамиятнинг зиммасидаги ишдир, шу муносабат билан, нодавлат ташкилотларнинг эътибори ва саъй-ҳаракатини ушбу муаммога жалб қилиш, улар фаолиятини демократик қадриятларни муҳофаза этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан доимий жамоатчилик мониторингини амалга ошириш вазифаси турибди.

Тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик фаол амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида БМТнинг шартномалар қўмитаси томонидан Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича олти халқаро шартнома қоидаларини бажарганлиги тўғрисида 18 та Миллий маърузаси кўриб чиқилди ва улар бўйича тавсиялар берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Қўмитанинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга кўра ҳуқуқларнинг бузилиши тўғрисида инсон ҳуқуқлари бўйича яқка тартибдаги шикоятларни қабул қилиш ваколатларини эътироф этди.

БМТнинг шартномалар қўмитаси тавсияларини бажариш мақсадида давлат томонидан Миллий ҳаракат режалари қабул қилинди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ушбу гуруҳ таркибига Омбудсман вакили ҳам киради.

Бешинчидан, Инсон ҳуқуқлари соҳасида Вена декларацияси ва ҳаракат дастури қоидалари, Ўзбекистондаги халқаро ташкилотларнинг тавсияларига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал тизими яратилди, фуқароларнинг

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш устидан миллий мониторинг амалга оширилмоқда, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тизими фаолият кўрсатмоқда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар таъсис этилган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан, жорий йилда ушбу қутлуғ байрам бутун мамлакатимиз бўйлаб, „**Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон**“ деган эзгу ғоя асосида нишонланди. Бу юртимизда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг олий қадрият сифатида эъзозланиши, ҳаётимиздаги барча янгиланиш ва ўзгаришлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар авваламбор инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганлигининг яна бир исботи бўлиб, бу Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш сиёсатига содиқлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: „Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак“.¹

Давлат инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсатининг мақсадига эришиш учун мансабдор шахслари орқали ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда фаол иш олиб бориши керак. Ҳолбуки, инсон ҳуқуқларига ҳурмат, қонунга риоя қилиш давлат аппарати фаолиятининг бош мезони бўлиши, ўз навбатида, мансабдор шахслар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шу боис жамият барча қатламлари ҳуқуқий маданияти ва онгининг юқори даражаси ҳуқуқий ва демократик ўзгаришлар ҳамда уларни жорий этишни қўллаб-қувватлашда алоҳида муҳим омил бўлиши керак.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, фуқароларни ўзаро бир-бирига ҳурмат руҳида тарбиялашга дахлдор бўлган ҳуқуқнинг ахлоқий моҳияти, жамият ҳуқуқий турмушини очиб берувчи етакчи принциплар алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, унинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этиш мақсадида давлат томонидан мамлакатда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш фаолияти йўналишлари ишлаб чиқилган ва шакллари белгилаб берилган. Бунинг учун мустақилликнинг дастлабки даврларида, яъни 1997 йилдаёқ аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонлиги, олий судловнинг юқори даражасига, уларнинг кундалик турмушда ҳуқуқий билимларни қўллай олишларига эришиш учун ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг ҳар томонлама қамраб олувчи доимий амал қилувчи тизимни яратишга қаратилган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури қабул қилинган эди.

Аҳолининг конституциявий ҳуқуқий онгини ўстириш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ва ривожлантириш борасида 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш тўғрисида“ги фармойиши қабул қилинди.

¹ Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2010. — 13 ноябрь.

Ҳуқуқий ҳимоя мавзусида йигирмадан ортиқ газета ва журналлар кўп минг нусхада нашр этилмоқда, мактаблар, коллежлар ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги 2008 йил 1 май Фармони фуқаролар ҳуқуқий онгининг ривожланишига янгича туртки берди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ғояси Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида“ги 2010 йил 30 август Фармонида олий қадрият сифатида ўз ифодасини топди ва унда мустақиллик ҳар бир ватандошмизнинг мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўз қобилияти ва истеъдодини намоён этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланади.

Шундай қилиб, мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш соҳасида узлуксиз таълим бериш йўлга қўйилган ва ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб аҳоли ҳуқуқий онгини ўстириш тўғрисида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили номига келиб тушаётган мурожаатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ҳам фикр юритиш мумкин. Судловдан ташқари орган ҳисобланадиган Омбудсман институти Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан 1995 йилда МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб ташкил этилди.

Парламент омбудсмани инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустақил конституциявий орган ҳисобланади. Омбудсман ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида давлат органлари ва мансабдор шахслардан мустақил ва дахлсиздир ва ҳар йили парламентга ўз ҳисоботини тақдим этади. Фарбий Европа мамлакатлари омбудсманларидан фарқли равишда ўзбек омбудсмани ваколатларига нафақат ижро этувчи органлар фаолияти устидан назорат, балки судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мулк шаклидан қатъи назар, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши ва ҳимояси масалалари ҳам киради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилга фаолиятининг ўтган 15 йили давомида фуқаролар томонидан қарийб **80 мингга** яқин мурожаатлар келиб тушди ва таҳлилларнинг кўрсатишича, сўнгги тўрт йил давомида фуқаролар мурожаатларининг хусусияти ўзгарди. Агар 1995 йилда Омбудсманга ҳаммаси бўлиб 262 та мурожаат тушган бўлса, 2009 йилга келиб **10409** тага етди ва бу аҳолининг Омбудсман институтининг жамиятдаги обрўсига ҳам ишончнинг ортиб бораётганлигини тасдиқлайди. Демак, 2003 йилда фуқаролар мурожаатларининг кўпчилиги одил судлов соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилмаганлиги билан боғлиқ бўлса, 2004 йилда мурожаатларнинг асосий қисми ижтимоий-иқтисодий масалалар билан боғлиқ бўлди. Шикоятлар хусусиятининг ўзгариши суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларининг натижаларини яна бир бор акс эттиради ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий воситаларидан кундан-кун кўпроқ фойдаланаётган аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошиб бораётганидан яққол далолат беради. Фуқаролар ўз мурожаатларида турли тоифадаги ҳуқуқларининг бузилишинигина эмас, балки жойларда бу турдаги ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг аниқ мансабдор шахсларини ҳам кўрсатмоқдалар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили номига 2009 йилда фуқаролар томонидан **10409** та, шу жумладан, ҳудудий вакилларига **1294**, марказий офисига **7394** та

шикоят жўнатилган, шулардан **6671** та мурожаат мамлакат ҳудудидан, **48** таси пенитенциар муассасалардан олинган.

Фуқароларнинг мурожаатларида кўтарилаётган муаммоларни ўрганиш натижалари шундан далолат берадики, Вакил томонидан юритувга қабул қилинган мурожаатларнинг мавзуси моҳиятан ўзгармаган: илгаригидек, фуқаролар кўпчилигининг **3988 (54%)** мурожаатлари фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига риоя этилиши ва ҳимояси, **2693 (36%)** мурожаатлари ижтимоий-иқтисодий таъминот масалалари, **395 (5%)** мурожаатлари сиёсий ҳуқуқларга риоя қилиш тўғрисидаги, **317(4%)** мурожаатлари бошқа масалалар ва **1 та** мурожаати экологик масалалар билан боғлиқ бўлган.

Фуқаролар мурожаатларининг хусусиятлари ва унда кўтарилаётган масалалар ўзига хос индикатор сифатида намоён бўлади ва жамиятда давлат органларининг ишларидаги камчиликларни аниқлашда салмоқли рол ўйнайди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича самарали чоралар белгилаб олиш имконини беради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил номига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ кўплаб мурожаатлар келиб тушаётганлиги ташвишлидир. Шундай қилиб, 2009 йилдаги статистик маълумотларнинг далолат беришича, **фуқароларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш** бўйича мурожаатлари миқдори ўсган ва умумий миқдордан **1588 (21,5%)**ни ташкил қилган, шу билан бирга 2009 йилда ҳибсга ва қамоққа олишдан норози бўлиб ёзилган мурожаатлар кўрсаткичи сезиларли равишда ошган. Эркинлик ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши тўғрисидаги **886** та мурожаат назоратга олинган ва улардан **115** таси ижобий ҳал этилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакилига келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил этиш ва ўрганиш шундан далолат берадики, ички ишлар органларидаги қонунбузарликлар бир қатор омиллар билан ифодаланади. Улардан қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари айрим ходимларининг қонунчиликни билмаслигида намоён бўладиган ҳуқуқий маданиятининг пастлиги, ҳуқуқни менсимаслик, хизмат жамоаларида ҳуқуқий тарбиянинг етарли йўлга қўйилмаганлиги, ички ишлар органлари фаолияти устидан етарли текширув ва назоратнинг йўқлиги, гайриқонуний хатти-ҳаракат содир этган ходимларнинг жазоланмаслиги, қонунчилик бузилишининг ўта жиддий сабабларидан бири амалдаги қонунчиликни билмаслик ёки етарли даражада билмаслик, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари назарияси ва амалиёти соҳасидаги билимларнинг йўқлиги ёки етарли даражада эмаслиги билан ифодаланади.

1. Масалан, фуқаро Ж.Б. ўзининг Омбудсманга қилган мурожаатида Сурхондарё вилояти Узун тумани ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракатларидан норозилигини баён қилган (2471-сонли йиғмажилд - I ж.). Мурожаат Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ўрганиб чиқилди. Шикоятни текшириш натижаларига кўра, Сурхондарё вилояти Узун туманида яшайдиган фуқаро О.А. нинг уйида ўғрилиқ содир этилиши ҳолати бўйича ЎЗР ЖК 169-моддасининг 2-қисмига биноан жиноят иши қўзғатилган. 2009 йилнинг 18 апрель кунини жиноятни очиш мақсадида тахминан соат 09.00 да оператив вакил Д. Нажмиддинов, майор Ч. Жўраев, Узун тумани ИИБ профилактика инспектори капитан Э.Кузнецов ва маҳалла раиси Д.Мингқулова фуқаро Ж.Б. яшайдиган жойда ҳеч бир рухсатсиз тинтув ўтказганлар.

Шу муносабат билан, фуқаро Ж.Б.нинг турар жойида кўрсатилган шахслар томонидан суднинг санкцияси бўлмай туриб, тинтув ўтказилган, уларга нисбатан интизомий жазо қўлланилган ҳамда процессуал қонунчиликнинг бузилишини бартараф этиш чоралари кўрилган.

2. *Жиноят иши бўйича тергов жараёнида амалдаги қонунчиликнинг бузилиши ва Денов тумани ички ишлар органи милиция таянч пункти бўлинмаси профилактика инспектори М. Н. Ҳайитовнинг ҳаракати устидан норозилиги бўйича мурожаат этилган. Ушбу мурожаат Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили томонидан назоратга олинди ва Ички ишлар вазирлигига юборилди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан ўтказилган текширув натижаларига кўра фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик нормаларини бажармаганлиги ва аризачига нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги учун профилактика инспектори капитан М.Ҳайитов интизомий жавобгарликка тортилди.*

3) Кўрсатилган муаммолар **инсон ҳуқуқлари маданияти** барқарор демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти учун зарур бўлган **даражада** шаклланмаганлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти фуқароларнинг ҳуқуқлари, уларнинг қўриқланиши ва ҳимоя қилинишини таъминлаш учун катта аҳамиятга эга. Айнан ички ишлар органлари биринчи навбатда, давлатда бевосита жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлайдилар. Ички ишлар органлари мазкур функцияни бажариш орқали шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари амалга ошиши учун зарур шарт-шароит яратадилар. Айнан шу асосда жамиятда ҳар кимнинг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақкамлашдан шахсий манфаатдорлигига оид психологик муҳитни яратишда ички ишлар органлари ишларининг сифатини баҳолаш борсида фуқароларнинг ижтимоий фикри юксалади.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш механизмнинг нуқсонсиз амал қилиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари барча ходимларидан нафақат юксак ҳуқуқий маданиятни, балки инсон ҳуқуқлари маданиятини ҳурмат қилишни ҳам талаб этади. Ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг юқорилиги шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг ҳуқуқий қўриқланиши ва ҳимояланиши анча тўлиқ ва барқарор амалга оширилишини таъминлайди, демократик жамиятда қонунийлик даражаси ва ҳолати, улар ҳуқуқий маданиятининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Айнан шунинг учун ҳам аҳоли, шу жумладан ички ишлар органлари ходимлари, судьялар корпусининг ҳуқуқий билимларини ошириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш мамлакатимизда демократия асоси сифатида меъёрга айланиши учун фуқароларнинг ўзлари ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англашлари, ушбу соҳада муайян билимларга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, шунингдек, уларни ҳимоя қилиш соҳасида амалий кўникмаларга эга бўлишлари зарур. Буларнинг барчаси — **инсон ҳуқуқлари маданиятининг** муҳим элементи, инсон ҳуқуқлари маданиятининг юқори даражаси эса, ўз навбатида, ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш кафолатларидан биридир.

„Инсон ҳуқуқлари маданияти“ тушунчаси илк бор 1989 йил БМТнинг ахборот материаллари саҳифаларида пайдо бўлди. Аммо у фанда тадқиқот предмети бўлмади, „инсон ҳуқуқлари маданияти“ гуманитар ҳуқуқ гоясидан келиб чиққан бўлса-да, юридик адабиётда ҳозирча ушбу категориянинг таърифи мавжуд эмас.

Инсон ҳуқуқлари маданияти инсон ҳуқуқлари ва уларни тан олиш, уларга риоя қилиш ва ҳимоялаш механизмлари, шунингдек, инсон ҳуқуқларининг шахснинг ўзи ва жамият бошқа аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (шу жумладан ўзини ўзи ҳимоя қилиш) қобилияти ва кўникмаларига доир билимлар йиғиндисини акс эттиради.

Инсон ҳуқуқлари маданиятининг нодирлиги унинг асосий қисмлари билан узвий алоқадорлигида ифодаланади, улардан тизимли алоқадорликда бўлган дунёқараш йўналишлари ва қарашлар, кўникма ва қобилиятни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари маданияти аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги билимлардан қай даражада хабардорлиги, низоларни толерантлик, ўзаро мулоқот, ижтимоий шерикчилик ва ҳоказолар асосида ҳал этишнинг ишлаб чиқилган кўникмалари ҳолати билан тавсифланади.

Инсон ҳуқуқлари маданиятини таърифлашда қўйидаги асосий белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари маданияти ахлоқий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ўзида инсон кадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, уларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг амалий кўникмалари ҳамда қобилиятларини эътироф этиш ва ҳурмат қилишга асосланган қадрият йўналишлари ва қарашлар, психологик ҳиссиётларга доир билимлар тизимини акс эттиради;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари маданияти шахснинг конституциявий ҳуқуқий онгини шакллантириш учун зарур бўлган фуқаролик сифатларининг ривожланишига имкон беради; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий механизмларига бўлган муносабатни белгилайди, улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиради;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш давлат ва фуқаролик жамиятидан инсоннинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган ва давлат томонидан кафолатланган ўз инсоний ҳуқуқларини билишини таъминлаш асосий ҳисобланадиган йўналишлар ва шаклларда мақсадга йўналтирилган фаолиятини талаб қилади;

тўртинчидан, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятининг тараққий этишида ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза қилувчи маънавий қадриятларнинг ривожланиши ҳамда ижтимоий ривожланиш жараёнларига нисбатан инсонда тегишли дунёқараш йўналишларининг шаклланиши ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бугун мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан биринчи босқич — аҳолининг инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш босқичи яқунланди деса бўлади. Эндиликда олдимизда ҳуқуқий билимларнинг янги босқичини ҳаётга жорий этиш вазифаси турибди, бу — **инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш**.

Бугун инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришни, назаримизда, инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий билим ва маърифатнинг асосий мақсади, шунингдек, давлат ҳокимияти органларининг марказий ва ҳудудий даражада таълим сиёсатидаги устувор йўналиши сифатида баҳолаш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг маъноси одамлар — фуқаролар ва мансабдор шахсларда инсон шахсига ҳурмат ҳиссини сингдириш ва уларни инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга ўргатишда ифодаланади. Шу боис инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш чуқур инсонпарварлик маъносига эга ва пировард натижада жамиятни маънавий янгилашга қаратилган. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш йўллари ўрта ва олий мактабда ўқув курслари ишлаб чиқиш, халқаро

ҳуқуқий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар чоп этиш, инсон ҳуқуқларини оммавий ахборот воситалари ёрдамида тарғиб қилиш, илмий марказлар ва инсон ҳуқуқлари кафедралари ташкил этиш, инсон ҳуқуқларини кўриқлаш бўйича давлат органлари тизимида ташкил этилган махсус тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, ва ниҳоят, кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳаракатини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Давлат органлари фаолиятида ва айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари маданиятига оид ҳуқуқий билим бериш ва уни таъминлаш бўйича самарали ишларни амалга ошириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил томонидан қуйидаги бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади:

— 2010—2011 йиллар давомида мамлакатнинг барча ҳудудларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш орқали Ўзбекистонда фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва эркинликларини таъминлаш масалалари бўйича семинар-конференцияларнинг ҳақиқий циклини ўтказиш;

— инсон ҳуқуқларидан таълим бериш бўйича методик материаллар ишлаб чиқиш. Бунда инсон ҳуқуқларидан таълим бериш фақатгина бу соҳадаги билимларнигина эгаллашни эмас, балки ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўникма ва қобилиятларни ҳам ўз ичига олиш керак;

— давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг бир қатор комплекс чоралари ва тадбирларини ўз ичига олган фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари маданиятининг юқори даражаси шубҳасиз, ҳуқуқ ва эркинликларни тегишли даражада амалга оширишнинг барқарор шarti бўлиб хизмат қилади, унинг шаклланиши учун фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини англаб етишлари, ушбу соҳада муайян билимга эга бўлишлари, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш соҳасида кўникма ва қобилиятга эга бўлишлари лозим.

Инсон ҳуқуқлари маданияти демократик ҳуқуқий давлат қурилишига ёрдам бериши керак. Бу шароитда айнан инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим, маориф ва тарбия, ҳуқуқий маданиятни ошириш Ўзбекистон Республикасида жамият турмушининг барча томонларини ислоҳ этиш, модернизация қилиш ва янгилаш жараёнларини фаол таъминлашга ёрдам беради.

Ҳозирги босқичда жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданияти ғоясининг ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида ўз ифодасини топган. Бу ... “**маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эришолмаймиз, яъни, инсон қалбига йўл тополмаймиз**”¹, деган ҳақли фикрларда яққол кўзга ташланади.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — 129-б.

Т. Р. Саитбаев*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, „ҳуқуқий маданият“ ҳуқуқий категория сифатида давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтаи назарини ифодаловчи ҳуқуқий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги, фаол ҳуқуқий онгнинг шаклланганлиги, ҳуқуқий тарғиботнинг кенг йўлган қўйилганлиги билан изоҳланади. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустақамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Назарий нуқтаи назардан, ҳуқуқий маданият жамиятда ўрнатилган қонун нормаларига нечоғлиқ риоя этиш даражасини белгиловчи муҳим ижтимоий ҳодисадир. „Ҳуқуқий маданият деганда жамиятнинг қонунчилик даражаси, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси, халқнинг ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиш тушунилади“¹. Шу ўринда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш ва давлат бошқарувини самарали ташкил этишда барча мансабдор шахслар қатори ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Эътиборли томони шундаки, республикада ҳали мустақилликнинг илк йиллариданоқ жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича бир қатор кенг қамровли ҳуқуқий ҳамда ташкилий тадбирлар амалга оширилди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида“ги 1997 йил 25 июнь Фармони қабул қилинди².

Ушбу Фармонга мувофиқ аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар — давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ҳақиқатан ҳам, „мухтасар айтганда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуг ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир“³. Шунингдек, Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи вазифасини в. б., юридик фанлар доктори.

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Проф. Х. Т. Одилқориев таҳрири остида. — Т., 2009. — 310-б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1997. — 7-сон. — 179-м.

³ *Каримов И.А.* Юксак ҳуқуқий тафаккур — демократик ҳаёт тақозоси // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. — Т., 1998. — 14-б.

томонидан чуқур англаб етишга ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги кўрсатиб ўтилди. Президент бу вазифаларни бажариш юзасидан мутасадди раҳбарларга аниқ кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 июлдаги «Ижтимоий фикр» жамоатчилик Марказини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори билан давлатга қарашли бўлмаган (нодавлат) мустақил илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланган «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташкил этилди. Аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти савиясини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш Марказнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилаб қўйилди¹.

Мамлакат раҳбарининг юқоридаги фармонида асосан *Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази* ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари ҳамда *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш маркази* ташкил этилди (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш маркази тузиш тўғрисида»ги 364-сонли ва 1997 йил 22 июлдаги «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи ва аҳолини ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш маркази тузиш тўғрисида»ги 367-сонли қарорлари*)².

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 27 августда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинди ва унда мамлакат ҳукуматининг қарорига биноан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган бир қатор муҳим тадбирлар доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юристлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш борасида қуйидаги асосий вазифалар белгиланди:

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш;

барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш;

аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш; фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш.

Учинчидан, шу йил (1997 й.)нинг ўзида парламентимизнинг 30 августдаги қарорига асосан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган халқаро даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат „Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш юзасидан мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси“ маъқулланди, бу эса миллий қонунчилигимизда қайд этилган мансабдор шахсларнинг қонунларга қатъий риоя этиш принципини яна бир марта мустаҳкамлади³.

Тўртинчидан, айрим марказий давлат бошқаруви органлари тизимида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг алоҳида тузилмалари ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий маърифат соҳасидаги фаолиятини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида“ги 2003 йил 21 ноябрь қарори бунга мисол бўла олади⁴.

¹ http://lex.uz/home/mj_html.home

² http://lex.uz/home/mj_html.home

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1997. — 9-сон. — 263-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2003. — 22-сон. — 226-м.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 2009 йил 31 декабрь қарорида Интернет тармоғида жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ишлари тугалланганлиги маълумот учун қабул қилинди. Шу муносабат билан, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб Интернет тармоғидан фойдаланувчилар томонидан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан текин фойдаланиш қоидалари белгилаб қўйилди¹.

Умуман, ҳуқуқий маданиятни ошириш юзасидан мамлакатимизда ташкилий-ҳуқуқий механизм тўлиқ йўлга қўйилган бўлса-да, бироқ уларни амалга ошириш асосан мутахассис раҳбарларга боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиз. „...Қисқаси кишилари-мизнинг, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келади. Бу ўринда кўп нарса раҳбарларимизга, ана шу қонун ва ҳуқуқларни муҳофаза қиладиган кишиларга боғлиқ. Энг муҳими, улар қонун талабларини сўзсиз бажаришда, қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим“².

Ҳақиқатан ҳам, қонун ҳужжатларининг қўлланиши амалиёти шуни кўрсатадики, бир қатор ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан мансабдор шахслар, хусусан ички ишлар органлари ходимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг камситилиши ҳоллари улар ҳуқуқий билимларининг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданияти даражасининг пастлигидан келиб чиқади. Айнан шу сабабли, ҳуқуқлари бузилган фуқаролар уни ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган механизмидан, шу жумладан мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан камдан-кам фойдаланадилар.

Шу боис ҳуқуқни менсимасликка барҳам бериш, аҳоли, хусусан ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳуқуқий ахборотдан фойдалана олиш имкониятини амалда таъминлашни талаб қилади. Бунинг учун:

биринчидан, қонунларни, айниқса, идоравий норматив ҳужжатларни ўз вақтида нашр этиш ҳамда Адлия вазирлиги томонидан чиқарилаётган «Қонун ҳужжатлари тўплами» нашрини одатдагидан кўп нусхада чоп этиш ва тарқатиш доирасини кенгайтириш лозим;

иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим қонун нормаларининг қўлланилишида юзага келадиган муаммоларни инобатга олган ҳолда шу турдаги қонунларга шарҳлар тайёрлаш ишини жонлантириш керак;

учинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорида Интернет тармоғида жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан унумли фойдаланишни кенг йўлга қўйиш даркор;

тўртинчидан, Ички ишлар вазирлиги тизимида олий юридик ўқув юртларига абитуриентларни танлаб олишда уларнинг ахлоқи, маънавиятини таҳлил этиш; мантиқий фикрлаш, ностандарт вазиятларни танқидий баҳолай олиш, хулоса чиқариш, ўз нуқтаи назарини асослай олиш қобилиятини ҳисобга олиш; уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маҳоратини аниқлаш зарур. Шу мақсадда уларни тест синовидан ўтказиш жараёнида тегишли қобилиятини аниқлашга имкон берадиган ижодий имтиҳон топширишини ҳам назарда тутиш жоиздир.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2009. — 52-сон. — 576-м.

² *Каримов И.А.* Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. — Т., 1999. — 153-б.

Ички ишлар вазирлиги таълим тизимида ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий тузилиши ва намоён бўлишининг фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, психологик ва юридик муаммоларини тадқиқ этиш, уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини аниқлашга илмий изланишларнинг устувор йўналиши деб қаралмоғи лозим.

Айниқса, шахс умумий ва ҳуқуқий маданиятининг ўзаро боғлиқлиги; ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий феъл-атвор; ижтимоий онгни шакллантиришда ҳуқуқнинг ўрни; ҳуқуқий тарбия ва аҳолининг ижтимоий фаоллиги; ҳуқуқий онгга таъсир этиш шакллари ва усуллари; ҳуқуқий онгнинг психологик жиҳатлари; ҳуқуқий онгдаги ижтимоий бузилиш ва салбий ўзгаришлар; аҳолининг турли қатлам ва ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданияти каби долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш давр талабидир.

Ҳуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизини ривожлантириш, умуман жамиятдаги ҳуқуқий маданият ва хусусан ички ишлар органлари ҳамда аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий маданияти ҳолатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш учун сўровлар ўтказиш ва ҳуқуқ, унинг ижтимоий қадри ҳамда тартибга солувчанлик вазифаси тўғрисида жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа усулларини қўллаш зарур.

Вазирлик таълим тизимида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг мутасадди ходимлари, манфаатдор ташкилотлар иштирокида ёшларни ҳуқуқий тарбиялашнинг илмий асосланган методлари ишлаб чиқилиши керак. Чунки ҳозирги кунда „ҳеч шубҳасиз, юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга мутлақо янгича маъно касб этиб бормоқда. Хусусан, шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун ва шакл топиб, янги хусусиятлар, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бораётганлигини сезиш, англаш қийин эмас“¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини, халқимизнинг менталитети ва ҳозирги замонда шиддат билан ўзгариб, янгилашиб бораётган фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳисобга олиш, хорижий давлатлардаги ҳуқуқий маданиятни оширишга доир илмий тадқиқотларнинг натижаларини нашр этиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, бу соҳада илмий ахборот айирбошлашни йўлга қўйиш ғоят муҳим вазифадир.

Бу борада илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумотномаларни ўз вақтида нашр этиш, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни кучайтириш илмий билимларни оммалаштириш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиздир.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2009. — 125-б.

*Катрин Наглер**

ПРАВА ЧЕЛОВЕКА И ИСПОЛНЕНИЕ НАКАЗАНИЯ

Человеческое достоинство и система исполнения наказания.

Как в немецком, так и узбекском праве достоинство заключенного закреплено законодательно, независимо от преступления, которое он совершил. Согласно идее прав человека вопрос о том, вел ли он себя достойно, не задается. Он обладает человеческим достоинством, потому что он — человек. Можно находить это удовлетворительным или нет. Можно найти аргументы «за» и «против» (только тот, с кем обращаются как с человеком, имеет шанс быть человеком).

Как в Германии, так и в Узбекистане признается право на защиту человеческого достоинства в местах заключения. Оно очерчивает абсолютные пределы лишения свободы и обеспечивает, таким образом, проявление личности. Регламент мест заключения должен соответствовать определенным минимальным требованиям: заключенным должны предоставляться прогулки, разрешены посещения, заключенные должны иметь возможность мыться, вести переписку и т.д.

Определенные индивидуальные, исключительные и иные одолжения не признаются, если они угрожают безопасности и нормальной работе учреждений. Безопасность (права и свободы других) и нормальная работа учреждений (практическая необходимость) являются весомыми аргументами, которые имеют значение при развитии достоинства человека в заключении.

В тесной связи со сложным понятием человеческого достоинства состоит запрет пыток. Он защищает достоинство и физическую целостность человека.

Запрет пыток.

В ст. 5 Всеобщей декларации прав человека определено: «Никто не должен подвергаться пыткам или жестоким, бесчеловечным или унижающим его достоинство обращению и наказанию». В соответствии с этим сформулирована ч. 2 ст. 26 Конституции Республики Узбекистан: «Никто не может быть подвергнут пыткам, насилию, другому жестокому или унижающему достоинство человека обращению».

Статья 3 Европейской конвенции прав человека гласит: «Никто не должен подвергаться ни пыткам, ни бесчеловечному или унижающему достоинство обращению или наказанию». Такое обращение имеет место при страданиях или трудностях, которые превосходят неизбежную в связи с заключением меру. Это накладывает на государства обязательство обеспечивать содержание заключенных в условиях, которые соответствуют уважению к человеческому достоинству.

Здоровье и благополучие заключенных должны обеспечивать разумные практические требования режима мест заключения, при этом учитываются необходимые условия для получения медицинского обслуживания¹.

* Адвокат (Федеративная Республика Германия).

¹ См.: ЕСПЧ, Моуизель против Франции, судебное решение от 14 ноября 2002 г.; ЕСПЧ, Ривьер против Франции, судебное решение от 11 июля 2006 г. (Там ЕСПЧ не признает общие обязательства, исходящие из ст. 3 ЕКПЧ об освобождении заключенного по состоянию здоровья или переводе в гражданскую больницу, даже если он страдает от болезни, которая трудно поддается лечению.). Сайт ЕСПЧ: <http://cmiskp.echr.coe.int/tkr/197/search.asp?skin=hudoc-en>, последний просмотр 16 августа 2010 г.

В связи со сложностью представления доказательств в местах заключения, Европейский суд по правам человека (ЕСПЧ), например, отходит от бремени доказывания: при нарушениях здоровья, которых не было до ареста, государство должно доказать соблюдение данных стандартов¹.

Обращение негуманно, если оно намеренно вызывает сильную физическую или психическую боль. Оно унижает, если вызывает у жертвы чувство страха, бессилия или неполноценности, которые унижают достоинство и приводят к покорности. При этом намерение не является обязательным. Пытки, совершенные намеренно, являются особенно тяжким, негуманным и унижающим достоинство обращением (см. Конвенцию ООН против пыток).

Проблематичен уже вопрос, какова мера неизбежных страданий и трудностей, связанных с заключением. ЕСПЧ считает достоинство затронутым, если человек стал «объектом насилия органов власти»². Критерии ЕСЧП не предлагают проведение четкой границы наступления того случая, когда, например, заключенный становится максимально безопасным как объект. Суд оставляет открытым вопрос, что он понимает под достоинством. При рассмотрении ст. 3 Европейской конвенции прав человека, ЕСПЧ ориентирует на конкретные обстоятельства отдельных случаев, подчеркивает динамическую интерпретацию Конвенции и обходит, таким образом, общие (универсальные) высказывания о человеческом достоинстве. Вместе с тем Суд показывает: то, что касается пыток, не может формулироваться абстрактно. Спорно, как динамическая интерпретация согласуется с претензией на универсальность.

Необходимо учитывать практические требования заключения: чем выше опасность побега или «заговора» или чем выше угроза надлежащему функционированию тюрьмы, тем более строгие условия содержания являются необходимыми. Кроме того, для обеспечения безопасности заключенных и сотрудников пенитенциарных учреждений могут быть необходимы ограничения гражданских свобод заключенных³. Также необходимо учитывать неизбежно связанные с заключением страдания, трудности – психические и физические страдания, чувство страха, бессилия и неполноценности.

Для резюме концепции человеческого достоинства воспользуемся постановлением Европейского суда по правам человека: «С точки зрения Суда, вопрос унижения или умаления достоинства должен достигать особенной степени тяжести, чтобы классифицироваться как «унижающее» наказание, которое нарушает статью 3 и действует в любом случае иначе, чем обычный элемент унижения, чем представлено в предыдущем абзаце. Классификация естественно относительна: все зависит от обстоятельств конкретного случая и, в частности, от вида и причины штрафа, также от условий и способа его реализации»⁴.

Человеческое достоинство как основа прав человека касается сути человека и зависит от места и времени. В общем и универсально говорить более точно об этой основе нельзя.

¹ ЕСПЧ, Актас против Турции, судебное решение от 24 апреля 2003 г.; ЕСПЧ, Калашников против России, судебное решение от 15 июля 2002 г. Сайт ЕСЧП: <http://cmiskp.echr.coe.int/tpk197/search.asp?skin=hudoc-en>, последний просмотр 16 августа 2010 г.

² Что касается критерия «наказание, унижающее достоинство», см.: ЕСПЧ, Тирер против Соединенного Королевства. Сайт ЕСЧП: <http://cmiskp.echr.coe.int/tpk197/search.asp?skin=hudoc-en>, последний просмотр 16 августа 2010 г.

³ См.: Швейцарский федеральный суд. BGE 118 I a 64, E. 2; BGE 113 Ia328 E.4.

⁴ ЕСЧП. Тирер против Соединенного Королевства. Сайт ЕСЧП: <http://cmiskp.echr.coe.int/tpk197/search.asp?skin=hudoc-en>, последний просмотр 16 августа 2010 г.

Равенство.

Статья 2 Всеобщей декларации прав человека устанавливает тождественность относительно объявленных в заявлении прав и свобод: «Каждый человек должен обладать всеми правами и всеми свободами, провозглашенными настоящей Декларацией, без какого бы то ни было различия, как-то в отношении расы, цвета кожи, пола, языка, религии, политических или иных убеждений, национального или социального происхождения, имущественного, сословного или иного положения».

Конституция Республики Узбекистан в ст. 18 устанавливает общую юридическую тождественность: «Все граждане Республики Узбекистан имеют одинаковые права и свободы и равны перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения».

Льготы могут быть установлены только законом и должны соответствовать принципам социальной справедливости».

Здесь можно установить, что заключенный путем лишения свободы и в зависимости от вида действующего учреждения должен отказаться от некоторых свобод.

Как в Германии, так и в Узбекистане принимается принцип пропорциональности. Например, в узбекском уголовно-исполнительном законодательстве большое значение придается рассмотрению опасности со стороны правонарушителя и соответствующих мер безопасности (см. ст. 45 Уголовно-исполнительного кодекса Республики Узбекистан).

Право на жизнь, свободу и безопасность.

Заключенный принципиально не должен отказываться от своей жизни и безопасности своей персоны.

Статья 3 Всеобщей декларации прав человека гласит: «Каждый человек имеет право на жизнь, на свободу и на личную неприкосновенность».

Право на жизнь устанавливает ст. 24 Конституции Республики Узбекистан: «Право на жизнь есть неотъемлемое право каждого человека. Посягательство на нее является тягчайшим преступлением».

Жизнь и свобода названы в ст. 13 Конституции Узбекистана неотъемлемыми правами: «Демократия в Республике Узбекистан базируется на общечеловеческих принципах, согласно которым высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права».

Демократические права и свободы защищаются Конституцией и законами».

В соответствии с ч. 1 ст. 25 Конституции Узбекистана каждый обладает правом на свободу и личную неприкосновенность.

Заключенный вынужден отказаться от права на жизнь и безопасность только тогда, когда он становится опасным для других, и это не может быть устранено иным способом (ср. ст. ст. 69 и 85 Уголовно-исполнительного кодекса Узбекистана).

Право заключенного на свободу в любом случае ограничено. Ограничение предусматривает и Всеобщая декларация в ст. 9: «Никто не может быть подвергнут произвольному аресту, задержанию или изгнанию».

Часть 1 ст. 25 Конституции Республики Узбекистан также гласит: «Никто не может быть подвергнут аресту или содержанию под стражей иначе как на основании закона».

Другие права человека.

Статья 13 Всеобщей декларации прав человека гласит:

«(1) Каждый человек имеет право свободно передвигаться и выбирать себе местожительство в пределах каждого государства.

(2) Каждый человек имеет право покидать любую страну, включая свою собственную, и возвращаться в свою страну».

Статья 28 Конституции Узбекистана определяет: «Гражданин Республики Узбекистан имеет право на свободное передвижение по территории республики, въезд в Республику Узбекистан и выезд из нее, за исключением ограничений, установленных законом».

Свобода передвижения заключенного ограничена, однако, и по уголовно-исполнительному законодательству Узбекистана, только до тех пор, пока это необходимо (принцип пропорциональности). Уголовно-исполнительное законодательство гарантирует это различными формами лишения свободы в зависимости от тяжести совершенного преступления и опасности преступника.

В соответствии со ст. 12 Всеобщей декларации прав человека, «никто не может подвергаться произвольному вмешательству в его личную и семейную жизнь, произвольным посягательствам на неприкосновенность его жилища, тайну его корреспонденции или на его честь и репутацию. Каждый человек имеет право на защиту закона от такого вмешательства или таких посягательств».

Путем заключения под стражу происходит вмешательство в личную и семейную жизнь, переписку. Также вследствие пребывания в тюрьме могут пострадать достоинство и репутация. Статья 12 Всеобщей декларации только определяет, что «никто не может подвергаться произвольному вмешательству в его личную и семейную жизнь» и т.д. К сожалению, отсутствует ссылка на необходимую законодательную основу, как это должно быть и какие могут быть допущены компромиссы. В Уголовно-исполнительном кодексе Узбекистана особенно большое значение уделяется контактам заключенных с семьями.

Статья 19 Всеобщей декларации прав человека определяет: «Каждый человек имеет право на свободу убеждений и на свободное выражение их; это право включает свободу беспрепятственно придерживаться своих убеждений и свободу искать, получать и распространять информацию и идеи любыми средствами и независимо от государственных границ».

Также это право знать об указанных ограничениях при лишении свободы.

Пункт 1 ст. 20 Всеобщей декларации прав человека гласит:

«1) Каждый человек имеет право на свободу мирных собраний и ассоциаций».

Ограничение. В частности, заключенный не может посещать собрания вне места заключения.

Статья 21 Всеобщей декларации прав человека:

«(1) Каждый человек имеет право принимать участие в управлении своей страной непосредственно или через посредство свободно избранных представителей».

(2) Каждый человек имеет право равного доступа к государственной службе в своей стране».

Первое гарантируется как узбекскими, так и немецкими предписаниями. Второе, нет. В соответствии с п. 1 ст. 23 Всеобщей декларации прав человека:

«(1) Каждый человек имеет право на труд, на свободный выбор работы, на справедливые и благоприятные условия труда и на защиту от безработицы».

Как в Германии, так и Узбекистане пытаются дать возможность заключенным работать (см. ст. 88 Уголовно-исполнительного кодекса Узбекистана), однако

возможности ограничиваются: для одних — соображениями безопасности, для других — из-за отсутствия помещений и финансовых ресурсов.

Пункт 1 ст. 27 Всеобщей декларации прав человека определяет:

«(1) Каждый человек имеет право свободно участвовать в культурной жизни общества, наслаждаться искусством, участвовать в научном прогрессе и пользоваться его благами».

Данное право ограничено. Однако это тоже учитывается законодателями, а учреждениями пенитенциарной системы и сотрудниками на местах делаются попытки в рамках возможностей.

* * *

Надеемся, из приведенных комментариев очевидно, что права человека не универсальны и все же являются таковыми.

Рассмотрение отдельных прав человека и проверка на примере системы исполнения наказания выявили, что они ограничены:

- правами и свободами других (аспект безопасности, с целью ресоциализации)¹,
- практическими требованиями, к которым относятся также пространственные и финансовые ограничения.

В этом смысле — и это действительно не только для учреждений пенитенциарной системы — речь не идет о значимости. Как и в других правовых сферах, права одного человека и права многих людей не равнозначны. Они сталкиваются. Кто получит свое право в какой-то степени за счет прав другого решается (в лучшем случае) на основе системы ценностей. Например, свобода опасного преступника ограничивается, чтобы защитить свободу и жизнь других людей. Система ценностей не является статичной ни во времени, ни в пространстве. Она может варьироваться более или менее сильно от общества к обществу, подверженных влиянию коллегиальных представлений, и от человека к человеку.

Универсальность обусловлена тем, что права человека принципиально признаются за каждым человеком и определены. Как указано, это действительно как для права Германии, так и права Узбекистана. Лишение свободы ограничивает права заключенного. Однако они гарантированы, насколько это возможно, с учетом заслуживающих защиты и уважения прав других и классификации фактических условий.

Права человека не являются фиксированными сферами. Они подвержены конфликтам интересов и склонны к изменениям. Их толкование и значимость зависят от коллективного и индивидуального понимания и моральных представлений. Любое фиксирование этих систем ценностей обречено на провал. Тем не менее, в случаях лишения свободы выявляется, что наличие и признание прав человека ведет к такому обращению с человеком, каким оно единственно и должно быть: человеческому. Права человека соблюдаются посредством участия в балансе интересов. И в этом смысле можно говорить об универсальности.

¹ См.: Статья 2 Уголовно-исполнительного кодекса Республики Узбекистан («Задачи уголовно-исполнительного законодательства»).

М. М. Файзиев*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ: ТАРИХИ, УСТУВОРЛИГИ ВА АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Бу йил мустақил Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституцияси қабул қилинганга 18 йил тўлади. Ўтган йилларнинг энг муҳим натижаси халқимизнинг танланган йўли тўғрилигига, ўз мамлакатининг буюк келажагига ишончи ортиб бораётганлигидадир. „Ўтган йиллар яқунлари, биз тўғри йўл танлаганмиз, ислохотларнинг асосий тамойилларини тўғри белгилаб олганмиз, янгиланиш ва тараққиётнинг Ўзбекистон модели ўзини тўла-тўқис оқлаб, муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилмоқда деб, айтишимизга асос беради.

Ҳозирги муҳим вазифа шу моделни мустаҳкамлашдан иборатдир. Бунинг учун қонунчилик механизмини янада такомиллаштириш, республика қонунларини халқаро андозалар даражасига етказиш ва халқаро меъёрларга мослаштириш зарурдир.

Конституциямиз асосида янги қонунлар тайёрлаш ва қабул қилиш режасини ва стратегиясини яратиш зарур. Президентимиз ўз нутқида „Қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни рўйбга чиқариш тартибини яратишга мустақил экспертлар, халқаро марказлар, чет эл мутахассислари кўпроқ жалб этилиши керак“, деб таъкидлади¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти ва хусусиятлари.

а) Конституция тушунчаси. Конституция — давлатининг Асосий қонуни бўлиб, унинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий табиатини ифода этади. Конституция — бу давлатнинг ҳуқуқий асосидир, унга мувофиқ ҳокимият ва бутун давлат механизми фаолият кўрсатади. Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди ва ҳимоя қилади, ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналишларини, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ривожланиш жиҳатларини белгилаб беради.

Ёзилган ва ёзилмаган конституциялар мавжуд. Ёзилган конституция — бу ягона асосий қонун бўлиб, жамият ва давлат тузумининг энг муҳим институтларини белгилаб беради. Ёзилмаган конституция — бу бир қатор қонунлар, конституциявий нормалар ва урф-одатлар йиғиндисидан иборат.

„Конституция“ термини латинча бўлиб „ўрнатилиш“, „таъкидланиш“, „тузилиш“ маъноларини англатади. Конституциялар феодал жамиятларда ҳам мавжуд эди. Улар шарқда тузуклар ёки қоидалар деб аталган. Конституция бундай жамиятнинг ҳукмрон қатламлари манфаатини ҳимоя қилган.

Мамлакатимиз Конституцияси тўғрисида Республика Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: „Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир“².

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасининг профессори, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари // Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. — Т., 1997. — 116-б.

² Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. — Т., 1996. — 93-б.

Ҳозирги даврда тараққий этган мамлакатларда конституциялар умуминсоний қадриятлар ва манфаатларни мустақкамлаш воситаси бўлиб келмоқда.

Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида ўзининг бир қатор юридик хусусиятлари билан бошқа қонунлардан фарқ қилади. Конституция меъёрлари таъсис этувчи хусусиятга эга бўлиб, бундай хусусият бошқа қонунларга хос эмас. Конституция – бу Олий қонун бўлиб, бошқа қонунлардан юқори туради. Конституция бирламчи қонун, ҳуқуқнинг барча тармоқлари ривожланиши учун ҳуқуқий асос ва олий юридик манба ҳисобланади.

Конституция Олий қонун сифатида барқарордир, уни қабул қилишнинг ва унга ўзгартиришлар киритишнинг *махсус тартиби* жорий қилинади. Масалан, оддий қонунни қабул қилиш учун парламент депутатларининг умумий сонидан овозларнинг оддий кўпчилиги талаб қилинса, Конституцияни қабул қилиш ва ўзгартириш учун эса овозларнинг камида учдан икки қисми талаб қилинади.

б) Ўзбекистонда конституцияшунослик тарихи. Мустақил Республикамизнинг янги Конституцияси ўзбек халқининг тарихида тўртинчи Конституция ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси 1927 йилда, унинг Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиши натижасида ташкил топганидан кейин қабул қилинди. Конституция қабул қилингунга қадар республикада бир неча конституциявий аҳамиятга эга бўлган актлар чиқарилган.

1927 йилги Конституция республика „суверенитети“ни ва унинг собиқ Иттифоқ таркибига киришини мустақкамлади, ҳокимият ва бошқарув органларининг тузилмасини белгилаб берди.

Республиканинг 1937 йилги иккинчи Конституцияси, собиқ Иттифоқда мавжуд бўлган анъанага мувофиқ, социалистик тузум асослари куриб бўлинганини эълон қилди. Илгаригидек республика „суверен“ ҳисобланса-да, ҳақиқатда эса бу қуруқ гапдан иборат эди.

Учинчи Конституция 1977 йилги Иттифоқ Конституциясидан кейин 1978 йилда қабул қилинди ва унинг барча ижобий томонлари билан бирга камчиликларини такрорлади. Ўзбекистоннинг ўша даврдаги Конституциясига кўра, республика „салмоқли“ демократик куч-ғайратга эга эди. Конституцияда халқнинг тўлиқ ҳокимияти ўрнатилганлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида ҳам кўп моддалар мавжуд эди. Унга алоҳида „Социал ривожланиш ва маданият“ боби киритилди.

Аммо шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида муттасил ривожланиш амалга ошмай, Конституциянинг кўпгина моддалари қоғозда қолиб кетди.

Амалда Конституция ўрнини бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик тизими эгаллади, ижроия ҳокимият қонунчилик ҳокимиятидан юқори турди. партиянинг раҳбарлик роли конституциянинг ўзида мустақкамланди. Ҳокимият партократия билан алмашинди. Федерализм принциплари ўрнига унитаризм амалда мавжуд эди.

Мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан фуқароларнинг шикоят қилиши тартиби тўғрисида қоидалар мавжуд эмасди, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоаларининг ҳуқуқлари қонун билан мустақкамланмади. Ҳуқуқий тизимда Конституциянинг устунлиги, юқори туриши ҳақидаги нормалар, конституциявий назорат амалда йўқ эди. Конституция манифестга айланиб қолганди.

Ўзбекистон Республикасида конституциявий ислоҳот икки йўлдан борди:

Биринчиси, амалдаги Асосий қонунни қисман қайта кўриб чиқиш.

Иккинчиси, янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш.

Давлат органлари тизимига ўзгартиришлар киритилди, президентлик ва ҳокимлик институтлари жорий қилинди. Вазирлар Маҳкамаси тузилди ва бир қатор концернлар ташкил этилди. Сайлов тизими демократлаштирилди, хусусий мулкнинг турлари ва шакллари конституцион тарзда мустақамланди. Бир вақтнинг ўзида Конституция лойиҳаси устида иш олиб борилди ва у 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинди.

в) Нима сабабдан Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиш зарурияти тугилди? Собиқ Иттифоқ ҳудудида мустақил давлатларнинг вужудга келиши, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий аҳволнинг тубдан ўзгариши янги ҳуқуқий актларни, аввало янги Конституцияни қабул қилишни зарур қилиб қўйди. Бу Конституция жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган давлат тузилишининг демократик принципларини ҳисобга олиши ва бир вақтнинг ўзида миллий ривожланиш хусусиятларини акс эттириши керак эди.

Иттифоқ тугатилиши билан 1977 йилги Иттифоқ Конституцияси ўзининг юридик кучини йўқотди. Собиқ Иттифоқдош республикалар бирин-кетин мустақиллик тўғрисида декларация қабул қила бошладилар, баъзиларида эса бу тўғрида қонунлар кучга кирди. Шу тарзда мустақил суверен давлатлар вужудга келди.

Биринчидан, халқ ўз навбатида янги Асосий қонунни қабул қилишни талаб қилди.

Иккинчидан, собиқ Иттифоқ таркибидан чиққан суверен давлатлар халқаро ҳуқуқнинг субъектига айландилар. Бу ҳолни Конституция билан мустақамлаш зарур эди.

Учинчидан, ўз мустақиллигини эълон қилган барча суверен давлатлар дастлаб амалдаги конституцияларига ўзгартиш ва қўшимчалар кирита бошладилар ҳамда мустақилликнинг асослари тўғрисида қонунлар қабул қилдилар. Бу қонунлар вақтинчалик бўлиб, конституция қабул қилиш зарурияти вужудга келди.

Тўртинчидан, тузумнинг сиёсий ва ҳуқуқий ўзгариши рўй берди. Янги қонунчилик ҳокимияти, президентлик институти ва давлатнинг бошқа институтларини қонунийлаштириш керак эди. Бу ҳам янги Конституциянинг қабул қилинишини талаб қилар эди. Булардан ташқари, янги иқтисодий муносабатлар бозор иқтисодиётининг қатъий конституциявий, ҳуқуқий асосларини яратишни, бутун қонунчиликни қайта кўриб чиқишни зарур қилиб қўйди.

Бешинчидан, янги Конституция Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш учун керак эди. Мулкнинг турли шакллари муносабатни ўзгартирмасдан, иқтисодий ва сиёсий муносабатларни демократлаштирмасдан бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмас эди.

Олтинчидан, Конституция тузилаётган сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг юридик манфаатларини муҳофаза қилиши, фуқароларнинг демократик жараёнларда иштирок этишлари учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиши, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, ва аввало, БМТ ҳужжатларига мос келиши учун қўйилган талаблар ҳам янги Конституцияни қабул қилиш заруриятини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Президенти бир неча марта таъкидлаганидек, республика ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарур эди.

Биринчи Конституция концепциясининг ишлаб чиқиши ва лойиҳанинг тайёрланиши. 1991 йилнинг бошида Конституциявий Комиссия бўлажак Конституция концепциясини ишлаб чиқиш бўйича иш бошлади. Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти,

Сиёсатшунослик ва бошқарув институти, Республика Президенти Девони Маъмурий ҳуқуқий бўлими Конституция концепцияси устида иш олиб бордилар. Ишлаб чиқилган турли концепциялар асосида ягона мукамал концепция яратилди.

Конституциявий Комиссиянинг ишчи гуруҳи олдида конституциявий қурилишнинг янги тамойиллари мантиқий тизимини ишлаб чиқиш каби масъулиятли вазифа турарди¹.

Ишчи гуруҳ концепция асосида 1991 йилнинг ноябрида янги Конституция лойиҳасининг дастлабки (биринчи) варианты тайёрлади². У муқаддима ва 158 моддадан иборат эди. 1992 йилнинг баҳорида лойиҳанинг иккинчи варианты ишлаб чиқилди.

Конституциявий Комиссиянинг раиси И.А. Каримов иккинчи лойиҳани аниқ ва қатъий тарзда таҳрир қилиб чиқди. Таҳрир қилинган лойиҳа 137 моддадан иборат эди. Конституция лойиҳасининг учинчи варианты ҳам Республика Президенти томонидан таҳрир қилинди. Энди у 128 моддани ташкил этди.

1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси сентябрнинг охиридан декабрнинг бошигача давом этди. Унда мамлакатнинг вояга етган деярли барча аҳолиси иштирок этди.

Лойиҳа Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг сессиясида ва вилоятлар, шаҳарлар фаолларининг йиғилишларида ҳам муҳокама қилинди. Муҳокама натижалари умумлаштирилди ва қиёсий жадвалларни тузиш учун фойдаланилди.

1992 йил 21 ноябрда Конституция лойиҳаси кейинги муҳокама учун яна матбуотда эълон қилинди. Лойиҳанинг бу вариантда мамлакатимиз оддий фуқароларининг кўплаб таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинди.

Демак, лойиҳани муҳокама қилиш икки босқичда ўтди.

Конституциявий Комиссиянинг 1992 йил 7 декабрда бўлиб ўтган охириги мажлисида лойиҳанинг аҳоли томонидан маъқулланганлиги таъкидланди. Муҳокама давомида 6000 та мулоҳаза ва таклиф қабул қилинди. Улар ҳар томонлама ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Конституциявий Комиссия раиси И.А. Каримов шундай деди: „Унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр-ҳазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди“³.

1992 йил 8 декабрда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг II сессиясида Конституция лойиҳаси муҳокама қилинди. Унга Сессия 80 га яқин ўзгартиш, кўшимча ва аниқликлар киритди⁴. Конституция бир овоздан қабул қилинди.

а) Мустақил Ўзбекистон Конституциясида олдинги Конституцияга нисбатан қандай янгиликлар мавжуд. Ўзбекистоннинг ҳозирги амалдаги Конституцияси мустақил республиканинг биринчи Конституцияси ҳисобланади. Унинг лойиҳаси кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг олдинги уч конституциясининг лойиҳалари Москвадан юборилганди. Лойиҳа Иттифоқ Конституциясига мувофиқ келиши шарт эди. Бундан фарқли ўлароқ, амалдаги Конституция ўз Конституциявий Комиссиямиз томонидан республиканинг ўзида тайёрланди, ташқаридан ҳеч қандай лойиҳа, кўрсатмалар олинмади.

¹ Адилкариев Х.Т. Новая Конституция — великий символ суверенитета Узбекистана. — Т., 1993. — С. 7.

² Уразаев Ш. З. Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. — 1992. — 26 дек.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат// Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура.— Т. 1. — Т., 1996. — 124-б.

⁴ Адилкариев Х.Т. Новая Конституция — великий символ суверенитета Узбекистана. — Т., 1993. — С. 10—17.

Конституцияшуносликнинг бой халқаро тажрибаси базасида, МДХ аъзолари бўлган мустақил республикалар конституцияларининг лойиҳалари асосида дастлаб Конституция концепцияси ишлаб чиқилди, кейин эса лойиҳа тайёрланди.

Янги Конституциянинг манбалари қуйидагилар: Ўзбекистоннинг суверенитети тўғрисида декларация (1990 йил 2 июнь); Ўзбекистон мустақиллиги асослари тўғрисидаги республика қонуни, баёноти ва қарори (1991, 31 август); халқаро ҳужжатлар — „Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси“; „Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт“; „Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол“; миллий анъаналар, урф-одатлар ва, энг асосийси, жаҳон мамлакатларининг, МДХ аъзоси бўлган давлатларнинг конституциявий ривожланиш тажрибаси.

Таъкидлаш жоизки, янги Конституциямиз халқаро андозаларга, ҳужжатлар талабларига жавоб беради. Шунинг учун жаҳон ҳамжамияти бизнинг Конституцияни мустақил мамлакатлар учун намуна бўла оладиган Конституция сифатида тан олди.

Конституцияда жамиятимизнинг демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш мақсади мустақамланган.

Янги Конституция эскисидан фарқ қилиб, муқаддима билан бошланади. Унда Ўзбекистон халқининг мақсад ва интилишлари асослари кўрсатиб берилган ва Конституция шу асосларга таянади.

Ҳозир амалдаги Конституциянинг янги бобларида турли институтларни ва алоҳида қоидаларни учратамиз. Масалан, унда давлат суверенитети тўғрисидаги; халқ ҳокимияти; Конституция ва қонуннинг устуворлиги тўғрисидаги; ташқи сиёсат; шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги; фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари; иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисидаги; жамоат бирлашмалари; оила; оммавий ахборот воситалари; Президент тўғрисидаги янги боблар мавжуд.

Биринчи марта янги Конституция ҳокимиятларнинг бўлиниши принципини мустақамлади, давлат тили, мудофаа ва хавфсизлик, суд ҳокимияти тўғрисида кўпгина янгиликлар киритилди. Асосий қонунда айбсизлик презумпцияси, яшашга бўлган ҳуқуқ эълон қилинди. Конституцияга кўра, ҳеч ким қийноқ, азобларга дучор қилинмаслиги, ҳеч ким ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга тортилмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари республика ҳудудида эркин кўчиб юриш, республикага эркин кириш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқларига эга. Ҳар бир киши сўз, фикр ва эътиқод эркинлигига эга.

Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатлар ва ҳокимият вакиллари органларида оппозицион озчиликни ташкил қилувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини камситишга йўл қўйилмайди.

Конституция қабул қилинган кун 8 декабрь байрам, дам олиш куни деб эълон қилинди. Собиқ Иттифоқ даврида эса фақат умумиттифоқ Конституцияси куни байрам сифатида эълон қилинган эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси умумий ҳуқуқ тизимида энг асосий ўринни эгаллайди ва давлатнинг барча қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

б) Конституцияда ўзбек халқи тарихий ва миллий қадриятларининг акс этиши. Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳасини тайёрлашда ўзбек халқининг тарихий, миллий қадриятлари, анъаналари ва урф-одатлари, ахлоқи ва маданиятининг бошқа жиҳатлари ҳисобга олинди. „Темур тузуклари“, „Хамса“ (беш китоб), „Шоҳнома“, „Зафарнома“, „Бобурнома“, „Қонуннома“, „Шоҳлар ва амирларнинг хулқ-атвори“ ва шу каби тарихнинг бебаҳо ёдгорликларидан фойдаланилди.

Биз барпо этаётган давлат халқимизнинг миллий хусусиятларига, анъаналарига ҳамда урф-одатларига асосланиши керак. Бу хусусиятлар кўп жиҳатдан шарқ фалсафаси ва демократиясининг, ислом фалсафасининг, демократик институтларининг таъсири остида шаклланди. Ўзбек халқи ушбу омилларнинг ривожланшига катта ҳисса қўшди. Бу барча томонидан тан олинган.

Президентимиз И.А.Каримов, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Форобий, Аҳмад Дониш каби буюк аждодларимизнинг донишмандлигини ўзида мужассам қилган шарқ фалсафаси ва демократиясини, жаҳоннинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўз давлатчилигимиз, жамиятимизни қуришимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Республика Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда Конституцияни қабул қилиши қайд этилади.

Конституциянинг ўн тўртинчи бобида ўзбек оиласи институтининг қадр-қиммати қонуний мустаҳкамланди¹. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар (64-м.).

Конституцияга мувофиқ, меҳнатга лаёқатли вояга етган фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар (66-м.). Бундай қоида фақат бизнинг Конституцияда мавжуд холос.

Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, вилоятларни, шаҳар ва туманларни ташкил қилиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатаси розилиги билан амалга оширилади.

Қорақалпоғистоннинг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза қилинади. Қорақалпоғистон Конституцияси Ўзбекистон Конституциясига зид келиши мумкин эмас, Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мужбурий ҳисобланади. Қорақалпоғистон ўзининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

Ўзбекистон Конституциясининг 74-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида республикалар томонидан имзоланган шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади. Республикалар ўртасидаги низолар муроасага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал қилинади.

Қорақалпоғистоннинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Конституциясининг 70—75-моддаларида мустаҳкамланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикаларининг Конституцияларида тарихий, ўзига хос этнографик ва географик хусусиятлар қонуний мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституция асосида қабул қилинган фуқаролик, жиноят, оила ва бошқа кодексларида ҳам ўзбеклар ва қорақалпоқларнинг ўзига хос хусусиятлари акс этганлигини кўриш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2008.

Биз асрлар давомида шаклланган тарихий анъаналар ва урф-одатлар ҳамда жаҳон ҳамжамияти тажрибасини англамоғимиз лозим. „Халқимизнинг тарихий анъаналари ва тафаккур тарзига мувофиқ фуқаролар ўз-ўзини бошқарувнинг муҳим жамоатчилик органи — маҳалланинг мавқеи қайта тикланди“¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари. Конституциянинг моҳияти унинг асосида ётувчи принциплар орқали очилади.

Давлат суверенитети *биринчи* конституциявий принцип ҳисобланади. Суверенитет бу мамлакат ичкарисида ва ташқи сиёсий соҳада, бошқа давлатлар билан бўлган ўзаро муносабатларда давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва мустақиллигидир. Ўзбекистон Конституциясининг биринчи боби 1-2 моддалари давлат суверенитетини мустаҳкамлайди.

Халқ ҳокимиятчилиги — *иккинчи* конституциявий принцип. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти халқ манфаатлари йўлида хизмат қилади. Ўзбекистон Конституцияси *иккинчи* бобининг 7-14-моддаларида халқ ҳокимиятчилигининг барча институтлари мустаҳкамланган.

Учинчи конституциявий принцип — ҳокимиятларнинг бўлинишидир. Давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши принципига асосланади. Уч ҳокимиятдан ҳар бири фаолиятда мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунди. Қонунчилик ҳокимияти — Олий Мажлис, ижро этувчи ҳокимият — Президент ва унинг раҳбарлигида фаолият кўрсатувчи Вазирлар Маҳкамаси ва суд ҳокимияти — Конституциявий суд. Олий суд ва Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Олий Хўжалик суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Тўртинчи конституциявий принцип — демократизм.

Конституцияда Ўзбекистон халқининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат гоёларига содиқлиги эълон қилинди. Демократия умуминсоний принципларга асосланади. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадриятлар ҳисобланади. Демократия давлат шакли ва халқ ҳокимиятчилиги тартиби кўринишидир, давлат эса халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Бешинчи конституциявий принцип — Конституция ва қонун устунлигидир. Бирорта қонун ёки бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси Конституция, қонун устунлигини таъминлаш ҳисобланади. Конституция ва қонун устунлиги Ўзбекистон Конституциясининг *учинчи* боби 15—16-моддаларида мустаҳкамланган.

Олтинчи конституциявий принцип — халқаро андозалар даражасида ифодаланган фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари тенглиги ҳамда дахлсизлиги принциpidир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси ва бошқа ҳужжатлар асосида эълон қилинади. Конституциянинг *иккинчи* бўлими V-XI боблари „Фуқаро — жамият — давлат“ тамойили бўйича фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган. Асосий қонунда давлат ва шахснинг ўзаро жавобгарлиги мустаҳкамланган.

Еттинчи конституциявий принцип — қонунийлик. Ушбу принцип жамиятнинг бир маромда ҳаёт кечиришининг ва давлат органлари маромли фаолият кўрсатишининг асоси ҳисобланади. Давлат, унинг органлари, мансабдар шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар (15-м.).

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари // Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. — Т., 1997. — 108-б.

Қонунийлик конституциявий принципида халқ ҳокимиятчилиги диалектикаси ўз ифодасини топади.

Саккизинчи конституциявий принцип — ташқи сиёсат — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яна бир асосий принципларидан ҳисобланади. Ўзбекистон халқаро муносабатда ҳар доим фаол ташқи сиёсат олиб бориш тарафдори бўлиб келди. Ўзбекистон халқаро муносабатнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида ташқи сиёсат соҳасида бешта конституциявий тамойилга амал қилади. Бу ҳақда Конституциянинг IV боби 17-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш *тўққизинчи* конституциявий принцип ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият бошлиғи бўлган ҳокимлик институти киритилди. Тегишли ҳудудлар — вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда халқ депутатлари Кенгашлари, маҳаллий вакиллик ва ижроя ҳокимиятини тегишлигига қараб ҳоким бошқаради.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари Президент томонидан мансабига тайинланади ва ундан озод этилади ҳамда тегишли кенгаш томонидан тасдиқланади. Туман, шаҳар ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан ушбу мансабга тайинланади ва ундан озод этилади.

Ўнинчи конституциявий принцип — суд тузилишига, одил судловни амалга оширишга тааллуқли бўлиб, бу судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги принциpidир. Судья фақат қонунга бўйсунди. У депутатликка сайлана олмайди, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўла олмайди. Суд мажлиси очиқ ва ошкора олиб борилади, суд ишлари давлат тилида ва тегишли жой кўпчилиги аҳолисининг миллий тилларида юритилади. Тергов ва суд жараёнининг барча босқичларида адвокат иштирок этади.

Суднинг ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахс ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса яшаш мумкин. Конституция — бу табаррук ва муқаддас заминда яшовчи халқимизнинг энг олий фазилатларини, мустақкам тамойилларга асосланган дунёқарашини, инсонийлигини, ўзини ва бошқаларни иззат-ҳурмат қилиш, илм-фанга интилиш, ор-номус, иймон, донишмандлик ва тантилик каби олижаноб фазилатларни ўзида акс эттирган.

„Биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, бир ҳақиқатни эътироф этишимиз лозим... мамлакатимизда ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституцияда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир“¹, деб таъкидлайди Президентимиз. Ҳақиқатан ҳам ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг Конституциямиз умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё тинчлиги ва барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш устувор вазифамиздир // *Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони* ва мақсадидир. Т. 15. — Т., 2007. — 96-б.

*Х. С. Исламходжаев**

ПРАВОВАЯ БАЗА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ И СОЦИАЛЬНЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

Осуществляемые в Узбекистане масштабные реформы получают все более широкое признание на международной арене. Результаты преобразований, начатых с первых дней независимости, находят практическое воплощение в повседневной жизни граждан, проявляются в позитивном изменении их мышления.

Провозгласив себя демократическим, правовым государством, Узбекистан объявил высшими ценностями человека, его права и свободы, законные интересы. За годы независимости страны принято свыше 400 законов, регламентирующих основные права и свободы, и ратифицировано более 70 международных договоров по правам человека, включая Международный билль о правах человека, основные документы ООН, ОБСЕ в этой области. Положения Всеобщей декларации прав человека имплементированы в Конституцию и национальное законодательство Республики Узбекистан. Нормы Основного закона нашей страны пронизаны идеями обеспечения соблюдения прав и свобод личности. Создана институциональная система защиты прав человека, осуществляется национальный мониторинг за реализацией этих прав и действует система образования в этом направлении.

На основе фундаментальных положений и требований Конституции была разработана собственная узбекская модель кардинального реформирования и модернизации страны, пять основных принципов которой лежат в основе нынешнего интенсивного демократического, социально-политического и экономического развития республики, верность и мудрость которых полностью подтверждена временем.

Выработав собственную модель экономического развития, Узбекистан строит не только правовое демократическое государство с многоукладной экономикой, но и формирует общество, главной целью и приоритетом которого является человек и его интересы. Как подчеркнул Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов в своем докладе на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан в январе 2010 г., „сама жизнь все более настойчиво ставит на повестку дня вопрос об активизации работы по реализации принципа „От сильного государства — к сильному гражданскому обществу“, смысл и содержание которого заключается в том, что по мере осуществления социально-экономических, общественно-политических реформ, избранной нами модели государственного и общественного строительства во главу угла выдвигается задача усиления роли граждан в управлении страной, что на деле означает дальнейшее развитие всей системы институтов гражданского общества, ее гармоничное интегрирование в процесс управления государством, административно-территориальными образованиями“¹.

Производство, экономика должны меняться в рамках создаваемого правового поля. Это необходимо не только потому, что обеспечивает необратимость реформ. Главное — это служит гарантией самих реформ, без чего не будет возрастать их авторитет, без чего они не смогут охватить все слои населения.

* Заведующий кафедрой административного и финансового права ТГЮИ, доктор юридических наук.

¹ Каримов И. А. Модернизация страны и построение сильного гражданского общества — наш главный приоритет // Народное слово. — 2010. — 28 янв.

В соответствии со ст. 53 Конституции основу экономики Узбекистана, направленной на развитие рыночных отношений, составляет собственность в её различных формах. Государство гарантирует свободу экономической деятельности, предпринимательства и труда с учётом приоритетности прав потребителя, равноправие и правовую защиту всех форм собственности.

Конституция и принятые на ее основе законы обеспечивают демократизацию всех сторон нашей жизни и обновление общества, процветание страны и рост благосостояния народа, служат мощной правовой базой сотрудничества со многими странами мира, которые Узбекистан считает своими надежными и перспективными партнерами.

На базе Конституции сформирован свод законов, заложивших основу системных преобразований, качественно новых экономических отношений. К числу таких базовых, основоопределяющих законов следует отнести законы „О собственности“, „О земле“, „О разгосударствлении и приватизации“, „Об аренде“ и др.

Базисом экономических преобразований является право собственности. Право собственника в республике признается и охраняется законом. Узбекистан в числе первых среди стран СНГ признал право частной собственности, поставил в равные условия все формы собственности. Созданы юридические и организационные предпосылки, разработан и апробирован на практике эффективный механизм приватизации государственного имущества, преобразования государственных предприятий в другие формы собственности.

Сегодня фактически созданы все правовые нормы, открывающие возможности для формирования и развития многоукладной экономики как необходимого условия и основы рыночных отношений.

Сформированы рамочные условия нового механизма хозяйствования и институциональных преобразований. Это направление представлено большим пакетом законов и нормативных актов, регламентирующих все стороны хозяйственной деятельности предприятий и организаций, обеспечивающих образование новой рыночной инфраструктуры.

Республикамининг стратегик йўналиши жамият ва фан олдида ишлаб чиқаришнинг мунтазам ривожланишини таъминлайдиган янгича иқтисодий муносабат ва ғояларни қарор топтириш, иқтисодни бошқаришни тубдан қайта ислоҳ қилиш, хўжалик юриштирининг янгича усулларини излаб топиш ва уни кундалик ҳаётга татбиқ қилишни талаб этади.

Тадбиркорлик фаолияти асосан кичик ва ўрта бизнес шаклида намоён бўлиб, ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, Япониянинг жаҳондаги иқтисодий нуфузи ошишида ва Япон „мўъжизаси“да кичик бизнес ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ушбу мамлакатдаги биргина қайта ишлаш саноатида 6,5 млн. кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолият кўрсатиб, улар мазкур соҳадаги жами корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этади. Бу корхоналарда 40 миллиондан ортиқ кишилар иш билан банд.

АҚШда кичик ва ўрта бизнес фирмалари жами корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этади. Бу фирмаларнинг асосий қисми кичик, митти фирмалар бўлиб, улар оила меҳнатига асосланади. Жами кичик корхоналарнинг 80 фоизида иш билан банд бўлганлар сони 10 кишидан ортмайди. Кичик ва ўрта фирмалар АҚШ ялпи миллий маҳсулотининг 40 фоизини ишлаб чиқаради. Қайта ишлаш саноатида бу кўрсаткич 21 фоизни, қурилишда — 80, чакана савдода — 86, хизмат кўрсатишда 81 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари яратилган. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳага оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек бошқа норматив ҳужжатларни киритиш мумкин. Тадбиркорлик фаолиятининг қонуний асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида 1995 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикасининг „Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида“ги қонуни қабул қилинган. „Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала — мамлакатимиз иқтисодиётидаги кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда“¹. Ўзбекистон Республи-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедрасининг профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедрасининг ўқитувчиси.

¹ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2010. — 13 ноябрь.

касининг „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги 2000 йил 25 май қонунига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятига қуйидагича таъриф берилган:

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир.

Маданийлашган бозор иқтисодиёти пул топишнинг ғайриқонуний усулларини, яъни қаллоблик, товламачилик, порахўрлик, ўғрилик, тиламчилик, босқинчилик, наркотик моддалар билан шуғулланиб пул топиш кабиларни ҳақиқий бизнес деб тан олмайди. Аммо ижтимоий ҳаётда ғайриқонуний йўл билан пул топиш ҳоллари учраб туради, лекин бу бозор муносабати қонунлари билан боғлиқ эмас.

Тадбиркорликнинг моҳияти қуйидагилар орқали янада ойдинлашади:

Биринчидан, тадбиркорликнинг субъекти ким бўлиши мумкин, деган савол туғилади. Бунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонунга мувофиқ балоғат ёшига етган ҳар бир фуқаро ўз мулки ёки мулк эгасининг ваколати асосида қонунга зид бўлмаган, ўзи ихтиёр этган фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

Иккинчидан, юқоридаги таърифда тадбиркорлик яна бир томонининг мазмуни ифода этилган бўлиб, у мазмунан бой, хилма-хил кўринишга эга. Тадбиркорлик фаолиятини танлаш, уни ташкил қилиш ва ривожлантириш моҳият жиҳатидан давлат, жамият аҳамиятига молик иш бўлмасдан, балки эркин танланадиган фаолиятдир.

Вазирлар Маҳкамасининг „Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида“ги 2001 йил 22 август қарори қабул қилинган эди. Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида иқтисодиётни эркинлаштириш, солиқ юкни камайтириш ҳамда солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида кенг кўламдаги ислохотлар олиб борилмоқда.

Республика Президентининг 2005 йил 20 июндаги „Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги фармонида асосан тадбиркорларга солиқ имтиёзлари берилди. Яъни, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини ўташ муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби жорий қилинди.

Президент Ислам Каримов 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир“ номли маърузасида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди.

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қарийб 50 % га етди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил қилган эди. Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланганлиги самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилни „Баркамол авлод йили“ деб эълон қилиши ва 2010 йил 27 январдаги „Баркамол авлод йили“ Давлат дастури тўғрисидаги қарорида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосий вазифа қилиб белгиланган. Унга кўра, иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг

муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, бу соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, авваламбор, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилган.

„Баркамол авлод йили“ Давлат дастурининг VII бўлими „Ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш“ деб номланган. Мазкур бўлимда 2010 йил давомида бажарувчиларнинг маблағлари, банкларнинг кредитлари, корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан жами бўлиб 4,6 трлн. сўм миқдордаги пул маблағларини, яъни жами „Баркамол авлод йили“ Давлат дастурига ажратилган пул маблағларининг ярмидан кўпини қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этишга йўналтириш режалаштирилган. Дастур доирасида жорий йилда ёшлар учун камида 520 минг янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, уларни қўйидаги йўналишларда ташкил қилиш белгиланган: кичик корхонлар, фермер хўжаликлари ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш — 345 минг иш ўрни; янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ва ишлаётганларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш — 71 минг иш ўрни; касаначиликни, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни кенгайтириш — 104 минг иш ўрни¹.

2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар учун эса бу миқдор ўртача 1,3 баробарни ташкил этди. Бу бебаҳо ҳужжатнинг беқиёс самарасини нафақат республикаimiz фаолиятида, балки Тошкент шаҳрида ҳам кузатиш мумкин. Бу кўрсаткич мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 14 % ига, саноат ишлаб чиқаришнинг 11 %, инвестицияларнинг 20 %, савдо айланмасининг 27 %, хизматларнинг 31 %, ташқи савдо айланмасининг деярли 38 % ига тўғри келади. 2007 йил Тошкент шаҳри бўйича 80 дан ортиқ микрофирма ва кичик корхона 567 095,3 минг сўмлик ягона солиқ тўловининг тўлаш муддатини кечиктирган бўлса, 2008 йилда улар сони 83 тага кўпайиб, 1480239,5 минг сўмдан зиёд, жорий йилнинг олти ойи давомида янги ташкил этилган 26 та корхонанинг 128 137,5 минг сўмлик ягона солиқ тўловини тўлаш муддати кечиктирилди.

Натижада тежалган маблағлар ҳисобидан корхоналарни модернизациялаш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш каби устувор лойиҳалар амалга оширилди. Қабул қилинган мазкур қарорнинг яна бир афзаллиги микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда бир марта режа асосида текшириш (тафтиш қилиш) белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг фаолияти давлат рўйхатига олингандан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текширилмайдиган бўлди.

Йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробаргача камайтирилди. Фақат 2009 йилида ушбу секторга ажратилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 1,8 триллион сўмдан ошиб кетди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Баркамол авлод йили“ давлат дастури тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи. — 2010. — 28 янв.

Президент Ислом Каримов ўз нутқларида ҳукуматнинг жойлардаги давлат ҳокимият органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини учун уларга кредит ажратишни сезиларли даражада кенгайтириши, уларнинг фаолиятига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашув ва турли тўсиқлар қўйиш ҳолатларига барҳам бериш ҳисобидан уларни қўллаб-қувватлаш шартлигини таъкидлаб ўтган.

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 50 фоиздан 2010 йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилмоқда¹.

Президент Ислом Каримов ўзининг „Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари“ асарида 2009 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг барқарор ривожланишига алоҳида эътибор қаратган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахсардан олинаётган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айни вақтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланиши учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратилганлигидан далолат беради.

Натижада сўнгги 6 йил мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайди ва 2008 йилда қарийб 400 мингта ташкил этди². Бу ҳол мазкур кўрсаткичнинг кўпайганлигини билдиради, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг салмоғи 47 % га, шу жумладан саноатда — 1,3 %, қурилишда — 3,4 %, транспортда — 22,2 %га ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида — 9 % га ошди. Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларининг улуши 8,6 % ни ташкил этди. Ўз ўрнида айтиш жоизки, бу айрим ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларидан анча паст.

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми 2009 йили салкам 22 % га кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичларидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 % дан 2009 йилда 50 % га кўтарилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида 2009 йилнинг ўзида 37 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари, 119,6 мингта яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, таркибий ўзлаштирилаётган йирик (монопол) корхоналарнинг қувватларидан 130 та турли мулкчилик шаклларида асосланган кичик корхоналар ташкил этилиб, уларда 7,5 мингта яқин янги иш ўринлари вужудга келди, 83 та банкрот корхона негизда 92 янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 9,8 мингта иш ўрни яратилди.

Мамлакатимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларида чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2009 йил мобайнида юртимизда кўрилган амалий чоралар натижасида 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т., 2009. — 24-б.

² Каримов И. А. Асосий вазифамиз мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир//Халқ сўзи — 2010. — 30 янв.

жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Президент Ислом Каримов ўзининг „Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари“ номли асарида, 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш — устувор вазифа бўлиб қолишини алоҳида қайд этиб ўтади.

2009 йилда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра катта аҳамият касб этди, чунки шу йили хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес асосида янги иш ўринлари яратилиб, бу бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадларининг 70 фоиздан ортигини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабини ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизми тўғрисида“ги 2008 йил 4 март қарорига мувофиқ, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига монопол маҳсулотларни биржа савдоларига мажбурий қўйдириш бўйича ваколат ҳамда юқори ликвидли товарларнинг моддий балансларига тегишли ўзгартиш киритиш имконияти берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг комиссиян харажатлари ўртача 25 % гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10 % гача оширилди.

Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ ва уларга енгиллик яратиш мақсадида сарф-харажатларни сезиларли даражада камайтириш бўйича анча ишлар амалга оширилди:

- архитектура-режалаштириш вазифаларини ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар — 4 баробар;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш харажатлари — 2,5 баробар;
- экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари — 2 баробар;
- кадастр иншоотлари харажатларини расмийлаштириш — 2 баробар;
- лойиҳалаш ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш — 2 баробаргача камайтирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни тартибга солувчи 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди. Бунинг натижасида 26 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, 76 та идоравий норматив-ҳуқуқий ва қонун ости ҳужжатларининг лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Иқтисодиётда ўтиш даври кетаётган, молиявий ресурслар чекланган бир шароитда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни катта маблағ сарфламай, ички имкониятлар, аҳолининг ортиқча маблағларини жалб қилиш ҳисобига ривожлантириш катта аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш бозор инфратузилмасида муҳим ўрин тутди.

Бу соҳада республикамизда банклар томонидан, корхоналар ва микрофирмаларни молиялаштиришда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Улар асосан ҳудудларнинг демографик, табиий-иқтисодий шароитларини ўрганган ҳолда молиялаштириш моқдалар.

Республикамиз ҳудудида кичик бизнес субъектлари мунтазам ва давомли фаолият кўрсатишининг асосий шарт — ҳудудларда бозор инфратузилмасини ташкил этиш,

ишлаб чиқаришнинг илғор шакллари асосида кичик бизнес субъектларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган. Банклар молиявий хомашёдан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этувчи кичик бизнес субъектларининг фаолиятини молиялаштиришни йўлга қўймоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги „Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги фармони ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурида белгиланган муҳим йўналишлар асосида мамлакатимизда тадбиркорларни, хусусан кичик бизнесни, энг аввало кредитлар ажратиш йўли билан қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда, Биргина Жиззах вилоятида 2009 йилнинг ўтган ярим йили ичида тижорат банклари томонидан 2043 та тадбиркорлик субъектига 32 миллиард 430 миллион сўм кредит ажратилди.

Ушбу кредит маблағларидан саноат соҳасига — 5,6 миллиард сўм, савдо-сотиқ ва айланма маблағларни тўлдиришга — 8,2 млрд., қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига — 2,6 млрд. қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 12,3 млрд. сўм йўналтирилган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасига кўрсатилаётган эътибор туфайли ҳар туманда 2 тадан паррандачилик, 5 тадан иссиқхона хўжалиги ташкил этилмоқда, 9 та балиқчилик, 11 та асаларичилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида Хоразм вилоятида ҳам салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Вилоятда иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида биргина „Агробанк“ акциядорлик-тижорат банки томонидан „Гурлан“ савдо шўъба корхонасига макарон ишлаб чиқариш ускунаси учун 99,5 млн. сўм, „Турон-Замин“ МЧЖга мева-сабзавотларни қайта ишлаш ускуналари сотиб олиш учун — 200 млн., „Хазорасп саноат кошонаси“ хусусий корхонасига сутни қайта ишлаш минитехнологиясини ўрнатиш учун 30 млн., „Ражаб-Тоҳир“ фермер хўжалигига 40 млн., „Ўзбалиқтаъминот“ фермер хўжалигига 50 млн. сўм кредит ажратилди.

„Микрокредитбанк“нинг Қашқадарё вилояти филиалида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда улар фаолиятини кенгайтириш борасида 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида 11 минг 552 та янги иш ўринлари яратилди. Шу давр ичида банк томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 2,7 миллиард сўм, ноозиқ-овқат истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 1,7 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 641 миллион сўм кредитлар ажратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш жараёнида республикаимиз „Ипотекабанк“ акциядорлик тижорат банки томонидан 2009 йилнинг 8 оyi мобайнида мазкур тармоқни ривожлантириш учун 3,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, 700 га яқин янги иш жойлари яратилди.

Юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз ишини қонуний юритиб келаётган хусусий бизнес вакиллари солиқ идоралари билан яхши муносабатни йўлга қўйганлар. Бироқ қонун ҳужжатлари талабларига беписандлик қилиб, „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги қонунга хилоф иш юритаётганлар ҳам учраб турибди.

Айниқса, нақд пулнинг қонуний айланиши иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шarti бўлиб, кичик бизнес субъектларига яратилаётган қулай имкониятлардан далолат беради. Бироқ шундай бўлса-да, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш илинжида мамлакатимиз иқтисодиётига зарар етказётган кимсалар ҳам учраб турибди. Масалан, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ДСИ ходимлари томонидан туманда яшовчи С.Жўраев ҳеч қандай ҳужжатларсиз 106 минг 500 сўмлик 57,5 литр алкоголь маҳсулотларини олиб келаётгани аниқланган.

Нуробод туманида жойлашган „Одина қурилиш савдо“ МЧЖни текшириш жараёнида жамият томонидан кирим қилинмаган 10 млн. 678 минг сўмлик қурилиш материаллари сотилгани аниқланган.

Тошкент вилояти Яккасарой тумани ДСИ ходимлари хўжалик юритувчи субъектларнинг банкдаги пул маблағлари айланишини таҳлил қилганда 2008 йилнинг олти ойи мобайнида 1 млрд. 202 млн. 908 минг сўмлик маҳсулот кирим ҳужжатларисиз пул ўтказиш йўли билан сотилгани маълум бўлган.

Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Л.Хамраев ўзига қарашли савдо дўконидан тушган 40 миллион сўмга яқин нақд пулни назорат кассасига кирим қилмаган.

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги „Жаннат Имкон“ МЧЖда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида“ги 1995 йил 12 май Фармони қандай бажарилаётгани таҳлил қилиб чиқилди.

Таҳлил натижасида корхонанинг ҳисоб рақамида харидоргир маҳсулотларга 92 млн. 500 минг 800 сўм пул маблағи сарфлангани маълум бўлди. Лекин уларни сотишдан тушган тушум банк кассасига кирим қилинмаганлиги аниқланган.

Наманган шаҳрида жойлашган „Дионис қурилиш савдо“ хусусий фирмасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда бу ерда Вазирлар Маҳкамасининг „Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 2002 йил 5 август қарори талабларига зид иш қилинаётганлиги маълум бўлган.

Текшириш шаҳар давлат солиқ инспекциясидаги мавжуд ҳужжатлар ва банк ҳисоб рақамидаги кирим-чиқим операциялари тўғрисидаги маълумотлар асосида ўтказилган. Чунки ДСИга берилган маълумотда корхона манзили нотўғри кўрсатилган экан. Шу боис корхона раҳбарини топиш ва тегишли ҳужжатларни олиш имкони бўлмаган.

Таҳлиллар давомида корхона томонидан 349 млн. 104 минг сўм нақд пул хизмат кўрсатувчи банкка топширилмай, бошқа мақсадларга сарфлаб юборилганлиги маълум бўлди. Тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий хулоса олиш учун маъмурий амалиётни ташкил этиш ва назорат қилиш бўлимига топширилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тўғрисида»ги 2009 йил 15 май қарорига биноан хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва уни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш мақсадида тадбиркорлар тўлайдиган тўловлар миқдори бир неча баробар камайтирилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун имтиёзларлар ва ҳуқуқий асосларнинг кенгайётганлигидан далолат беради.

Лекин амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини айрим давлат бошқарув ва назорат қилувчи орган ходимларининг тўлиқ ўзлаштирмаганлиги боис тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик ва қонуний манфаатларини чеклаш ҳолатлари давом этмоқда¹. Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган 2010 йил учун 1 трлн. 696 млрд. 20 млн. сўм миқдордаги маблағлар қандай сарфланганлиги ҳамон гумон остида қолмоқда².

Хоразм вилояти Боғот туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида ўтказилган текширувда ўтган йили хўжалик томонидан 25635 минг 500 сўм маблағ банкка топширилмай, бошқа мақсадларда сарфлаб юборилгани аниқланган. Текширув ҳужжатлари ДСИ тегишли бўлимига ҳуқуқий хулоса бериш учун топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида“ги 1995 йил 12 май Фармони қандай бажарилаётганлигини ўрганиш мақсадида Андижон вилояти Асака туманидаги „Асака зулф“ МЧЖда ҳужжатли текшириш ўтказилди.

Жамият томонидан 2005 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра туман давлат солиқ инспекциясига 12 200 минг сўмлик товар айланмаси амалга оширилгани ҳақида ҳисобот берилган эди. Лекин текширишда бу ҳисобот нотўғри эканлиги маълум бўлди. Амалда 121 521 минг 800 сўмлик товар реализация қилингани, ҳисоботда эса товар айланмаси 109 321 минг 800 сўмга камайтириб кўрсатилгани аниқланди. Бунинг устига, жамият раҳбарлари ўзларида бўлмаган мулкни бухгалтерия балансига киритиб, улгуржи савдо учун ноқонуний равишда рухсат гувоҳномаси олганликлари, шунингдек, банк маълумоти бўйича 95 876 минг 400 сўмлик кирим қилинмаган товарларни сотгани маълум бўлди.

Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги „Ижодкор қурувчи“ кўп тармоқли хусусий фирмасида ҳам худди шундай ҳолат аниқланди. Бу ерда ўтказилган қисқа муддатли текширишда фирма раҳбари А.Тошматов томонидан савдодан тушган 177 957,2 минг сўм нақд пул тушумидан мақсадсиз фойдаланилгани маълум бўлди. Текширув ҳужжатлари ушбу ҳолат юзасидан тегишли чора кўриш учун туман прокуратурасига юборилган.

Юқорида келтирилган маълумотларнинг таҳлили мамлакат иқтисодиётида тадбиркорлар томонидан ҳанузгача билиб-билмай жиноятларга қўл уриш ва ўз манфаатини жамият ва фуқаролар манфаатидан устун қўйиш ҳолатлари учраб турганидан далолат беради. Шунинг учун иқтисодиёт соҳасида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан доимий назоратни таъминлаш давр талабидир.

¹ Қаранг: Халқ сўзи. — 2010. — 15 сент.

²Қаранг: XXI аср. — 2010. — 30 авг.

О. Оқюлов*,
Н. Қўлдошев**

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШДА БОШ ДЕЛИКТ ТАМОЙИЛИ

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларнинг бошқа турлари каби муайян юридик фактлар асосида вужудга келади. Мазкур мажбурият вужудга келиши учун юридик фактлар ичида зарар етказиш факти, яъни *деликт* муҳим асос ҳисобланади. Умумий қоидага кўра, бир шахс томонидан иккинчи шахсга етказилган зарарнинг мавжудлигиёқ етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини вужудга келтиради ва бунда жабрланувчи зарар етказувчи (*деликвент*)нинг ҳаракати гайриқонуний эканлигини ҳамда унинг айбдорлигини исботлаши талаб этилмайди. Бу цивилистика фанида „*бош деликт тамойили*“ деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасида етказилган зарар тўлиқ ҳажмда қопланиши шарт эканлиги назарда тутилган бўлиб, бу қоида бош деликт тамойилига мос келади. Аммо, ҳар қандай ҳолда ҳам зарарнинг ўзи фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтирмайди ва бунинг учун қонунда белгиланган муайян шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади.

Юридик жавобгарликнинг умумий қоидасидан келиб чиққан анъанага кўра фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгилаш учун фуқаровий ҳуқуқбузарлик таркиби (зарар, гайриқонуний ҳаракат, сабабий боғланиш ва айб) бўлиши лозим. Аммо, бу масалада цивилистика фанида турли илмий-назарий қарашлар мавжуд. Жумладан, бир гуруҳ муаллифлар ҳуқуқбузарга фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгилаш учун „ҳуқуқбузарлик таркиби“ бўлишига зарурий шарт¹ деб қараса, бошқа муаллифлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни жиноий-ҳуқуқий муносабатларга таққосла-масликни, жиноят ҳуқуқидаги жиноят таркибини асрлар давомида амал қилиб келаётган цивилистика анъанасига аралаштирмасликни, яъни фуқаровий ҳуқуқбузарлик таркибида айбнинг мавжуд бўлмаслиги ва айб бўлмаган ҳолатларда ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгиланиши мумкинлигини, лекин жиноят ҳуқуқида айб жавобгарликка тортишнинг муҳим шarti эканлигини ва айб бўлмаган ҳолатларда жавобгарлик ҳам бўлмаслигини² таъкидлайдилар.

Фикримизча, бу масалада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартномали ва деликт оқибатида вужудга келишини эътиборга олиш лозим. Чунки шартнома мажбуриятини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ва деликт жавобгарлик учун фуқаровий ҳуқуқбузарлик таркиби ҳар хил бўлади. Яъни шартномавий жавобгарликда кредиторга зарар етказилганлик аҳамиятли эмас, бунда шартнома интизоми муҳим ҳисобланади.

* Тошкент Давлат юридик институти хўжалик ҳуқуқи ва процесси кафедрасининг профессори, юридик фанлар доктори, профессор.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фуқаролик ҳуқуқи кафедрасининг ўқитувчиси.

¹ Қаранг: *Костин А.А., Яфаев А.И.* Обязательства из причинения вреда. — М., 1993. — С. 429; Гражданское право. Ч.2. / Под. ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. — М., 1997. — С. 699-704; *Беленков Р.* Гражданское право. Ч. 2. — М., 1999. — С. 138-140; ва бошқ.

² Қаранг: *Брагинский М.И., Витрянский В.В.* Договорное право. — М., 1998. — С. 568

Деликт жавобгарликда эса зарар бўлмаган тақдирда жавобгарлик ҳам вужудга келмайди.

Аслида, ҳуқуқбузарликнинг умумий таркибини фуқаролик ҳуқуқида тўлиқ қўллаш мумкин эмас. Яъни жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини фуқаровий ҳуқуқбузарлик таркибига бевосита кўчириш фуқаролик ҳуқуқи предмети ва тамойилларига зиддир.

Фуқаролик қонунчилигида етказилган зарар учун жавобгарликнинг умумий шартларини белгиловчи бош деликт билан бирга бир қатор вазиятлар назарда тутиладики, уларнинг ҳар бирида махсус қоидалар қўлланилади ва алоҳида деликтлар деб юритилади. Масалан, давлат органлари (ички ишлар органлари) томонидан етказилган зарар (ФК 990, 991-м.) учун жавобгарликни ҳам бу тоифага киритиш мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида давлат органлари, хусусан ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашда деликтни татбиқ этишнинг энг асосий шартини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, цивилистика фанида давлат органлари томонидан етказилган зарарни қоплашда бош деликт тамойилини давлатнинг жавобгарлигига нисбатан татбиқ этиш тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Масалан, бир қатор олимлар бош деликт тамойилига биноан жавобгарликнинг дастлабки асоси зарар етказилганлик эканлигини таъкидласа¹, бошқа муаллифлар деликтнинг ушбу турида дастлабки асос давлат органи ёки мансабдор шахснинг ғайриқонуний ҳаракати эканлигини қайд этади².

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддаларида ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарларни қоплашнинг фуқаровий-ҳуқуқий асоси ўз ифодасини топган. Унга кўра, ички ишлар органлари ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарар давлат томонидан қопланиши назарда тутилган. Бир қарашда, мазкур деликт турида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг муҳим шарти ғайриқонуний хатти-ҳаракат эканлиги тушунилса-да, модданинг мазмуни янада чуққурроқ таҳлил қилинганда, яъни деликвент (давлат органи ва мансабдор шахслари)нинг айбидан қатъи назар, зарар тўланиши лозимлиги жавобгарлик белгилашда муҳим шарт зарар эканлиги англашилади. Чунки ички ишлар органлари томонидан ғайриқонуний ҳаракат содир этилган тақдирда ҳам зарар етказилмаган бўлса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўллаш масаласи мантиқий мазмунга эга бўлмайди.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ғайриқонуний хатти-ҳаракат ва зарар ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар учун давлатга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгилашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг қонуний ҳаракатлари жавобгарликка сабаб бўлмайди, қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳоллардагина тўланиши лозимлиги бундан мустасно (ФК 985-м. 5-қ.).

Давлатнинг ўз органлари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги ҳам айнан шу органлар томонидан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида етказилган

¹ Белякова А. М. Гражданско-правовая ответственность за причинение вреда (теория и практика): Дис. ... д-ра юрид. наук в форме научного доклада, выполняющего также функции автореферата. — М., 1987. — С. 19.

² Гражданское право. Том 2: Учебник / Отв.ред. Е.А.Суханов. — М., 2002. — С. 399-400.

зарарни қоплашни назарда тутати. Ҳуқуқшунос Т. Т. Шиктибаев „давлатнинг жавобгарлиги давлат органларининг ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракати учун эмас, балки айнан олдиндан белгиланган ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар учун келиб чиқади“¹ деган фикрни илгари суради. Бир қарашда бу фикр тўғридек кўринади. Давлат ўзининг органлари томонидан етказилган ҳар қандай зарарни эмас, балки айнан олдиндан қонунда (бу ҳолат ФКнинг 991-моддасида қонунга хилоф равишда ҳукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш, қонунга хилоф равишда қамоқ тариқасида маъмурий жазо бериш кабиларда) белгиланган ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади. Аммо, бу масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, давлат ўз органлари томонидан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида етказилган ҳар қандай зарарни қоплаши лозимлиги англашилади. Чунки, ФКнинг 15-моддасида давлат органлари томонидан етказилган ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида етказилган зарар давлат томонидан тўланиши назарда тутилган. Бу ҳолатда эса Т.Т.Шиктибаевнинг фикрига қўшилиб бўлмайди.

Фикримизча, давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан етказилган деликт учун давлатнинг жавобгарлигини белгилашда:

биринчидан, зарар ички ишлар органларининг ваколати доирасига кирадиган вазифаларни бажариши давомида етказилганлиги;

иккинчидан, зарар ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатини ёки хизмат мажбуриятларини амалга ошириш вақтида етказилганлиги;

учинчидан, зарар ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида келиб чиққанлиги;

тўртинчидан, зарар билан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини асослаш етарли бўлади. Натижада давлат ўз органлари томонидан фақат олдиндан қонунда белгиланган ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида етказилган зарарни эмас, балки юқоридаги шартлар мавжуд бўлган ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида етказилган зарарни қоплаши керак деган фикрга келиш мумкин.

Бош деликт тамойилида зарар етказувчи ҳаракатининг ғайриқонуний эканлигини жабрланувчи исботлаши талаб этилмайди ва бунда ҳуқуқшунос Ш.А.Исмоилов таъкидлаганидек, зарар етказувчига нисбатан айбдорлик презумпцияси қўлланилади². Яъни, зарар етказган ҳуқуқбузар ўзининг айбсиз эканлигини исботламагунича айбдор ҳисобланади. Бунда жабрланувчи ўзига етказилган зарар миқдори ва ҳажмини исботлаб бериши етарли бўлади ва ундан ҳуқуқбузарнинг айбдор эканлигини исботловчи далиллар талаб қилинмайди³. Аксинча, бу вазиятда зарар етказувчининг айбдорлиги тахмин қилинади. Таъкидлаш жоизки, фуқаролик ҳуқуқида қарздор айбсиз ҳолда ўз мажбуриятини бажаролмай қолган, деб топиллиши учун айби йўқлигини исботлаши лозим. Сабаби,

¹ Шиктибаев Т.Т. Деликтные обязательства по законодательству Республики Казахстан: Дис. ... д-ра юрид. наук. — Алматы, 2007. — С. 174.

² Қаранг: Исмоилов Ш.А. Ходимнинг етказган зарари учун иш берувчи жавобгарлигининг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2009. — 23-б.

³ Гражданское право. Т. 2.: Учебник / Отв. ред. Е.А.Суханов. — М., 2002. — С. 366-367.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 333-моддасининг учинчи қисмига биноан, „мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади“. Аммо, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар деликтнинг алоҳида ўзига хос тури бўлиб, бунда жабрланувчи ички ишлар органининг ёки мансабдор шахс амалга оширган ҳаракатнинг гайриқонуний эканлигини исботлаб бериши лозим бўлади. Бироқ, айрим ҳуқуқшунослар „давлат органлари томонидан етказилган зарарда жавобгарлик асоси сифатида ҳуқуққа хилофлик жабрланувчи томонидан эмас, давлат органи ва мансабдор шахс томонидан амалга оширилган ҳаракатнинг ҳуқуққа хилоф эмаслиги исботланиши лозим“¹ дея такидлайдилар. Бу масалада эътибор қаратиш керакки, фуқарога нисбатан суднинг оқлов ҳукми чиққанлиги, реабилитация этилганлиги каби ҳолатлар исбот талаб қилмайдиган далил ҳисобланади.

Умуман, айб фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг зарур шarti ҳисобланади. Шу боис, ички ишлар органларининг давлат органи сифатидаги айбини аниқлаш давлатнинг жавобгарлигини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Яъни бу ўринда айб тўғридан-тўғри давлат органининг эмас, балки учинчи шахс (давлат)нинг айби кўринишига эга бўлади. Кўп ҳолларда ички ишлар органларининг жавобгарлиги уларнинг мансабдор шахслари жавобгарлиги билан туташиб кетган бўлиши мумкин. Хусусан, амалиётда ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан гайриқонуний қарорлар қабул қилиш, хизмат мажбуриятларини бажармаслик, хизмат ваколатларидан ташқарига чиқиш, фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш каби ҳолларда зарар етказиш ҳолатлари кузатилади. Аммо ички ишлар органлари мансабдор шахслари томонидан тўғридан-тўғри зарар етказилган тақдирда ҳам суд давлатни мулкӣ жавобгарликдан озод этмайди. Шу билан бирга, бу ўринда жавобгарликка тортишда тўғридан-тўғри зарар етказувчининг эмас, балки учинчи шахс (бу ерда давлат ҳам бўлиши мумкин)нинг айби муҳим ҳисобланади. Чунки, тегишли айбдорлар аниқланган тақдирда ҳам, умумий қоидага биноан, улар ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бузганликлари учун жабрланувчи олдида эмас, балки давлат олдида жавоб берадилар. Яъни жабрланувчилар зарарни ундириш тўғрисидаги талабни айбдордан эмас, давлатдан талаб қилиши лозим бўлади.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, ФКнинг 15, 990, 991-моддаларида давлат органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш зарар етказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Бу ҳолат деликт муносабатларда давлат органлари мансабдор шахсларининг субъектчилигини вужудга келтиради.

Ҳуқуқшунос М.Ф.Саттарованинг фикрига кўра деликт муносабатларда мансабдор шахснинг ҳуқуқ субъектчилигини аниқлаш учун қуйидаги белгилар катта аҳамиятга эга: давлат органида эгаллаб турган мансабнинг мавжудлиги; кишиларга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, назорат ва текширув функцияларининг юклатилганлиги; хизмат бўйсунувида бўлмаган шахсларга татбиқ этилиши мумкин бўлган давлат

¹ Баратов М., Носиров С. Фуқаролик қонунчилигида бош деликт тамойили ҳақида // ТДЮИ Ахборотномаси. — 2009. — №3. — 45-б.

ҳокимияти ваколатларининг берилганлиги¹. Аммо бу масалада бир ҳолатни эътиборга олиш керак, яъни Фуқаролик кодексида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги алоҳида тартибда ажратилмаган бўлиб, ҳар икки ҳолатда ҳам жавобгарлик давлатга нисбатан белгиланади. Айрим ҳоллардагина суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида ички ишлар органларининг ходимлари ҳокимият вакиллари бўлиб, масъул мансабдор шахслардир дейилган. Ички ишлар органлари ходимлари фуқаро ва айни вақтда жисмоний шахс ҳисобланади. Амалиётда кўпинча ички ишлар органлари ходимлари томонидан зарар етказилган ҳолларда, у мансабдор шахс ёки оддий фуқаро сифатида жавобгар бўлишини аниқлашда чалкашликлар юзага келади. Натижада етказилган зарарни қоплаш мажбурияти давлатга ёки тўғридан-тўғри ходимга нисбатан ноўрин юклатилади. Ички ишлар органлари ходимларининг деликт муносабатлардаги иштирокини жисмоний шахс сифатида деб бўлмайти, чунки мазкур жараёнларга улар мансаб ваколатлари нуқтаи назаридан дахлдордирлар.

Ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар масаласи кўрилатганда зарарнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш ҳар доим муҳим ҳисобланади. Яъни бунда зарар мансабдор шахс чиқарган ноқонуний қарорлар натижасида ёки уларнинг хизмат мавқеини суистеъмол қилиши ёхуд ҳаракатсизлиги оқибатида вужудга келганлигини аниқлаш жавобгарлик белгиланганда муҳим ҳолатлар ҳисобланади. Чунки бунда ваколат билан боғлиқ гайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликда маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатларининг мавжудлиги, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик билан бир вақтда маъмурий ёки жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик параллел равишда вужудга келиши мумкин.

Ҳуқуқшунослар амалиётда аксарият ҳолларда ички ишлар органлари мансабдор шахслари томонидан содир этилаётган қонунбузарликлар учун уларга нисбатан хайфсан эълон қилинаётганлигини, пастроқ лавозимга ўтказилаётганлигини, хизматдан бўшатилаётганлигини ва бундай ҳаракатлар учун жавобгарликнинг кучайтирилган турларини назарда тутувчи махсус қонун қабул қилиниши лозимлигини таъкидлайдилар². Бу масалада мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик белгиланишига эътироз билдирмаган ҳолда ҳар қандай ҳуқуқбузарлик оқибатида иккинчи томоннинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етишини инобатга олиш лозим. Яъни бошқача айтганда, ички ишлар органлари ходимларига нисбатан игтизомий ёки бошқа жазо қўлланилиб, етказилган зарарни қоплаш масаласи эътиборсиз қолдирилмаслиги керак.

Умуман фуқаролик ҳуқуқида ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар учун давлатнинг жавобгарлиги алоҳида деликт сифатида ўзига хос қуйидаги жиҳатларга эга эканлигини таъкидлаш мумкин:

— деликтнинг ушбу тури биринчи навбатда ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатларини амалга ошириш жараёни билан боғлиқ ва фақатгина ҳокимият

¹ Саттарова М.Ф. Проблемы возмещения вреда, причиненного предпринимателям незаконными актами должностных лиц: Автореф. ... дис. канд. юрид. наук. — Т., 2004. — С. 12.

² Қаранг: Ҳамраев С.И. Ички ишлар органлари ходимларининг мансаб ваколатини суистеъмол қилганлиги учун жавобгарлик масаласи // Ҳуқуқ — Право — Law. — 2000. — № 1. — 81— 83-б.

ваколатини бажариб турган вақтда етказилган зарарни давлат томонидан қоплашни назарда тутади;

— ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти зарар етказувчи — ҳуқуқбузар (ИИО ёки мансабдор шахслари)нинг эмас, балки учинчи шахс — давлатнинг зиммасига юкланади;

— ички ишлар органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларга турли усуллар билан зарар етказилиши мумкин ва бунда ички ишлар органлари ходимларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ўз мажбуриятларини бажармаслик, хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш, фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш) асосий ўрин эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар, агар мансабдор шахснинг мансаб ваколатини суистеъмол қилганлиги, хизмат вазифасига совуққонлиги, ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ бўлган ҳолларда давлат ички ишлар органларининг мансабдор шахсларига нисбатан регресс даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органларининг деликт жавобгарлигини тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи нормаларини мукамал даражада деб бўлмайди. Фуқаролик кодексининг 15-моддаси (Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарни тўлаш), 990-моддаси (Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик) ва 991-модда (Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик)ларида улар томонидан деликт оқибатида етказилган зарарнинг давлат томонидан тўланишига боғлиқ нормалар ўз ифодасини топган. Аммо бу муносабатлар жуда мураккаб жараён дир, яъни етказилган зарар қандай тартибда ёки давлатнинг қайси органи томонидан тўланиши каби масалалар қонунчиликда аниқ ифодасини топиши лозим. Фикримизча, бу масалада давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида, шунингдек суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарларни қоплаш масаласини тартибга солувчи алоҳида меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш бу муаммони ҳал этишга имкон беради.

Б.Э.Закиров*

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК ИЖТИМОЙ САЛБИЙ ОМИЛ СИФАТИДА

Хозирги кунда жаҳон ҳамжамиятининг аксарият мамлакатлари қатори республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий турмушига жиддий хавф тугдираётган уюшган жиноятчиликнинг ўсиб бораётгани ташвишлидир. Бу ҳақда Президентимиз ички ишлар идоралари ходимларига байрам табригида: «Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз бурчини чуқур ҳис этган ҳолда ҳалол адо этишни талаб этади», деб таъкидлаб ўтганлар¹.

Дарҳақиқат, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ички ишлар органларининг бирламчи ва мураккаб фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу фаолиятда юқори самарага эришиш кўп жиҳатдан уни илмий асосланган тарзда ташкил этиш, қонунларни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этишга бевосита боғлиқдир.

Уюшган жиноятчилик — чегара билмас мураккаб ижтимоий ходиса. ХХ асрнинг сўнгги ўн йили ичида унинг жаҳон миқёсида тармоқ отиб, бугунги кунда мураккаб тус олганлиги давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солмоқда, ғайриқонуний ҳаракатларнинг кўпгина турларини монополлаштириш орқали ўзининг ҳолатини мустаҳкамлаб бормоқда. Бунда вужудга келаётган бозор муносабатларини ҳимоялаш механизмининг йўқлиги уюшган жиноятчиликнинг янги барпо қилинаётган тузилмаларга кириб боришини таъминламоқда ва тақсимот соҳасида устунликни сақлаб қолишга уринмоқда, натижада эса ислохотларнинг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Бундан ташқари, уюшган жиноятчилик кўп қиррали ҳодиса бўлиб, бу мавзуда тегишли тадқиқотлар ўтказиш учун олим ва мутахассисларни ўзига жалб этади. Уни ўрганиш икки асосий ижтимоий ва ҳуқуқий йўналишда амалга оширилади. Шунингдек, уюшган жиноятчиликнинг жинсий-ҳуқуқий, криминалистик ва тезкор қидирув ҳуқуқи фанлари билан боғлиқ томонлари бирламчи аҳамиятга эга.

Уюшган жиноятчиликни замонавий жиноятчиликнинг муҳим таркибий элементи сифатида ўрганиш кундан-кунга долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. У жиноятчиликнинг давлат ва жамият учун энг хавфли кўриниши бўлиб, тез ва кенг миқёсида ривожланиши билан бошқа таркибий элементларнинг шаклланишига шароит яратиб беради. У жамиятнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, маданий-руҳий жараёнларига ҳам катта салбий таъсир кўрсатади².

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. — 2007. — 25 окт.

² Основы борьбы с организованной преступностью / Под ред. В.С. Овчинского и др. — М, 1996.— С. 129.

Жумладан, уюшган жиноятчиликнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги таърифи бўйича олиб борилган илмий мунозаралар ўтган асрнинг сўнгги йилларида у давлатлараро эътироф этилганидан кейин¹ бошланган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодекси амалга киритилганидан сўнггина (аниқроғи, фақатгина унинг асосий белгиларини кўрсатувчи 29 ва 242-моддалари) деярли тўхтатилди. Кейинги илмий тадқиқотлар эса амалий жараёнларда таҳлил этилаётган жиноятларга қарши курашга ихтисослашган бўлимларнинг амалий фаолияти билан боғлаб амалга оширилди².

Назаримизда, жинойий хатти-ҳаракатларнинг уюшган шакллари пайдо бўлиши ҳамда ушбу ижтимоий салбий ҳодисанинг бошланғич даврига тегишли масалалар ҳақида баҳс кетганида қуйидаги омиллар ҳақида сўз юритиш мумкин:

биринчидан, кўриб чиқилаётган жиноятчилик ҳақидаги масалалар бўйича тортишув ва мунозараларнинг тугамаганлиги;

иккинчидан, ушбу салбий ҳодисанинг йилдан-йилга ўзгариб боровчи тавсифга эгалиги;

учинчидан, таҳлил қилинаётган жиноятнинг фақатгина тўғри, илмий асосланган тушунчасини аниқлашгина давлат томонидан унга нисбатан етарли қарши таъсир кўрсатиш механизмларини яратишга, кўрилаётган йўналиш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини тўғри йўналтиришга имкон бериши ва бошқалар.

Ҳозирги кунда жиноятчиликка қарши кураш амалиётини ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотларимиз бизни уюшган жиноятчилик жамият ривожланишининг қонуний жараёни, деган ҳулосага олиб келади.

Уюшган жиноятчилик асосида жиноятчилар учун ўта муҳим икки масала, яъни барқарор ва юқори даромад олиш ҳамда шахсий хавфсизлигини (фош бўлиб қолиш ёки жинойий таъқибдан ҳимояланишни) кафолатлаш ётади. Ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш уюшган жиноятчиликнинг асосий аломатларини кўрсатиб беради. Булар:

мустаҳкам жинойий гуруҳларнинг шакллантирилиши ва иш олиб бориши, жинойий фаолиятнинг режалаштирилганидек амалга оширилиши, аниқ мақсад ва ҳаракат дастурларининг мавжудлиги;

жинойий фаолиятнинг ўта яширинлиги;

ташкилий-бошқарув тизимининг мавжудлиги, гуруҳ раҳбарларининг ўзаро иерархияси, ички назорат ва тартибни сақлаш, гуруҳий ҳаракатларда ягона нормаларга (ўзига хос жиноятчилар этикасига) бўйсунувчанлик;

ижтимоий назорат барча шакллари аста-секинлик билан йўқ қилишга қаратилган тизимнинг мавжудлиги (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ахборот олишнинг махсус усулларини қўллаш, уларнинг ходимларини, моддий жавобгар шахслар ва бошқаларни уюшган жинойий гуруҳларга жалб қилиш, сотиб олиш; айрим холларда қонуний йўллар билан „рақиб“ лардан, гуруҳ аъзоларига хавф туғдирувчи шахслардан қутулиш ва ҳоказо).

¹ Организованный терроризм и организованная преступность / Под ред. проф. А.И. Долговой — М., 2002; Основы борьбы с организованной преступностью / Под ред. В.С. Овчинского и др. — М., 1996.

² Зарипов З.С. Криминологическая характеристика и профилактика организованной преступности. — Т., 1995. — С.35; Каримов В.Г. Коррупция — уюшган жиноятчиликнинг муҳим белгиси. — Т., 1999.—103-106-б.; Исмоилов И. Уюшган ва коррупцион жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари // Жиноятчиликнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар: Илмий-амалий конференция материаллари. —Т., 2003.—26-28-б.; ва бошқ.

Жиноий гуруҳларнинг фаолияти бевосита икки йўналиш билан, яъни ноқонуний қатта бизнес каби давлат томонидан назорат қилинмайдиган юқори даромад олиш мақсадида жиноий фаолият (ноқонуний, ноошкора иқтисодий фаолият) юритиш ҳамда оддий, буюртма қотилликлар, рэкет, жиноий йўл билан қарзлар олиш, одамларни ўғирлаш, терроризм, ўғрилик, фирибгарлик, босқинчилик ва бошқа ўта хавфли хатти-ҳаракатлар орқали амалга оширилади¹.

Бундай гуруҳлар таъсир доирасини домий равишда кенгайтиришга (халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият олиб боровчи уюшган жиноий гуруҳларни „кооперация“, мулкларни ва маиший хизматларнинг „қора бозори“ устидан назорат қилишга) интилади.

Ҳозирги кунда эса жиноий гуруҳлар ноқонуний топилган даромадларининг кўпгина қисмини қонуний тадбиркорликка жалб этмоқдалар, жиноий фаолиятларини легаллаштирмоқдалар. Шунинг учун ҳам алоҳида ва мураккаб жиноятлар банк-кредит соҳасида аниқланиши мумкин. Ҳисоб-китоб қилишни талаб этувчи, кредит масалалари билан боғлиқ ишлар, одатда ноқонуний ҳаракатлар билан амалга оширилади, чунки банк соҳасидаги фирибгарлар ўзларининг қилмишларини ниқоблаб, юзага келган тушунмовчиликларни гўё ҳали тўлиқ ривожланмаган бозор муносабатларидаги камчиликлар сифатида кўрсатадилар. Жиноий қилмишларнинг йўллари жуда кўп, булар қалбаки банклар тузишдан, сохта банкротлик, сохта фирмалар, ассоциация, ташкилотларга кредитлар бериш, судхўрлик, кредитларни тугатиш ва ссудаларни олишдаги фирибгарликлар, талончилик мақсадида ўтказилаётган пулларни нақдлаштириш ва ҳатто компьютер орқали содир этиладиган жиноятлар шулар жумласидандир.

Бироқ уюшган жиноятчилик томир отган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам барча муносабатларда ўзига йўл топмоқда, бу эса, ўз навбатида, унинг чуқур ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий илдизлари мавжудлигидан далолат беради.

Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, иқтисодиёт соҳасидаги уюшган жиноятчилик ҳозирги кунда ўзининг қуйидаги кўринишларига эга:

Биринчидан, уюшган жиноятчилик бозор, иқтисодий муносабатлар ва моддий маблағларнинг суст айланиши каби омилларга таянади. Шунинг учун бизда у, биринчи навбатда, тижоратлаштириш, яъни, молия-кредит тизимини бозордан озод этиш, экспорт-импорт муносабатлари ва бошқалар асосида шаклланади. Булардан ташқари, жиноятчилар давлат ресурсларидан (хомашё, техника, транспортдан) фойдаланадилар, товарларнинг кириш-чиқиш каналлари, молия тизими (пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, валюта) ҳамда назорат ва маъмурий ходимлар, ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг айрим нопок ходимларидан фойдаланадилар. Шундай қилиб, уюшган жиноятчилик давлат билан параллел равишда юради.

Иккинчидан, уюшган жиноятчиликнинг энг ривожланадиган соҳалари бу – барқарор ва кафолатли юқори даражада ноқонуний маблағлар олиш мумкин бўлган соҳалардир. У нефть, кўмир қазиб олинмайдиган ёки бошқа маҳсулотлар етиштириладиган жойларда бўлмайди. Унинг жойи, таъкидлаганимиздек, тарқатиш ва тақсимлаш соҳаларидир.

Учинчидан, уюшган жиноятчилик асосан, давлат ва жамоат мулкига тажовуз қилиб, текин даромад олишга интилади, бунда давлат ҳокимияти тизимида ҳам суқулиб киради ва давлат органларининг турли соҳаларида ишлайдиган мансабдор шахслар билан коррупциялашган алоқалар орқали ўз фаолиятини бошқаради. Бу ўринда коррупцияни

¹ Жуков А.А. Сущность организованной преступности и меры борьбы с ней. — М., 2000.—С.48.

порахўрликка тенглаштириб бўлмайди: у кенгроқ маъно касб этади ва қонунчиликда жиноятнинг алоҳида тури сифатида ажратиб ўрганишни талаб этади. Ноқонуний маблағларнинг кўп қисми давлат ва тижорат тизимларида ошкоралаштирилиб, ҳокимиятга эга бўлиш, жиноятчилар учун қўл келадиган сиёсий ҳамда ижтимоий жараёнларни молиялаштириш мақсадларида ишлатилади¹.

Фикримизча, уюшган жиноятчиликка қарши курашда турли давлатлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг кучларини бирлаштириб, нафақат алоҳида жиноятларнинг олдини олиш ва очишда, балки таҳлилий ва илмий маълумотлар, жиноятларни очиш методикаларидан фойдаланган ҳолда, олимлар ва амалиётчи ходимлар билан тажриба алмашиш орқали бошқа тегишли тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, уюшган жиноятчиликни тадқиқ этиш унга давлат ва жамиятга қарши йўналишдаги мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида комплекс ёндашувни талаб этади. Криминалогик нуқтаи назаридан бу — уюшган жиноятчиликнинг жинойий тузилмалари, босқичлари, шакл ва методлари, унинг субъектлари, вужудга келишининг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганишдир.

Ҳозирги кунда кўпгина криминалог-олимлар уюшган жиноятчиликнинг асосий кўринишлари ва тузилиши шаклларига қараб, унга турлича тушунча бермоқдалар. Унинг асосий кўринишларига қуйидагилар киритилган:

жинойий ҳаракатларни олдиндан режалаштириш;

жинойий фаолият ҳақида ҳар доим олдиндан келишиб олиш;

жиноят содир этувчи шахсларнинг уюшқоқлиги, улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, ўзаро муносабатларининг иерархик тусга эга бўлиши;

жинойий гуруҳларнинг мустаҳкамлиги;

фош бўлиб қолишдан ва айбдорларнинг жинойий жавобгарликка тортилишидан ҳимояланиш;

мураккаб ташкилий-иерархик алоқали (етакчилар, жанггарилар, кўриқчилар, ёлланма қотиллар ва ҳоказо), катта пул маблағларига эга бўлган жинойий уюшмалар, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан жинойий алоқаларининг мавжудлиги;

чуқур хуфиялаштирилганлиги ва бошқалар.

Ҳозирги кунда Россияда нашр этилган криминалогияга оид адабиётларда А.И.Гуров қўллаган таъриф кўп ишлатилмоқда. Унга кўра, уюшган жиноятчилик коррупция ёрдамида ижтимоий назоратдан ҳимояланган тизим яратувчи, жинойий ишлар билан барқарор шуғулланувчи, қатъий бошқариладиган жиноятчилар уюшмаларининг оммавий фаолиятидир².

Мамлакатимиз юридик фанида биринчи марта уюшган жиноятчилик талқини Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олимлари жамоаси тайёрлаган „Юридик энциклопедия“да ифодаланган бўлиб, унда: „Уюшган жиноятчилик қасддан жинойий фаолият билан шуғулланувчи ва ижтимоий назоратдан ҳимоя тизимини яратувчи турғун бошқариладиган жинойий тузилмадир, дейилган³. Бироқ муайян давр ўтгач бу мавзу-

¹ Батафсил қаранг: *Закиров Б.Э.* Иқтисодиёт соҳасидаги уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари // *Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари.* — Т., 2004. — 163-б.

² *Гуров А.И.* Организованная преступность—не миф, а реальность. — М., 1990. — С. 19.

³ *Юридик энциклопедия/ Юридик фанлар доктори, проф. У.Таджихановнинг умумий таҳририда.* —Т., 2001.

нинг тадқиқ этилиши ва уюшган жиноятчилик тушунчасига бўлган янгича ёндашувларнинг вужудга келиши уни бирмунча мукамалроқ талқин этиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Унга кўра „Уюшган жиноятчилик — бу фаолияти назорат остига олинган маълум ҳудуд ёки маълум соҳадаги жиноий бизнесдан максимал фойда олишга йўналтирилган, бевосита ёки билвосита мувофиқлаштириладиган ва ўзаро мустаҳкамланадиган турғун, иерархиялашган, режали ҳаракат қилувчи жиноий тузилмалар (гуруҳлар, уюшмалар)нинг иштирокчилари томонидан содир этиладиган жиноятларнинг тизимли боғланган мажмуидир“¹.

Фикримизча, жиноятчиликнинг уюшган шакллари деганда, уни касб қилиб олиб, пора бериш орқали давлат, ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг айрим ходимларини ўз томонига оғдириб олган ва улар билан бирлашган ҳолда давлат ва давлатлараро иқтисодий ва сиёсий аҳволга таъсир ўтказиб, юқори даромад топишга интиладиган жиноятчилар тўдасининг мунтазам равишда давом этувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини тушуниш лозим. Бу турдаги жиноятчиликнинг оддий жиноятчиликдан фарқи шундаки, унда ўта мустаҳкам ташкилий ва бошқарув тизими бўлиб, кўйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- унинг ташкилотчиси ёки етакчиси ҳеч қачон жиноятда бевосита қатнашмайди;
- ҳаммага бир хил қоида ва масъулият юклатилган бўлади;

— кўпроқ даромад олиш мақсадида ғайриқонуний ишлар учун ажратиладиган умумий пул фонди мавжуд бўлиб, ундан жиноий фаолиятни кенгайтириш, керакли мансабдор шахсларни ўзига оғдириб олиш ва жиноятчилар уюшмаси аъзоларини қўллаб-қувватлаш учун фойдаланилади.

Бундай гуруҳлар „қора бозор“ни ўз маҳсулотлари билан таъминлаш ва монополия орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қиладилар, уюшмаларни кенгайтириш, ноқонуний топилган пулларни қонунийлаштириш (легаллаштириш), жазо муддатини ўтаётган жиноий гуруҳ аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жиноятчиликнинг уюшган турларига қарши ҳаракат қилаётган ижтимоий кучларни чалғитиш каби қилмишлар билан шуғулланадилар.

Мазкур жиноий кучлар давлат сиёсатига, ислохотлар ва ҳуқуқ-тартибот органларига ишончсизликни вужудга келтириб, бутун бир минтақадаги иқтисодий ҳаётни издан чиқарадилар. Бу ғаразли иллатларнинг асосини „хуфиёна иқтисодиёт“нинг молиявий мадади ва давлат идораларидаги масъул лавозимларни эгаллаб турган баъзи бир унсурлар ташкил этади.

„Хуфиёна иқтисодиёт“ соҳасида содир этиладиган жиноятлар ниҳоятда яширин бўлиб, унда пул айланиши давлат хомашёси ва тайёр маҳсулотларни талон-торож қилиш, кўшиб ёзиш билан пулларни тўғридан-тўғри ўзлаштириш, бажарилмаган ишлар учун ҳақ ва мукофотлар олиш, яширин равишда ишлаб чиқилган товарларни сотиш, товарсиз операциялар ўтказиш, чиқим нормаларини ошириш, турли жиҳоз, дастгоҳ, товарларни ҳисобдан чиқариш, контрабанда, товарлар билан савдо-сотиқ қилиш, наркобизнес каби нопок ва кўп меҳнат сарф қилмай топиладиган пуллар ҳисобига кўпайиб боради. Ўз қўлларида катта маблағ ва бойликларни бирлаштирган гуруҳлар янги иқтисодий

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. — Т., 2010.— 476-б.

шароитда ўзларининг молиявий аҳволларини янада мустаҳкамлашга ўтадилар, бу эса „хуфйёна иқтисодиёт“нинг гуллаб-яшнашига, жамиятнинг табақаланишига олиб келади. Мансабдор нопок шахслар эса, ўз навбатида, улар учун ҳар қандай жазодан қутулиш имконини яратиб берадилар. Бу эса жамиятдаги демократик ўзгаришларни хавф остига қўяди ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини пасайтиради¹.

Таъкидлаш жоизки, уюшган жиноий гуруҳлар қайси бир соҳада ихтисослашганлигидан қатъи назар, улар вужудга келишининг ўзиёқ жамиятга катта хавф тугдиради. Уюшган жиноятчилик жамиятни мустаҳкамлашнинг негизи бўлган ҳуқуқий ва сиёсий асосларини емиради, жамиятнинг қадриятларига, унинг асосига тажовуз қилади².

Борган сари уюшиб ва профессионал тус олиб бораётган ҳозирги жиноятчиликнинг жипслашиши, жиноий гуруҳлар томонидан истеъмол бозорларининг буткул эгаллаб олиниши, қонунсиз равишда қўлга киритилган сармояларнинг хўжалик ва тижорат тузилмалари орқали қонунийлаштириб олиниши яққол кўзга ташланаётганлиги ҳам жуда хавфлидир³.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, уюшган жиноятчиликка қарши курашни самарали олиб бориш ва ушбу йўналишни такомиллаштириш ҳамда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида комплекс ҳуқуқий, ташкилий ва илмий-методик чораларни кўриш зарур. Бизнинг фикримизча, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) давлат миқёсида узоқ муддатга мўлжалланган, тегишли ресурслар билан таъминланган жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш:

б) Ўзбекистон Республикасининг „Ички ишлар органлари тўғрисида“ги, „Қурол-яроғ тўғрисидаги“ги қонунларини тез орада қабул қилиш. Бу ички ишлар органларига, шу жумладан унинг тезкор аппаратларига жиноятчиликка, хусусан унинг уюшган шаклларига қарши курашда тезкор-қидирув тадбирлари механизмини тўлиқ ҳажмда амалга оширишга имкон беради, бу эса, ўз навбатида, ҳозирги кунда объектив зарурат ҳисобланади. „Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган „Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги“ Қонунни қабул қилиш таклиф этилади. Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган⁴.

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: *Зокиров Б.Э.* Уюшган жиноий гуруҳларга қарши кураш муаммолари // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари.— Т., 2001.— 211-б.

² Қаранг: *Исроилов Р.* Уюшган жиноий гуруҳларга қарши кураш — шу куннинг долзарб муаммоси // Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари.— Т., 1999. — 124-б.

³ Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.— Т., 1997.— 85, 93-б.

⁴ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2010. — 13 ноябрь.

в) юқори даражада ижтимоий хавфлилигини инобатга олиб ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашни жадаллаштириш мақсадида „Уюшган жиноятчилик тўғрисида“ги қонунни қабул қилиш, унда: давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш учун уюшган жиноятчиликка қарши кураш давлат стратегияси ва мақсадини белгилаб бериш; уюшган жиноятчиликдан ҳимояланишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини илгари суриш;

г) юқорида кўрсатилган қонунда тезкор аппаратлар тизимида (уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқарма, бўлим, бўлинма, гуруҳларда) ихтисослаштирилган гуруҳларни яратиш ҳамда уларнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш:

— уюшган жиноий гуруҳлар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш, тўплаш, таҳлил қилишга қаратилган тадбирлар ўтказиш, уларга қарши ҳаракат чораларини ишлаб чиқиш;

— мустаҳкам жиноий уюшмалар ва уларнинг коррупциялашган алоқаларига қарши курашиш;

— ички ишлар бўлимлари ва хизматлари, айниқса маълумотларнинг ҳажми бўйича озодликдан маҳрум этиш жойларидаги тезкор аппаратлар билан ҳамкорликни ташкил қилиб, жиноий тизимларни фoш қилиш борасида йирик миқёсдаги операцияларни ўтказиш;

— уюшган жиноятчиликнинг ҳолати ва ўсиб бориши ҳақида тегишли бошқарув ва ҳокимият органларини хабардор қилиб туриш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни марказий аппаратни мустаҳкамлашга эмас, балки, биринчи навбатда, жиноятчиликка, шу жумладан унинг уюшган шакллариغا қарши курашдаги асосий ишчи бўғинларга, яъни шаҳар, туман ички ишлар органларига қаратилган бўлиши керак.

Жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш учун ички ишлар органларининг асосий хизматларида ўз ишининг усталари керак. Бизнинг навбатдаги вазифамиз ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашдир.

Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг аниқ йўналишини танлаш ҳамда ишлаб чиқиш борасида, ички ишлар органларининг кучлари ва воситаларининг бошқариш жараёни ва тизимини яхшилашга қаратилган ташкилий чоралар катта аҳамиятга эгадир.

Бундай чораларга қуйидагиларни киритиш мумкин: бошқарув ва алоқа тизимини яхшилаш; криминоген вазиятни назорат қилиш, уюшган жиноятчиликка хос бўлган махсус омиллар ва белгиларни баҳолаш асосида башорат қилиш учун амалиётга кенг кўламда автоматлаштирилган ахборот излов тизимини киритиш; ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи хизматлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлиги бўйича махсус режаларни амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда ижтимоий ислохотларнинг ривожланиб бориши, уюшган жиноятчилик доирасининг объектив ўсиб бораётганлигининг сабаб ва шароитларини илмий тушунтириб бериш, ушбу воқеликни одатий жиноий шакллар билан боғлиқлиги, бир-бирига таъсири, тизими ва моҳиятини ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар ўтказиш, нафақат унинг умумий тавсифи ва юзага келиш шароитларига, балки ушбу жиноятларга қарши курашнинг назарий ва ташкилий-тактик асосларига ҳам диққат-эътибор қаратишни тақозо этади.

*Б. Б. Муродов**

ТЕРГОВЧИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МУСТАҚИЛЛИГИ – ПРОЦЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАСИ

Ўтказилган сўров натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунга қадар аксарият терговчилар жиноят ишини тугатиш масаласи барча ҳолларда жиноят ишини назорат қилувчи мансабдор шахснинг, яъни прокурорнинг ихтиёридан келиб чиқиб ҳал этилиши лозим деб ҳисоблайдилар. Бу билан уларни айблаб бўлмайди, чунки амалдаги ЖПКнинг жиноят ишини тугатиш билан боғлиқ нормаларини такомиллаштириш йўлида доимий равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилаётганига қарамай, мазкур институтнинг моҳиятини ёритиб берадиган, асосларнинг қўллаш тартиби ва талабларини белгилаб берувчи мақолалар ва адабиётлар деярли йўқ. Бу эса терговчиларни ишни тугатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ўзларининг субъектив фикрларидан келиб чиқиб, айнан ўхшаш ёки деярли бир хил ҳолатлар юзасидан турли хил, бир-бирига зид хулосалар чиқаришига сабаб бўлмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, амалдаги қонун нормаларининг талаблари турли хил талқин этилишига ва уларни қўпол равишда бузилишига олиб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, терговчи ЖПК 36-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жиноят ишини тугатиш ваколатига эга. Лекин бу ваколат терговчига қонунда белгиланган барча асослар билан ишни мустақил тугатиш ҳуқуқини бермайди. Амалдаги ЖПКга мувофиқ, айрим асослар юзасидан жиноят ишини тугатиш учун терговчи прокурорнинг розилигини (ЖПК 382-м. 3-қ. 14-б.), гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ишни тугатишга оид розилиги ёки аризасини (ЖПК 84-м. 5-қ. ва 587-м. 1-қ.), шунингдек, айбланувчи, гумон қилинувчи (ЖПК 84-м. 5-қ.) ёки жабрланувчининг ишнинг тугатилишига розилигини (ЖПК 84-м. 4-қ.) олиши талаб этилади.

Дарҳақиқат, ЖПК 382-моддасининг 14-қисмида прокурорнинг жиноят иши тугатилишига розилик бериши қайд этилган бўлса-да, қонун чиқарувчи терговчининг қайси асослар билан ишни тугатишда ушбу розиликни олиши зарурлиги масаласини очиқ қолдирган. Бир қарашда терговчининг амнистия акти ва яраштирув ишлари бўйича прокурорнинг розилиги билан ишни тугатиш учун судга юбориши, юқорида келтирилган нормалар талабларига мувофиқ келгандай кўринади. ЖПК 584-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, терговчи томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини судга юбориш тўғрисида қарор чиқаргач, мазкур жиноят иши уч сутка ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилиши лозим. Шунга ўхшаш тартибни амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳолатида ҳам кўриш мумкин. Фақат бу ҳолатда ЖПКнинг 587-моддасига мувофиқ, терговчи қарор эмас, балки тақдимнома киритилади, прокурор эса мазкур қонуннинг 589-моддасига мувофиқ, уч суткада эмас, балки беш суткадан кечиктирмай ишни судга юбориши лозим. Лекин, жиноят ишини тугатишнинг қолган асосларини қўллашда бевосита прокурорнинг розилиги ишни тугатишнинг мажбурий шарти сифатида қайд этилмаган. Яъни, ЖПК 382-моддасининг

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг доценти в.б., юридик фанлар номзоди.

14-бандида белгилаб қўйилганидек, прокурор „қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради“ деган талаб, ЖПКнинг 584 ва 589-моддаларида қайд этилган ҳолатларни истисно этганда амалдаги жиноят-процессуал қонуннинг бошқа нормалари билан боғланмаган. Бу эса, ўз навбатида, терговчининг ўз юритувида бўлган жиноят ишини тугатиши учун прокурорнинг розилигини олиши масаласи қонуний тартибга солинмаганлигини кўрсатади. Мавжуд ҳолат айрим прокурорлар учун қўл келмоқда десак, муболаға бўлмайди. Бугунги кунда, прокурор терговчига жиноят ишини тугатиши учун (иш қайси асос билан тугатилишидан қатъи назар) унинг розилигини олишини талаб этиш ҳолатларининг мавжудлиги бунга яққол мисол бўла олади. Тошкент шаҳар ИИББ ТБ архивида бўлган тугатилган ишларнинг 90% прокурорнинг розилиги билан тугатилганлиги аниқланди. Прокурорнинг қонунда қайд этилмаган бу каби фаолияти жиноят-процессуал муносабатларда мавжудлигини эътиборга олиб, Президент И.Каримов: „...Прокурорнинг фаолиятида қонунларни ўзбошимчалик билан талқин этиш ҳоллари ҳамон учраётгани айниқса ташвиш ва хавотир уйғотади“¹, деб таъкидлаган эди.

Ваҳоланки, терговчи амалдаги ЖПКнинг 36-моддаси, 374-моддасининг 4-қисми ва бошқа бир қатор нормаларига мувофиқ жиноят ишини мустақил тугатиш ваколатига эга. Бу эса, бугунги кунда жиноят ишини тугатиш амалиётида прокурорнинг розилигини олиш ва бу билан терговчининг процессуал мустақиллигини чеклаш каби хатоликларга барҳам бериш вақти келганлигини кўрсатади. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, ЖПК 382-моддасининг 14-бандига ойдинлик киритиш талаб этилади. Фикримизча, ЖПК 382-моддасининг 14-бандидаги „қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради“ жумласини „суриштирувчи ва терговчининг томонларнинг ярашганлигини тасдиқловчи қарорини судга юборишга розилик беради ҳамда терговчини амнистия акти асосида ишни тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимномасини тасдиқлайди“ ибораси билан ўзгартириш лозим. Айнан ушбу йўл терговчилар томонидан жиноят ишини тугатиш асосини эркин танлаш ва кенг қўллаш учун шароит яратади десак, муболаға бўлмайди.

ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 1-3-бандларида қайд этилган асослар билан жиноят ишини тугатиш учун айбланувчи, судланувчи ёки айрим ҳолатлар юзасидан уларнинг яқин қариндошлари ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилишини талаб қилмаган бўлиши лозим. Дарҳақиқат, ушбу модданинг 1-қисмидан жой олган айрим асослар, хусусан, шахс ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганидан кейин жавобгарликка тортиш муддати ўтган ёки амнистия акти қабул қилинган тақдирда, шунингдек, айбланувчи, судланувчи вафот этганлиги асослари билан ишни тугатиш учун айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари томонидан ишни юритишни умумий тартибда давом эттириш талаб қилинмаган бўлиши лозим. Юқорида санаб ўтилган асослар юзасидан тугатилган жиноят ишлари билан боғлиқ амалиёт таҳлилининг кўрсатишича, ушбу асослар билан тугатилган ишларнинг аксариятида, ишни умумий тартибда давом эттириш талаби билдирилмаган. Шунингдек, ўрганилган жиноят ишларида ишни тугатиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан ишни умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, уларнинг жиноят-процессуал қонунида бу каби ҳуқуқлари борлиги тўғрисида тушунтириш ишлари ўтказилганлигини тасдиқловчи бирор-бир ҳужжат тузилмаган.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. — Т., 2002.— 45-б.

Олиб борилган тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, қонунда акс эттирилган ушбу норманинг амалиётда кам қўлланилишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда: ЖПКда жиноят ишини санаб ўтилган асослар билан тугатиш жараёнида тегишли ваколатларга эга бўлган органларнинг ишни юритилишини умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, уларнинг ушбу ҳуқуқларини тушунтириш талабини ЖПК 84, 374 ёки 375-моддаларининг тегишли қисмларида тўғридан-тўғри қайд этилмаганлиги; ишнинг умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш қандай шаклга эга бўлиши қонун чиқарувчи томонидан белгиланмаганлиги; жиноят ишига айбланувчи ёки судланувчи сифатида жалб қилинган шахсларда ишни умумий тартибда давом эттириш хоҳишининг йўқлиги. Фикримизча, бунга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин: *биринчидан*, уларнинг ЖПКнинг 83 ва 84-моддаларида кўрсатилган ишни тугатиш асосларининг моҳиятини билмасликлари натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар ўртасидаги фарқни ажрата олмасликлари; *иккинчидан*, тергов давомида уларга билдирилган совуқ муносабатлардан тезроқ қутулиш; *учинчидан*, ишга жалб қилинган айрим шахсларнинг юзага келган имкониятдан фойдаланиб, ўзлари томонидан содир этилган бошқа жиноятларини яшириш мақсади бўлганлигидир, десак муболаға бўлмайди.

Ўтказилган анкета сўрови натижаларига кўра, ишга жалб қилинган гумон қилинувчи, айбланувчиларнинг 87% ушбу жараённинг (дастлабки терговни) имкон қадар тез ўтишини истагини билдирган бўлса, қолган 13% иш юзасидан адолат қарор топгунига қадар курашишга тайёрлигини маълум қилди. Шу ўринда табиий савол туғилади. Нима сабабдан қонун чиқарувчи, юқорида келтирилган асослар юзасидан жиноят ишини тугатишни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчиларга нисбатан мумкинлигини қайд этиб, ишни тугатиш жараёнида ишни умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш ҳуқуқига фақат айбланувчи ёки судланувчини эга деб ҳисоблайди? Ишга гумон қилинувчи сифатида жалб қилинган шахс, иш юзасидан ўзининг айбсизлигини исботлаш истагида бўлса-да, лекин ишни умумий тартибда давом эттирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаса, амалдаги ЖПКнинг 22-моддасида белгиланган „ҳақиқатни аниқлаш“ принципига зид бўлиб ҳисобланмайдими? Фикримизча, мавжуд ушбу ҳолатни бартараф этишнинг самарали йўлларида бири – ишга жалб этилган гумон қилинувчига ишни умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш ҳуқуқини бериш лозим. Келтирилган таклифнинг амалдаги қонунчилигимизда ўз ифодасини топиши бирор-бир бошқа қонун ёки қонун ости актига зид бўлиб ҳисобланмайди. Аксинча, жиноят-процессуал муносабатларда ҳақиқатнинг аниқланиши ва тегишли жиноят иши юзасидан адолатнинг қарор топишига хизмат қилади. Бунинг учун эса амалдаги ЖПК 48-моддасининг 1-қисмини, „терговчи ёки прокурор томонидан жиноят ишининг тугатилганлигига эътироз билдириш ва суд муҳокамасини ўтказилишини талаб қилиш“ жумласи билан тўлдириш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, амалдаги жиноят-процессуал қонунини такомиллаштириш юзасидан илгари сурилган таклиф ва тавсияларимиз дастлабки терговда жиноят ишини тугатиш асосларининг янада самарали қўлланилишига, ҳар бир жиноят иши юзасидан ҳақиқатнинг аниқланиши ва адолатнинг қарор топишига ҳамда терговчининг процессуал мустақиллиги таъминланишига хизмат қилади. Бу эса, жиноят ишини тугатиш асосларини шахс ҳуқуқларининг таъминланишини кафолатловчи институтлардан бирига айланишида катта аҳамият касб этади.

*Р.Р. Шакуров**,
*А.Т. Жантураев***

КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА УКЛОНЕНИЯ ОТ УПЛАТЫ НАЛОГОВ ИЛИ ДРУГИХ ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА

Уклонение от уплаты налогов или других обязательных платежей (ст.184 УК Республики Узбекистан) является одним из наиболее опасных преступлений, совершаемых в сфере экономики. Данное преступление подрывает устойчивость бюджетной политики государства. Более того, средства, скрытые от налогообложения, нередко используются против интересов общества, что повышает общественную опасность рассматриваемого преступного деяния.

В борьбе с преступным уклонением от уплаты налогов значительная роль отведена работникам следственных органов, в обязанность которых входит быстрое и полное раскрытие преступления с целью установления истины об обстоятельствах, имеющих значение для законного, обоснованного и справедливого разрешения дела. Однако, как показывает правоприменительная практика, раскрытие и расследование преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей, в том числе и в сфере строительства, зачастую бывает сопряжено с определенными трудностями, обусловленными тем, что данное преступление, как правило, совершается с активным применением различных документальных ухищрений, затрудняющих обнаружение факта уклонения от уплаты налогов, оно нередко вуалируется иными деяниями, такими как хищения, взяточничество и др. Изложенное актуализирует вопрос необходимости разработки методических аспектов расследования уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства в целях эффективного использования в ходе расследования средств и методов криминалистической техники, положений и приемов криминалистической тактики.

Следует отметить, что как и любое преступление преступное уклонение от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства может быть охарактеризовано с социологической, криминологической, уголовно-правовой, психологической, и криминалистической сторон. Анализируя конкретное общественно опасное деяние, предусмотренное в уголовном законе в качестве преступления, специалисты различного профиля исследуют те особенности и признаки преступления, которые характеризуют его с определенной стороны. Так, криминологи исследуют причины, состояние, структуру и динамику преступности, психологи анализируют преступную деятельность с точки зрения особенностей психических процессов, психических состояний и проявления психических свойств личности в условиях подготовки, совершения и сокрытия преступления. Представители науки уголовного права изучают элементы состава преступления и другие признаки, имеющие уголовно-правовое значение, а криминалисты характеризуют эти виды преступлений по другим юридическим

* Начальник кафедры криминалистики Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент.

** Преподаватель кафедры криминалистики Академии МВД Республики Узбекистан.

характеристикам, являющимися специфическим описанием взаимосвязанных особенностей преступной деятельности. Данное описание содержит криминалистические знания, необходимые для принятия наиболее оптимальных решений, направленных на быстрое и полное раскрытие и расследование преступления, а также его предупреждение. Следовательно, предметом криминалистического исследования уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей выступает криминалистическая характеристика данного преступления¹, которая включает в себя признаки, находящиеся за пределами социологической, криминологической, уголовно-правовой, психологической и других видов характеристик преступления.

Криминалистическая характеристика преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей включает сведения о тех особенностях подготовки, совершения и сокрытия налоговых преступлений, с учетом которых можно более успешно, быстро и полно раскрыть и расследовать данный вид преступлений. Так, если следователь располагает данными о типичных, наиболее часто используемых преступниками способах совершения и сокрытия уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей, приемах, затрудняющих применение средств криминалистической техники, и других способах маскировки, к которым прибегают виновные лица, то ему гораздо легче раскрыть преступление, его действия по обнаружению вещественных доказательств и установлению преступника будут более успешными.

Криминалистическая характеристика уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей должна быть современной и отражать изменения в криминальной практике, результаты криминалистического анализа данной категории преступлений, совершенных в последний отрезок времени.

Определяя криминалистическую характеристику уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей как совокупность данных о преступлении нельзя исключить и то, что для успешного раскрытия преступлений используются также данные, относящиеся к уголовно-правовой, криминологической, психологической и другим видам характеристик преступлений. Например, некоторые данные криминологического анализа преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей, используемые для целей уголовной профилактики, учитываются и при раскрытии преступлений и выдвижении версий.

На основе разработанной в теории криминалистики структуры криминалистической характеристики преступлений полагаем, что для быстрого и полного раскрытия и расследования преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства необходимо знание следующих элементов, составляющих криминалистическую характеристику данного вида преступления:

¹ В теории криминалистики под криминалистической характеристикой преступлений понимают систему описаний криминалистически значимых признаков вида, группы и отдельного преступления, проявляющихся в особенностях способа, механизма и обстановки их совершения, дающее представление о преступлении, личности его субъекта и иных обстоятельствах, определенной преступной деятельности и имеющая своим назначением обеспечение успешного решения задач раскрытия, расследования и предупреждения преступлений. Хотя названные элементы криминалистической характеристики преступления по сравнению, например, с элементами уголовно-правовой характеристики данного преступления представляются второстепенными и не влияют на уголовно-правовую оценку содеянного, вместе с тем, они порой являются ключевыми в раскрытии и расследовании преступления, обнаружении и разоблачении преступника. Посему в теории криминалистики отдельные авторы криминалистическую характеристику называют также информационной моделью расследования преступления (См.: *Гаврилин Ю.В., Шурухнов Н.Г.* Криминалистика: методика расследования отдельных видов преступлений / Под ред. проф. Н. Г. Шурухнова. — М., 2004. — С.16.).

- 1) типичная характеристика первоначальной информации о преступном уклонении от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства;
- 2) типичные способы совершения и сокрытия следов преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства;
- 3) сведения о типичных следах совершения преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства;
- 4) сведения о личностях организаторов, соучастников преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства;
- 5) сведения о предмете преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства;
- 6) наиболее распространенные мотивы и цели преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства;
- 7) типичные обстоятельства, способствующие совершению преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства.

Безусловно, значимость того или иного элемента видовой криминалистической характеристики преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства обуславливается той ролью, которую этот элемент играет в раскрытии данного преступления. Вместе с тем названные элементы криминалистической характеристики преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства представляют собой предмет доказывания данного преступления и, соответственно, их установление входит в обязанность следователя, производящего расследование.

Первоначальная информации о преступном уклонении от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства, как правило, поступает по результатам плановой (иногда внеплановой) ревизии, иногда по аудиторским проверкам, произведенным в конкретной строительной организации. В отдельных случаях о факте преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства становится известно от работников налоговой инспекции, достаточно редко сведения о факте преступного уклонения от уплаты налогов в сфере строительства поступают от граждан и аудитора, что, безусловно, связано с завуалированностью данного преступления.

Анализ наиболее распространенных способов совершения и сокрытия следов преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства позволяет выработать криминалистическую характеристику о типичных способах совершения и сокрытия данного преступления, которая может иметь значение при разработке методики расследования рассматриваемого преступного деяния.

Изучение правоприменительной практики свидетельствует о наличии многочисленных ухищренных способов преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства. И здесь уместно, на наш взгляд, привести разъяснение Пленума Верховного суда Республики Узбекистан относительно типичных способов совершения и сокрытия следов преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей, где отмечается, что признаки умышленного сокрытия прибыли (дохода) состоят в: подделке документов (подчистке, незаконном исправлении); использовании фальшивых первичных бухгалтерских документов;

списании материальных затрат, неиспользованных в производстве; увеличении расходов на оплату труда путём начисления заработной платы не работающим на предприятии, но числящимся в штате; переносе выручки от реализации на следующий за отчётный период (умышленном занижении объёма реализации и дохода (прибыли); искусственном завышении или неправильном применении нормативов (лимитов) расходования материальных, топливно-энергетических ресурсов и начислении амортизации (износа); уничтожении документов или отказе в их предъявлении; продаже продукции (товаров), не оформленных соответствующим образом бухгалтерскими и другими документами; ведении хозяйственной деятельности без государственной регистрации и постановки на учёт налоговых органов и др¹. Безусловно, приведённые в данном Постановлении отдельные признаки способа совершения преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей представляют собой уголовно-правовую характеристику данного преступления. В ракурсе названных способов проявляются признаки, существенные для криминалистической оценки преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей. Однако, наряду с названными общими способами преступного уклонения от уплаты налогов, следует отметить отдельные, присущие рассматриваемому нами преступному уклонению от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства типичные способы. Так, анализ правоприменительной практики показал, что распространёнными способами преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства являются, например: занижение налогооблагаемой базы по налогу на доход (прибыль) за счет списания стоимости оборудования, переданного на безвозмездной основе; сокрытие выручки от реализации работ или услуг (производство работ силами неофициальных бригад рабочих); хозяйственные операции, связанные с поступлением или расходом строительных материалов; несвоевременное осуществление организацией-застройщиком государственной регистрации принятого государственной комиссией жилого дома; создание фирмы за рубежом; занижение стоимости объекта налогообложения; сокрытие средств с целью неуплаты налогов; занижение количества и завышение цены приобретаемого строительного материала; неправомерное использование льгот и др. Перечисленные способы уклонения налогов или других обязательных платежей в сфере строительства могут быть совершены посредством полного либо частичного сокрытия объектов налога и сокрытия выручки путем отклонения от ведения бухгалтерского учета.

Немаловажное значение для раскрытия и расследования преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства представляют сведения о типичных следах совершения данного преступления. Подобные сведения могут быть обнаружены, например, в проектно-сметной документации, отражающей производственные строительно-монтажные работы, технологические, финансовые, учетные, транспортные и иные хозяйственные операции, осуществляемые в строительной организации. При этом необходимо отметить, что именно документы являются

¹ См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 6 июня 2003 г. №6 «О применении судами законодательства об ответственности за уклонение от уплаты налогов и других обязательных платежей» // Сборник постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан. 1991-2006. В 2-х томах. Том 2. — Т., 2006. — С.403-404.

основными носителями информации о совершенном уклонении от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства, содержат основную следовую картину совершенного преступления, а следовательно, составляют основу доказательственной базы по указанной категории дел. Вместе с тем, как свидетельствует следственная практика по делам о налоговых преступлениях, в ходе предварительного следствия изымается огромный массив документации, однако не вся информация, содержащаяся в ней, может иметь значение для расследования уголовного дела. В связи с этим перед следователем встает задача отбора из массива проектно-сметной, финансовой, учетной документации документов, могущих составить основу доказательственной базы по уголовному делу.

Быстрому и полному раскрытию и расследованию преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства способствует своевременное установление личностей организаторов, соучастников, а также всех лиц, наделенных правом составления и подписания банковско-финансовых документов, способствовавших включению в бухгалтерские документы заведомо искаженных данных о доходах или расходах, сокрывших объекты налогообложения. Как показывает правоприменительная практика, чаще всего в качестве организатора преступного уклонения от налогов или других обязательных платежей в сфере строительства выступают руководители строительных организаций, содействовавшие совершению преступления указаниями. Соучастниками являются как правило главные или старшие бухгалтера данных организаций, содействовавшие совершению преступления советами. Нередко, в силу материальной заинтересованности, соучастниками рассматриваемого преступления становятся заказчики объектов строительства.

Наиболее распространенным мотивом преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства безусловно является корыстная мотивация, а его целью — незаконное обогащение. Однако эти признаки больше характеризуют уголовно-правовую сторону данного преступления, нежели криминалистическую. Вместе с тем, в ряде случаев мотив совершения преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства позволяет выяснить и иные криминалистически значимые обстоятельства дела. Так, например, мотивом преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства может быть желание восстановить имущество, растраченное в результате должностного злоупотребления или должностной халатности.

Типичными обстоятельствами, способствующими совершению преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства, чаще всего становятся несвоевременное проведение плановых ревизий строительных организаций соответствующими вышестоящими организациями, отсутствие требуемого контроля за их деятельностью со стороны налоговых органов.

Таким образом, можно констатировать, что криминалистическая характеристика, включающая в себя обобщенные сведения о типичных особенностях подготовки, совершения и сокрытия преступного уклонения от уплаты налогов или других обязательных платежей в сфере строительства, способствует применению наиболее эффективных тактических приемов и технических средств для раскрытия и расследования данного вида преступления.

Ш.Х. Комилов*
Ш.Т. Джуманов**
А.Д. Хусанов***

КРИМИНАЛИСТИК АҲАМИЯТГА ЭГА МАЪЛУМОТЛАРНИНГ НОАНЪАНАВИЙ МАНБАЛАРИ

Жиноят ҳодисаси билан бевосита боғлиқ бўлган турли материаллар, объектлар, ашёлар, маҳсулотлар ва буюмларнинг хоссалари, хусусиятларининг ҳолатлари ва аломатларининг турличалиги, уларнинг ўзгарувчанлиги юридик адабиётларда жиноятларнинг моддий излари деб аталади. Жиноятларни тергов қилиш ва очишнинг муҳим шароитлари ва омилларидан бири, юқорида санаб ўтилган моддий изларни ўз вақтида ва тўлалигича аниқлаш, топиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳисобланади.

Суд-тергов амалиёти шундан гувоҳлик берадики, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида кўплаб жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу катта аҳамиятга эга бўлган моддий излар ва далилий ашёларнинг йўқолишига ва дастлабки терговнинг ҳар томонлама тўғри ва қонуний олиб борилишининг мураккаблашишига, хатто суд муҳокамасида адолатни қарор топишига тўсқинлик қилмоқда. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, „бу фактлар, аввало, шундан гувоҳлик берадики, тергов органлари жиноятларнинг содир этилишига олиб келган ҳақиқий сабаб ва шароитларни, хуқуқбузарларнинг шахси ва уни жиноятга ундаган омилларни ҳар доим ўрганмайдилар“¹.

Исбот қилувчи маълумотларни ўз вақтида олиш ва бажарилиши керак бўлган барча ҳаракатларнинг тезкорлиги жиноятларни самарали тергов қилиш ва очишга имкон яратиб беради. Терговчи ёки оператив ходим иш учун зарур бўлган барча маълумоларни қанча тез олса, жиноятнинг очилиш имкониятлари шунча катта бўлади.

Жиноят-процессуал қонун нормаларини таҳлил қилган ҳолда, шуни айтиш лозимки, жиноятчиликка қарши курашда янги усуллардан фойдаланиш масаласи ҳозирги кунда жиноят ҳуқуқи соҳасидаги энг долзарб муаммолардан биридир. Бундай усулларга *криминалистик одорология*, яъни одам ҳид излари ҳамда индивид геноми, яъни ДНКни киритиш мумкин.

Криминалистик одорология криминалистик техника тармоғи сифатида шахсни ва унга тегишли бўлган предметлар, нарсалар, ҳужжатлар ва бошқа объектларни индивидуал ҳиди бўйича аниқлаш, ташхис ўтказиш, олиш, сақлаш ва тергов жараёнида қўллашда фойдаланиладиган илмий методлар ва техник воситалар, уларни қўллаш усуллари ўзида акс эттиради².

„Одорология“ сўзи лотинча „odor“ — ҳид, грекча „logos“ — таълимот маъноларини англатади.

Кўп турдаги жиноятларнинг усули, механизми, содир этилиш ҳолати, жиноятга алоқадор шахсларни аниқлаш учун зарур бўлган криминалистик ахборотни ўзида акс эттирган ҳид изларини ўзида мужассам этади. Ҳид излари бўйича жиноятларни тергов

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалистика кафедрасининг доценти, физика-математика фанлари номзоди.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалистика кафедрасининг ўқитувчиси.

*** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалистика кафедрасининг ўқитувчиси.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т., 2002. — 35-б.

² Қаранг: Фёдоров Г.В. Одорология: запаховые следы в криминалистике. — Минск, 2000. — С.5; Баканова Л.П. Одорологическое исследование в следственно-экспертной деятельности. — Т., 2009. — С.7.

қилиш амалиётида кўпинча ёниш (ёнғин, портлаш, ўқ отилган жойларда), ачиш (сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган жойларда), чириш (мурдалар топилган жойларда), шунингдек ҳар хил турдаги моддалар: дори-дармонлар, парфюмерия, лак-бўёқ, ёқилғи, портловчи, заҳарли ва бошқа моддалар сақланадиган жойларда ҳид излари аниқланади. Жиноятларни содир этишда ҳид билиш субъектлари бўлиб сўроқ жараёнида кўрсатув бераётган жиноятда гумон қилинган шахс, жабрланувчилар, гувоҳлар бўлиши мумкин. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, гувоҳлантириш, эксперимент каби тергов ҳаракатларини ўтказишда терговчи ва иштирокчилар (холислар ва бошқ.) ҳид изларини аниқловчи субъектлар ҳисобланадилар. Улар томонидан ҳид сезиш даражаси ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларида акс эттирилади. Бироқ одамнинг ҳидни сезиш имкониятлари чекланган, кўрсатилган мисоллар эса ҳидга оид ахборотнинг криминалистикада қўллаш имкониятларини инкор этмайди. Бу имкониятларни кенгайтириш ҳид детекторларини яратиш ва қўллаш билан боғлиқ махсус илмий-амалий криминалистик тадқиқотларни талаб қилади.

Криминалистиканинг ҳид изларини топиш, олиш ва қайд этиш (консервациялаш), шунингдек уларни тадқиқ этиш бўлими юқорида таъкидлаганимиздек, криминалистик одорология деб номланади. Кимё, биология, физиология, кинология ва бошқа фан соҳалари тадқиқотларидан олинган ҳидлар тўғрисидаги замонавий ютуқлар криминалистик одорологиянинг илмий асослари ҳисобланади.

Криминалистикада *ҳид* предмет ва моддалардан атроф-муҳитга ўзига хос кўринмас зарра (молекулалар) сифатида ажралувчи ва тирик организмларнинг сезги органларига таъсир қилувчи из сифатида ўрганилади. Ҳидларнинг бир қанча хусусиятларидан, биринчи навбатда, ҳид изларининг вужудга келиш механизмини асословчи ва уни топиш, олиш, қайд этишда инобатга олиниши керак бўлган хусусиятлар криминалистлар томонидан белгиланади. Булар учувчанлик – модданинг газ ҳолатига ўтиши, адсорбция – молекулаларни бошқа модданинг юзаки қисми шимиб олиши (адсорбент) ва диффузия — бир модда молекулаларининг бошқалари билан ўзаро қўшилиши, шунингдек вужудга келиш жараёнининг узлуксизлиги, яъни уларнинг манбаларидан ҳид моддалари молекулаларининг вужудга келиши хусусиятларидир.

Инсон ўзидан кўпгина кимёвий бирикмаларни, яъни ҳаёт фаолияти маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу бирикмалар организмда моддалар алмашуви жараёнида вужудга келади ва атроф-муҳитга ҳаво, сийдик, терлаш ва бошқа йўллар билан чиқади. Улардан айримлари шахснинг жинсий тааллуқлилигини, физиологик, функционал ва эмоционал ҳолати ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳар доимги белгилардан ташқари улар вақтинчалик (тасодифий) белгиларда ҳам (бирон-бир жойда вақтинча бўлиш, ейилган овқат ва бошқалар) ўз аксини топади. Белгиланган усуллар ёрдамида одам ҳидларини топиш, олиш ва қадоқланган ҳолда узоқ муддат давомида қўллашга яроқли тарзда сақлаш мумкин.

Криминалистик одорологияда ҳидларни таҳлил қилиш ва қайд этиш усуллари кинологик ва инструментал ташкил этувчиларга ажратилади. *Кинологик одорологияда* ҳидли моддаларни таҳлил қилишда хизмат итининг ҳид билиш органи хизмат қилади. *Инструментал одорологияда* (ольфактроника) анализатор сифатида ҳидли моддаларнинг спектрини ажратиб бериш, ольфактограмма кўринишида қайд этиш ҳамда инсондан ажраб чиққан ҳидларнинг алоҳида компонентларини юқори сезгирликда ажрата олиш имкониятига эга бўлган физикавий-кимёвий аппаратлар қўлланилади.

Одорологик излар пайдо бўлиш тавсифига кўра, ҳидлар ва ҳид манбаларига ажратилади. Ҳид манбаларига ҳид билиш рецепторларига таъсир этувчи, юзасидан доимо ҳид молекулалари учиб чиқаётган қаттиқ ва суюқ объектлар киради. Ҳид излари эса ёпиқ фазода ҳидли моддалар молекулаларининг учиши ва унинг ташқарисида тарқаб кетиши билан боғлиқ.

Ҳид изларининг пайдо бўлиш шарт-шароитларини ўрганиш криминалистик одорология тадқиқот йўналишларидан бирини ташкил этади. Ушбу излар уч гуруҳга бўлинади: янги, нормал ва эски. Биринчи гуруҳдаги изларга из қолган вақтидан бошлаб, бир соат ичида топилган; иккинчи гуруҳга уч соат ичида топилган излар; эскиларига эса из ҳосил бўлганидан сўнг уч соат ўтган излар киради. Криминалистик одорология амалиётининг кўрсатишича, ёпиқ ва шамоллатилмаган хоналарда ўзига яхши ютувчи ташувчиларда ҳид излари икки йил атрофида сақланиб турар экан.

Инсон ҳидининг ташувчи объектлари — тер, қон (қон доғлари ҳам), соч толалари инсоннинг индивидуал ҳидини ўн йиллар давомида сақлайди; шахсий буюмлар, кийилган кийимлар пойафзаллар индивидуал ҳидни бир неча кундан бир неча ойгача сақлайди; шахс билан 30 дақиқа алоқада (контактда) бўлган турли буюмлар (жиноят содир этиш воситалари, қурол ва бошқалар) унинг индивидуал ҳидини икки суткагача сақлайди.

Ерга ёки қорга қўмилган буюмлардаги ҳид излари бир неча ой давомида сақланиб туради. Темир қутичага солиб ерга қўмилган журналдаги ҳид изларини 7 ойдан кейин ҳам топиш мумкин. Одорологик излар совуқда, соя жойда, ёпиқ хоналарда, гадир-будур юзаларда яхши сақланади, шамолда, қиздирилган ва силлиқ буюмларда эса нисбатан ёмонроқ сақланади.

Жиноятчиликка қарши курашда криминалистик одорология турли ҳидга эга ва кимёвий турғун моддалар — белгилардан фойдаланади. Кимёвий белгилар жиноятчиларнинг ҳаракатларини аниқлаш, ўғирланган қимматбаҳо буюмлар, пул, ҳужжатлар ва бошқаларни топишда самарали натижа беради. Ҳидли белгилар билан ишлаш учун махсус тайёрланган итлар, шунингдек техник воситалар керак.

Ҳид излари турли объектларнинг инсон танаси — ҳидли моддаларни доимо ишлаб чиқарувчи манба билан ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлади. Ушбу моддалар танадан, кийимдан, шахснинг буюмлари ва ҳужжатларидан, тўсиқлардаги қўл ва оёқларнинг ҳажмли ва юзаки изларидан, жабрланувчининг бадани ва кийимидан, жиноят предмети ва қуролидан, терговни қизиқтирувчи субъект доимо ёки вақтинча турган хона ҳавосидан ва бошқалар натижасида ҳосил бўлади. Инсондан ажралиб чиқувчи моддалар (сийдик, сперма ва бошқалар), шунингдек, унинг баданидан ажралган соч толалари ва тери қатламлари ҳид ташувчи сифатида хизмат қилади.

Одамнинг ҳид манбаи сифатида у билан узоқ муддат жисмоний алоқада бўлган буюмлар — бош кийими, пойафзал, ўриндиқ қопламлари (чехоллари), шахсий фойдаланиладиган буюмлари (тароқ, кўзойнак, сумка, рўмолча, картмон ва бошқ.), қисқа муддат алоқада бўлган буюмлар — жиноят қуроллари, у бўлган хона, транспорт воситалари ва бошқаларда ҳид изларини қолдиради. Бу предметларнинг барчаси ҳид чиқарувчи терни ўзида ушлаб қолади, шунинг учун одам ҳидини олиб юрувчи сифатида эътироф этилади. Одам ҳиди тўғрисидаги ахборотни унинг қони, сочлари, тирноқлари ҳам ўзида акс эттиради ва уни бир неча йиллар давомида ўзида сақлаш имкониятига

эга. Ҳид излари сақланиш шароитларига мос ҳолда узоқ муддат фойдаланилган кийим-бош буюмлари, сигарет қолдиқлари ҳидни бир неча ой сақлайдилар; ярим соатдан кам бўлмаган вақт одам танаси билан алоқада бўлган предметлар — 60 соат, оёқ излари — 10 дан 24 соатгача ҳидни ўзида ушлаб қолади. Шунинг учун одамнинг ҳид излари жиноятларни „иссиқ изидан“ очишда ва шу билан бир қаторда, содир этилганидан сўнг узоқ муддат ўтганидан кейин ҳам қўлланилиши мумкин. Одам ўз ҳидига мослашган бўлиб, уни сезмайди, бу эса ҳид изларини қасдан йўқотишни мураккаблаштиради.

Ҳид излари ҳар хил объектларнинг ҳид моддаларини узлуксиз ишлаб чиқарувчи манба — одам танаси билан бевосита тўқнашиши натижасида вужудга келади. Бу моддаларни танадан, кийимдан, ҳужжатлардан, қўл ёки оёқнинг ботиқ ва юзаки изларидан, тўсиқлардан, жабрланувчи кийими ва танасидан, жиноят предмети ва қуролларидан, хона ҳавоси ва бошқалардан олиш мумкин.

Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишда ҳид излари билан ишлаш умумий қоидаларга кўра амалга оширилади, шу билан бир қаторда ушбу изларга хос хусусиятларни инобатга олиш зарур. Бундай хусусиятларга қуйидагилар киради:

— ҳид изларининг сақланишини таъминловчи шароит яратиш;

— ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни фақат зарур бўлган иштирокчи шахслар билан ўтказиш;

— бошқа ҳид чиқарувчи моддалар билан изларнинг бузилишини олдини олиш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга ўтиш қоидаларини таъминлаш (кўздан кечириш иштирокчилари белгиланган жойда туришлари, кўздан кечириш раҳбарининг (терговчининг) рухсати билан бир жойдан иккинчи жойга ўтишлари, чекмаслик ва шамол киришининг олдини олиш);

— ҳид изларини топиш ва олишнинг кетма-кетлигига риоя қилиш.

Ҳид изларини олишда тергов чемадани комплектига кирувчи (ветеринар, тиббий) шприцлар, оғзи маҳкам ёпилувчи шишали флаконлар, тиббиётда қўлланилувчи салфеткалар ва пахталардан фойдаланилади. Агар ҳодиса содир этилган жойда жиноятчининг шахсий буюмлари қолган бўлса, пинцет ёрдамида ёки қўлга резина қўлқоп кийган ҳолда ҳар бир буюмни алоҳида пакетларга жойлаштириб, оғзи маҳкам боғланади. Ҳид изларини янада яхши сақлаш мақсадида ҳид ташувчи буюмлар икки қаватли полиэтилен қопчаларга жойлаштирилади. У ерда ҳидлар ўзига хос хусусиятларини йўқотмаган ҳолда ойлаб сақланиши мумкин.

Издан ҳидни янада яхшироқ олиш учун сорбент сиртига алюмен фольга ва полиэтилен плёнкани юк билан бостириб қўйилади. Агар из ҳид ташувчи буюмнинг тик юзасида жойлашган бўлса, сорбент, фольга ва плёнка ёпишқоқ тасма билан маҳкамланади. Сферик ёки эгри сирт (масалан, эшик тутқичи, автомобиль бошқариш ричаглари ва ҳ.к.)дан ҳидларни йиғиш зарур бўлиб қолса, уни сорбент билан ўралади. Қўл ва оёқларнинг юзаки ёки ҳажмий изларидан ҳидларни олишда ҳид ташувчи қисмга сорбент жойлаштириб устига қутича қўйилади. Унинг тагида ҳидли модданинг учишига имкон берувчи „микромухит“ ҳосил бўлади.

Ҳид намуналарини полиэтилен колбалар, шприц ва сўрувчи ускуналар (вакуум ҳосил қилиш ҳисобига) ёрдамида шахс излари, буюмлари, кийимлари, жиноят қуроллари, шунингдек, ёпиқ хона ҳавосидан олиш мумкин. Олинган намуналар оғзи

маҳкам ёпилувчи идишларга солиниб, келгусида жиноятчиларни аниқлашда қўлланилади.

Хизмат итлари шахсларни ҳид намуналари бўйича, агар улар камида 10—15 дақиқа бўлган хоналардан олинган бўлса, шунингдек майда буюмлардан (гугурт, кнопкалар, мих ва ҳ.к.) олинган ҳидлар бўйича етарли аниқликда ажрата олади. Агар хонада бошқа шахсларнинг ҳидлари мавжуд бўлса, бу ҳолат олинаётган ҳид намуналари сифатига таъсир қилмайди. Ҳидли моддалар хона ҳавосида 2—3 кун сақланади, хонани қисқа вақт шамолатиш ҳам уларни кетказмайди. Ишончли одорологик танлов ўтказиш учун шахс ёки унинг изидан олинган ҳидли модда молекулалари мавжуд бўлган бир неча ўн куб миллиметр ҳаво етарлидир.

Ҳид изларининг сақланиш муддати хона ҳавосининг алмашиш даражасига, шунингдек объектларнинг жойлашиши, ҳидни қабул қилиш хусусиятларига боғлиқ. Масалан, пахта матосидан ишланган ва 2 метрга яқин чуқурликда қорга қўмилган пайпоқда ҳид 40 суткадан ортиқ, шунингдек картон идишга жойлаштирилган картотекада 6 ойдан ортиқ вақт давомида ҳид излари сақланиб қолган. Бу излар бўйича хизмат ити ёрдамида юқорида кўрсатилган буюмларнинг эгалари аниқланган.

Кинологик одорология (кинология — грек тилида „куон“ ит маъносини билдиради). ҳозирги даражасини эгаллагунга қадар хизмат итларини ўткир ҳидли ва салбий таъсир этувчи моддалар ёрдамида ишлов берилган излар бўйича қўллаш мумкин эмас, деб ҳисобланган, чунки улар итнинг ҳид сезиш органига салбий таъсир этади ва асосий ҳидга тўсқинлик қилади. Лекин одамнинг ҳиди қийин буғланувчи тер-ёғ таркиби (компонент)ни ҳосил қилади, бензин, ацетон, спирт, одеколон ва бошқа ҳид чиқарувчи моддалар тез учувчи компонентлардан ташкил топган. Улар тер-ёғли қўл ва оёқ изларига қараганда тез буғланади, ушбу фарқ ҳисобига итлар сезги органларига зарар етказувчи, жиноятчи томонидан қасддан ишлов берилган моддалар, излардан танлаш (выборка) ўтказиш учун қўллаш имконияти пайдо бўлади. Бунинг учун белгиланган вақт оралиғида ўткир ҳид чиқарувчи моддаларнинг буғланиши кутилади ва ҳид излари намуналари олиниб, кейинчалик қўллаш учун идишларга жойланади.

Ҳид излари ва биологик ажратмалар жойлаштирилган флаконлар, банкалар ва полиэтилен пакетлар боғланади ва муҳрланади, жиноят иши рақами, олинган вақти кўрсатилади ва бошқалар.

Ушбу ҳаракатлар бажарилганлиги ҳақида баённома тузилади. Баённомада ўтказилган тергов ҳаракати билан бир қаторда, ҳид излари топилган жой қандай усул ва воситалар ёрдамида олинганлиги ва жойлаштирилганлиги (консервация) кўрсатилиши керак.

Экспертиза олдига қуйидаги саволлар қўйилади:

Тақдим этилган одорологик намуналарда одам ҳид излари мавжудми? Мавжуд бўлса, белгиланган шахсга тегишлими?

Ҳид изи эркак ёки аёл киши томонидан қолдирилганми?

Ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган қон, соч, тер ҳид излари белгиланган шахсга тааллуқлими?

Ҳодиса жойи — жиноят содир бўлган жойда аниқланган қўл ёки оёқ ҳид излари белгиланган шахсга тааллуқлими?

Олинган предмет (кийим, пойафзал, қурол, тароқ)да белгиланган шахснинг индивидуал ҳид излари мавжудми?

Криминалистик одорология усуллари одам ҳидлари олинганидан кейин уни узоқ муддат давомида, шунингдек, жиноят содир бўлган жойдан узоқ манзилларда қўлланилиш учун ҳам сақланишини таъминлайди.

Биологик ажратмалар олиниб, флакон, банка ва полиэтилен қопчаларга жойлаштирилганидан сўнг уларга жиноят ишининг санаси, намуналарни олиш жойи ва вақтини кўрсатувчи ёрлиқлар ёпиштирилиб, идишлар муҳрланиши керак. Инструментал одорологиянинг асосий вазифаларидан бири ҳидли моддаларнинг спектрини ҳисобга олувчи ҳидни аниқлаш, шунингдек инсондан чиқаётган ҳидли ажратмаларнинг алоҳида компонентларини қайд этиш ва математик ишлов беришга имкон берувчи шаклда қайд этиш усул ва мосламаларни ишлаб чиқиш¹.

Эндиликда ҳид намуналарини хроматографик таҳлилга тайёрлаш учун лаборатория мосламаси ишлаб чиқилмоқда, у орқали шахсни ҳиди бўйича айнанлаштириш мақсадида учиб чиқаётган компонентларни йиғувчи аэрозол-криоген усулни ишлатиш мўлжалланмоқда.

Ҳозирги кунда фан-техника ва технологиялар тараққиёти шароитида генетика шахсни таққослашнинг криминалистик услублари доирасини кенгайтириш билан бир қаторда, наслий ахборот ўтиши механизмининг нозик ва мураккаб жиҳатларини ҳам очиб беради. Ихтисослашган криминалистик марказлар томонидан бу борада кенг қамровли экспертизалар амалга оширилмоқда. Юқоридаги фикрнинг мазмунини англаш ва уларнинг одамни таққослаш мақсадида қўлланилишини билиб олиш учун дезоксирибонуклеинли кислота молекулалари таркибидан иборат одам генотиби тўғрисидаги айрим зарур маълумотларни кўриб чиқиш лозим².

Сўнгги маълумотларга кўра, одам генотиби 40 минг генлардан, 70 бўлим ва 7 блокдан иборат. Ҳар бир ген (улар 30 мингдан 100 минггача) хромосома буғларида жойлашган. Унинг ярми отадан, қолган ярми онадан ўтади ва иккаласи авлодга ўзига хос наслий таснифларни ўтказида.

Индивид геноми — одам индивиди шаклланиши борасидаги „йўриқномалар“ йиғиндисини ифодаловчи генлардир. Геномда шифрланган „йўриқномалар“ одамнинг ташқи қиёфа белгилари (бўйи, юзининг шакли, кўзининг қисилиши, сочининг ранги ва бошқ.), шунингдек, касалликларга алоқаси ва ҳаётининг давом этишини белгилайди. Одамнинг генетик „паспорти“ 3 миллиард белгилардан ташкил топган, ҳар бир алоҳида ген эса 10дан 150 гача „кодли“ ҳарфларга эга.

ДНК — 46 та алоҳида тўқималар шаклида одам тана катакчаларида жойлашган, уларнинг ҳар бири айлана шаклида ўралган ва *хромасомалар* деб аталади. ДНК арқонли нарвонга ўхшаш иккита спиралга бириктирилган.

Одамда нуклеотидларнинг бир хилда бўлган бирин-кетинлигини топиш мумкин, улар бир жойда 5 марта, кейин бошқа жойда 14 марта, учинчи жойда 21 марта такрорланади. Бошқа объектда ушбу кетма-кетлик нуклеотидларнинг бошқа турларидан ташкил топган бўлади ва ДНКнинг бошқа ҳудудларини эгаллайди. Генотипоскопик

¹ Қаранг: *Шамонова Т. Н., Старовойтов В. И., Гриценко В. В. и др.* Использование запаховой информации при расследовании убийств и других преступлений против личности. — М., 1997. — С. 18.

² Қаранг: *Баканова Л. П.* Средства и методы исследования при производстве экспертиз по микрообъектам: Опыт Республиканского центра судебной экспертизы им Х.Сулеймановой МЮ РУз. — Т., 2007. — С. 20.

экспертиза асосчиси, англиз биологи А. Джеффрис 1983 йилда ҳар бир индивидни тавсифловчи ДНК ҳудудларининг молекулаларда мавжудлигини аниқлади ва ушбу феноменнинг криминалистикада амалий қўллаш йўллари ишлаб чиқди. У ҳар бир одамда ДНК мини-сателлитлари деб номланувчи бундай ҳудудлар сони турличалигини исботлади. Уларнинг узунлик нисбатлари ҳар хилдир: айримларида узун ва қисқалар кўп, бошқаларида ўртачалар кўп, узунлар кам. Ҳар бир кетма-кетликда нуклеидларнинг турли сонлари мавжуд. Шунинг учун ДНК тузилиши бўйича шахсни айнанлаштириш услубини ташкил этиш учун етарли генетик элементлар йиғилади.

Генлар бўйича айнанлаштириш тадқиқотлари қуйидагича амалга оширилади: одамнинг тана тўқималаридан олинган ДНК молекулаларини (қон, сперма, соч, тери бўлаги ва бошқ.) тўртта пробиркага жойлаштирилади. Ҳар бир пробиркага рестриқцин деб номланган фермент қўшилади. У тўртта азотли асосларнинг бирини бузади, ушбу асос мавжуд бўлган жойдаги ДНК занжирини узиб юборади. Натижада ДНК бутун мини-сателлитларни йиғувчи ферментларга ажралади.

Кейинчалик олинган фрагментларни ўлчамлари бўйича ажратишга доир иккинчи операция бажарилади. Фермент билан ишлов берилган ДНК пробиркадан олиниб, гель юргизилган пластинкага солинади.

Одамнинг барча органлари тўқималарида (юрак, ўпка, жигар, қон, мия, тери ва бошқалар) ДНК мини-сателлитлари бир хил бўлади. Ундан ташқари, вақт ўтиши билан одам қарийди: ёш, касаллик туфайли ҳаёти мобайнида юзи, тана тузилиши таниб бўлмас даражада ўзгариши мумкин. Аммо организмнинг ҳар бир ривожланган тўқимаси ўлимидан кейин ҳам ўзининг ДНК компонентлари индивидуаллигини ўзгармас даражада сақлаб қолади. Организмдаги наслий ахборотни ўчириш ёки ўзгартиришнинг иложи йўқ.

Биринчи генетикоскопик тадқиқот одам ўлдириш жинояти бўйича 1988 йилда Россияда ўтказилган. Кейинчалик Чеченистон Республикасидаги ҳарбий ҳаракатларда ҳалок бўлган ҳарбийларнинг шахсини аниқлаш, Екатеринбургга яқин жойдан топилган яланғочлаб ўлдирилган шоҳ оиласи аъзоларининг бўлақларини аниқлашда ўтказилган.

Генетик белгилар бўйича оталик ва оналикни аниқлаш, болани алмаштириш ва ўғирликка оид жиноят ишлари бўйича таққослаш ўтказилади.

Англия криминалислари текшириш учун 4 йил сақланган қон доғларини қўллашган, 2 йил сақланган қон доғлари билан жиноятчиларни аниқ таққослаш мумкин. Скотланд-Ярд ахлоқ тузатиш муассасаларидан чиқарилганларнинг барчасини генетик рўйхатдан ўтказиш масалалари қўйилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, криминалистик аҳамиятга эга маълумотларнинг ноанъанавий манбалари сифатида ҳид излари ҳамда индивид геноми ДНКни аниқлаш ҳар қандай мураккаб жиноятларни фош этишда тенгсиз, самарали усул ҳисобланади.

А.С.Турсунов*,
Ш.А.Фаниев**

ИЖТИМОЙ-САЛБИЙ ХУЛҚ ТУРИ СИФАТИДА ФОҲИШАЛИКНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

Жамият ҳаётидаги кўнгилсиз ижтимоий ҳодисалар илмий адабиётда турли терминлар билан ифодалангани: салбий, ғайриижтимоий, аномал, асоциал, деструктив, номақбул, бузғунчи ва ҳоказо. Умуман олганда, уларнинг барчаси *„ижтимоий-салбий хулқ“* тушунчаси билан қамраб олинади.

Адабиётда *хулқ* деганда, шахснинг ихтиёрий фаоллиги, яъни кўзланган мақсад англандиган ва давом этаётган жараённинг боришини назорат қилиш имкони бўлган фаоллик тушунилади¹. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик инсон хулқининг хатти-ҳаракати ҳисобланади. Бунда „хулқ“ тушунчаси ҳаракат, ҳаракатсизлик ёки хатти-ҳаракат тушунчасидан бироз кенгроқ бўлиб, унгача бўлган фаоллик босқичларини ҳам қамраб олади².

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, фикримизча, *индивидуал даражадаги ижтимоий-салбий хулқни* муайян жамиятда реал шаклланган, қарор топган норма ва стандартларга мос келмайдиган мақсадларга эришишга қаратилган салбий хусусиятга эга инсоний фаоллик сифатида таърифлаш мумкин.

Ижтимоий-салбий хулқ турлари орасида ғайрияхлоқийлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Таъкидлаш жоизки, ғайрияхлоқий ижтимоий-салбий хулқни таҳлил қилишда фоҳишаликка алоҳида эътибор қаратилади.

Фоҳишалик кўринишидаги ижтимоий-салбий хулқни ўрганиш зарурлиги ҳақидаги масала ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли даврларда турлича ҳал қилинган. Фоҳишаликнинг манбалари узоқ асрларга бориб тақалади. Унинг „қадимий касб“ деб аталиши бежиз эмас. Шу билан бирга, бу муаммони кўп йиллар мобайнида ҳеч ким тадқиқ этмаганлиги сабабли, ушбу ижтимоий ҳодиса, ижтимоий-салбий хулқ ҳақидаги илмий билимлар яқин пайтларгача мавжуд эмас эди. Сўнгги йилларда жамиятшунос олимлар, яъни файласуф, социолог, психолог, ҳуқуқшунослар ушбу ҳодисанинг моҳиятини англашга урина бошладилар.

Шу ўринда *„фоҳишалик“* тушунчасининг мазмунига аниқлик киритиб ўтамиз. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида фоҳишалик тушунчасига, *„асосан аёлларнинг ўз танасини сотиш билан шуғуланиши“*, деб таъриф берилган³. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, „фоҳиша“ сўзи арабчадан олинган бўлиб, *„фаҳш ишлар билан (ўз танасини сотиш билан) шуғулланувчи бузук аёл“*, деган маънони англатади⁴.

* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутаты, юридик фанлар доктори, профессор.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлимининг адъюнкти.

¹ Қаранг: *Хекхаузен Х.* Мотивы и деятельность. Т. 1. — М., 1986. — С. 13.

² Қаранг: *Кудрявцев В.Н.* Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. — М., 1998. — С.17.

³ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. — Т., 2005. — 704-б.

⁴ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М., 1981. — 307-б.

„*Фоҳишалик*“ сўзининг русчаси бўлган „*проституция*“ ибораси лотинча „*prostitutio*“ — „шаънига иснод келтириш“, „булғаш“ маъноларини билдиради, бу эса маъно жиҳатдан ушбу ҳунар билан шуғулланувчи аёлларнинг маиший хусусиятларидан бири бўлган „*фоҳиша аёл*“ ибораси билан мос келади¹.

Таъкидлаш жоизки, ушбу термин орқали, *биринчидан*, пул топишнинг ўзига хос йўли, *иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 190-моддасида назарда тутилган гайриқонуний хатти-ҳаракат, *учинчидан*, ижтимоий ҳодиса, ижтимоий-салбий хулқ турларидан бири тушунилади.

Фоҳишалик билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқишда илмий адабиётда ушбу қилмишни таърифлашда бир тўхтамга келинмаганлигини таъкидлаш зарур, масалан, *Вебстер луғатида* фоҳишалик „*пул учун содир этилган шаҳвоний қаноатлантириш ҳаракати ёки амалиёти*“² сифатида таърифланган.

„*Фоҳишалик — эркакка оиласидан дам олиш ёки янги ҳиссиётлар сезиш (айниқса узоқ хизмат сафарида) имконини берувчи шаҳвоний эрмак*“³ деган фикр ҳам учрайди.

Фоҳишаликнинг бошқа таърифлари ҳам мавжуд:

— шахсий хуш кўриш, ёқишга асосланмаган ва ҳақ эвазига бажариладиган тасодифий, никоҳдан ташқари шаҳвоний муносабатлар⁴;

— танланган (кечириладиган) турмуш тарзи учун асосий ёки муҳим қўшимча маблағ манбаи бўлиб хизмат қиладиган ҳақ эвазига мунтазам равишда (ҳунар сифатида) жинсий алоқага киришиш⁵;

— ҳақ эвазига касб тариқасида шаҳвоний эҳтиёжларни қондириш⁶.

Фикримизча, аёлнинг моддий мукофот эвазига эркак билан жинсий алоқада бўлишини фоҳишалик деб тушуниш керак. Фоҳишалик тушунчасининг ўзи эркаклар билан жинсий алоқалар орқали моддий манфаат кўришга йўналтирилган мунтазам хатти-ҳаракатдир. Ушбу ўринда аёлнинг моддий манфаат кўриш учун бошқа эркаклар билан бир неча марта (йил давомида икки мартадан кўп) жинсий алоқада бўлишини мунтазамлилик деб тушуниш керак⁷.

Бир қатор муаллифлар фоҳишаликнинг учта муҳим белгисини ажратадилар:

1) машғулот тури — мижозларнинг шаҳвоний эҳтиёжларини қондириш;

2) машғулот характери — турли шахслар билан ҳиссий майлсиз жинсий алоқа қилиш шаклидаги ва мижознинг жинсий эҳтиёжларини исталган шаклда қаноатлантиришга қаратилган мунтазам ҳунар;

3) машғулот мотиви — фоҳишанинг яшаши учун асосий ёки қўшимча манба бўлган пул ёки моддий бойликлар кўринишида олдиндан келишилган ҳақ.

¹ Қаранг: Словарь иностранных слов. — М., 1964. — С. 326; *Зимен В.П.* Борьба с проституцией и порнографией за рубежом. — М., 1991. — С. 38.

² Қаранг: Иностранец. — 1998. — 8 апр.

³ Қаранг: Эхо планеты. — 1996. — № 37 (сентябрь). — С. 58.

⁴ Қаранг: *Антонян Ю.М.* Преступность среди женщин. — М., 1992. — С. 67.

⁵ Қаранг: *Гилинский Я.И.* Эффективен ли запрет проституции // Социологические исследования. — 1988. — № 2. — С. 94.

⁶ Қаранг: *Дьяченко А.П.* Вопросы, которые ждут решения // Проституция и преступность. — М., 1993. — С. 117.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. — Т., 2000. — 321-б.

Н.В.Белов фоҳишаликнинг қуйидаги асосий фарқловчи белгиларини ажратади:
биринчидан, фоҳишаликни никоҳдан ташқари тарзда жинсий майлни қондиришнинг бошқа турларидан қатъий фарқлаш зарур, чунки фоҳишаликка кирмайдиган ва никоҳдан ташқари бўлган эркин жинсий муносабатларнинг бошқа турлари доимо бўлган ва мавжуд;

иккинчидан, фоҳиша ўзини чекланмаган доирадаги эркакларга фойдаланиш учун беради;

учинчидан, фоҳишаликнинг муҳим белгиси танани ошкора сотишдир;

тўртинчидан, фоҳиша у билан жинсий муносабатга киришиш истагидаги эркак шахсга эътиборсиздир.

Фоҳишаликнинг ўзига хос белгиси турли мижозлар билан мунтазам равишда шахвоний муносабатда бўлиш ва тўланадиган ҳақ ҳақида илгаридан келишиб олишдир (ҳолбуки нархи аввалдан айтилмаслиги ҳам мумкин)¹.

Фоҳишалик белгилари сифатида, шунингдек „ошкоралик“, яъни фоҳишанинг ҳунари ҳақида аниқ маълум бўлиши, фоҳишалик билан шуғулланувчи шахсдан ўз жинсий эҳтиёжини ҳақ эвазига қондиришни истаган ҳар кимнинг фойдалана олиши, ўзига хос турмуш тарзи кабилар ҳам келтирилади. Бироқ энг муҳим жиҳатлар қуйидагилардир: *биринчидан*, шахвоний муносабатларнинг бегоналашган хусусияти, яъни фоҳиша билан мижоз ўртасида зарур руҳий алоқанинг йўқлиги, *иккинчидан*, муносабатларнинг ҳақ (тўлов) эвазига бўлиши, бунинг устига ҳақнинг жинсий алоқадан аввал – „тариф“ ёки келишув бўйича белгилаб қўйилиши.

Шундай қилиб, фоҳишаликни ғаразли эр-хотинлик муносабатлари (ҳисоб-китобга асосланган никоҳ)дан, ғаразли никоҳсиз муносабатлардан, шунингдек эркин шахвоний хатти-ҳаракатлардан фарқлаш лозим. Агар фоҳиша учун асосий мақсад – пул топиш бўлса, ғаразли никоҳсиз муносабатлар доирасида эркин шахвоний хатти-ҳаракатларни амалга оширувчи аёл учун асосийси – кўнгиш хуши, ўзини қарор топтириш, ўз либидосини қаноатлантириш. Шунингдек, интим муносабатлар жараёнида совғалар оладиган аёлни (улар пул шаклини олмагунича) фоҳиша билан айнанлаштирмаслик лозим, чунки ушбу ҳолда ҳақ олиш асосий белги ҳисобланмайди² Фоҳишалик билан аёллар ҳам, эркаклар ҳам шуғулланиши мумкин, аммо эркаклар фоҳишалиги ҳақидаги маълумотлар деярли йўқ, бу кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, аксарият мамлакатларда фоҳишалик жиноий тартибда жазоланмайди. Уларда фоҳишалар учун хатти-ҳаракат қоидалари белгиланган. Жавобгарлик фоҳишалик билан шуғулланганлик учун эмас, балки белгиланган қоидаларни, яъни ўрнатилган тартибни бузганлик учун келиб чиқади.

Фоҳишалик учун жиноий жавобгарлик Руминия, Венгрияда мавжуд эди. Бесоқолбозлик фоҳишалиги, Афғонистон, Аргентина, Австрия, Данияда жазоланади. Кўпгина мамлакатларда бесоқолбозликнинг ўзи жиноят ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, Фарб мамлакатларида шахс эркинлиги шиори остида бесоқолбозликни жиноятлар сафидан чиқариш учун „кураш“ олиб борилмоқда³.

¹ Қаранг: Комментарий к УК РФ. — М., 1998. — С. 548.

² Қаранг: *Блох И.* История проституции. — Ростов-на-Дону, 1991. — С. 39.

³ Қаранг: Проституция и закон // <http://www.columns.ru/prost I zakon.php>

АҚШнинг Невада штатидан бошқа барча штатларда фоҳишалик жиноий қилмиш сифатида жазоланади¹.

Германияда фоҳишалик билан тақиқланган жойларда (улар турли шаҳарлар ва жойларда алоҳида кўрсатилади) ва мактаблар яқинида шуғулланганлик учун жиноий жазо назарда тутилган.

Англияда фоҳишалик жиноий жазоланмайди. Италияда ҳам шундай (аммо фоҳишахоналар сақлаш мумкин эмас)².

Мамлакатимизда фоҳишалик билан шуғулланиш ҳуқуқбузарлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 190-моддасида жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, фоҳишалик билан шуғулланиш энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

–фоҳишалик – турли шахслар томонидан илгаридан келишилган ҳақ эвазига содир этилган жинсий ҳаракатлардан моддий фойда олиш билан боғлиқ бўлган ғайриахлоқий маъмурий ва жиноий жазоланадиган ҳодисалар мажмуи, шунингдек ушбу ҳаракатларни таъминлашга қаратилган фаолиятни қамраб олувчи ижтимоий салбий ҳодиса;

–фоҳишаликка хос жиҳатларни қуйидаги белгилар ташкил қилади: 1) машғулоти тури ва хусусияти – турли шахслар билан ҳар қандай шаклда ҳиссий майлсиз мунтазам жинсий алоқада бўлиш, бунда ҳаракат мижознинг шахвоний эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади; 2) машғулоти мотиви – гаразли – жинсий алоқа учун фоҳишаликнинг асосий ёки қўшимча тирикчилик манбаи ҳисобланган моддий мукофот олиш; 3) ошкоралик (очиқлик), яъни фоҳишалик билан шуғулланувчи шахсдан ўз шахвоний эҳтиёжларини ҳақ эвазига қондиришни истовчи ҳар қандай шахснинг фойдалана олиши;

–фоҳишалик нормадан оғувчи салбий хулқ сифатида маъмурий ҳуқуқ нормаларини бузади, яъни ғайриахлоқий ва ғайриқонуний ҳисобланади. Фоҳишаликка ижтимоий иллатнинг турли кўринишлари – алкоголизм, гиёҳвандлик кабилар занжиридаги боғловчи бўғин сифатида қараш мумкин. Фоҳишалик билан боғлиқ бўлган баъзи қилмишлар ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар ҳисобланади (жинсий бузуқлик, жинсий оғишлар), бошқалари эса жиноий-ҳуқуқий нормаларни бузади (ЖК 131, 135-м., ва ҳоказо).

¹ Қаранг: Поиск оптимальной стратегии борьбы с проституцией // http://www.murman.ru/ist/edu_centre/success/traffic_doc04.html

² Қаранг: Проституция и закон // [http://www.columns.ru/prost I zakon.php](http://www.columns.ru/prost_I_zakon.php).

Б. А. Ачилов*

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ва унга қарши кураш масаласи аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ўстириш, жамиятда ўрнатилган тартиб-интизом қоидаларига, умуминсоний қадриятлар ва ахлоқий талабларга риоя қилиш занжиридаги асосий бўғин ҳисобланади. Чунки мамлакатимиз келажаги, унинг истиқболи асосан ёшлар ва уларнинг ҳуқуқий тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бундан ташқари, қонунлар ижросини, аҳамиятини ошириш билан бир қаторда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги халқаро ва мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш, улар доирасини кенгайтириш тақозо этилади.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг „Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси“да: „Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир шахсга ҳимоя учун барча имкониятлар яратиб берилиши, суд мажлисида ошкора тартибда қонуний йўл билан унинг айбдорлиги аниқланмагунча, айбсиз, деб ҳисобланиши лозим“¹, — деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида баркамол, соғлом авлодни тарбиялашда ота-оналар ва мактабнинг фарзандлар олдидаги мажбуриятларини алоҳида қайд этиб, шундай дейди: „Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Динудиёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касб-хунарли қилиш, бошини икки, уйли-жойли қилиш“².

Вояга етмаганларга оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солинишида юқорида кўрсатилган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мамлакатимиз Президентининг „Баркамол авлод йили“ Давлат дастури тўғрисида“ги 2010 йил 27 январь қарори ҳуқуқий асос бўлди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш орқали уларнинг жамиятда белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиши учун ахлоқ нормаларидан четга чиқиши ва ёт таъсирларга берилиши ҳамда катта ёшдаги жиноятчилар таъсири остига тушишининг олдини олиш долзарб масала ҳисобланади.

Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишни ташкил этишда таълимда ҳуқуқий тарбияга эътиборни кучайтириш ва оилани мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мустаҳкам оила вояга етмаганларни шахс сифатида шаклланиб, камол топишидаги асосий ижтимоий муҳит ҳисобланади.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедрасининг ўқитувчиси.

¹ Қаранг: БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10 декабрда Бош Ассамблеянинг 217-А (III) кўрсатмаси билан қабул қилинган ҳужжат, 11-м.

² Қаранг: Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. — Т., 1998. — 325-б.

Жорий 2010 йилнинг 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг „Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида“ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 8-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар ҳамда уларнинг ваколатлари белгилаб берилган.

Ушбу органлар ва муассасалар тизимига: вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, таълим ва бошқариш органлари, васийлик ва хомийлик органлари, соғлиқни сақлаш ва бошқариш органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари кириши белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 10-моддасида белгиланганидек, Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколати доирасида амалга оширади.

Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларида ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан (бундан буён матнда ижтимоий ёрдам кўрсатиш марказлари) иборатдир. Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ва зарур ёрдам кўрсатади¹.

Оила, мактаб, меҳнат жамоаси, маҳалладаги ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг, оммавий ахборот воситаларининг кучи, дин вакилларининг обрўси — барчаси халқимизнинг қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларга нисбатан муросасизликни шакллантиришга қаратилиши керак².

Вояга етмаганлар жиноятчилиги бошқа муаммолар ўртасида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки жиноятчилик ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, бир томондан, ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри тарбиялашнинг асосий шarti ҳисобланади. Бошқа томондан, умуман, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги занжирнинг зарур ҳалқасини ташкил этиб, унинг томирларига жиддий зарба беради³.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларга оид статистик маълумотларни ўрганиш у ёки бу ижтимоий муносабатлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилишнинг илмий асосланган йўллари ишлаб чиқиш ҳамда ўсмирлар жиноятчилигининг умуман, жиноятчиликдаги кўрсаткичларига, шу жумладан ёшлар ўртасидаги ўзгарувчан ҳолатларга тегишли баҳо беришни тақозо этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турмушнинг барча соҳаларида бўлиб ўтаётган ўзгаришлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг аҳволи, структураси ва суръатига, шубҳасиз таъсир кўрсатмоқда.

Криминология фанининг ҳозирги кундаги ривожланиш даражаси ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти эҳтиёжидан келиб чиқиб, бу мураккаб ҳодисани тадқиқ этиш ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг алоҳида турларини, жиноятчи шахсларнинг ёш

¹ Ўзбекистон Республикасининг „Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини тўғрисида“ги 2010 йил 29 сентябрь қонуни // Халқ сўзи. — 2010. — 30 сент.

² Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1992. — 91-б.; Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. — Т., 1998. — 20-б.

³ Қаранг: Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ.: Проф. З.С. Зариповнинг умумий таҳрири остида.— Т., 2007. — 226-б.

хусусиятларини, уларнинг психологик белгиларини ва турли ҳудудлардаги криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда табақавий ёндашув зарурлигини тақозо этади.

Шулардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганишга уларнинг ёш гуруҳлари, ижтимоий-демографик ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишнинг юқорида қайд этиб ўтилган комплекс муаммоларининг таркибий қисми сифатида Ўзбекистондаги жиноятчиликка қарши курашнинг муҳим вазифалари қатори, аввало, бундай қилмишларнинг нисбатан тарқалганлигига кўра кўриб ўтилиши керак.

Республика айрим ҳудудларида вояга етмаганлар ўртасида ўғрилиқ, босқинчилик, талончилик, безорилик ва бошқа шу каби жиноятларнинг ўсиши тенденцияси кузатилмоқда. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган бундай жиноятларга қарши курашиш самарадорлигига уларнинг нафақат криминологик, балки жиной-хуқуқий, ижтимоий-демографик, ахлоқий-психологик белгиларига ҳуқуқий таъриф бериш орқалигина эришиш мумкин.

Жиноят содир этувчи шахслар, одатда, мураккаб ижтимоий ва психологик хусусиятларга эга бўладилар. Бу уларнинг жамиятга хилоф хулқ-атворини белгиладиган барқарор белгиларда акс этади. Шу нуқтаи назардан вояга етмаганлар орасида олиб бориладиган профилактик ишларда ҳам худди шу ўзига хосликдан келиб чиқиб ёндашиш керак бўлади. Ўз навбатида, буларнинг барчаси кўриб ўтилаётган муаммонинг долзарблигини, илмий ва амалий аҳамиятини кучайтиради.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш бўйича иш олиб борадиган бошқа субъектлар билан ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштириш самарадорлигини ошириш зарурлиги, ҳозирги шароитда янги қонунлавр ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиши лозим.

Бунинг учун вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар билан боғлиқ криминологик муаммолар юзасидан келгуси тадқиқотлар доирасида асосли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида айрим ҳолатларни кўриб ўтиш мумкин:

Биринчидан, вояга етмаганлар томонидан жиноятлар ва ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этилишига йўл қўймаслик учун профилактика инспекторлари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан билан биргаликда ҳуқуқбузарликларга мойил вояга етмаган шахслар билан тарбиявий-профилактик ишларни амалга ошириш;

Иккинчидан, ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этишга мойил вояга етмаганларнинг ёш хусусиятлари, таъсирчанлиги ва ҳиссиётларга берилувчанлиги, ҳуқуқий онги етарли даражада шаклланмаганлигини эътиборга олиб, уларни илгари озодликдан маҳрум қилиш жойларидан жазони ўтаб қайтган ёки катта ёшдаги илгари судланганлар таъсирдан сақлаш мақсадида тарбиявий ишларни кучайтириш;

Учинчидан, жиноят содир этишга мойил вояга етмаганлар орасида маданий ахборот тармоқларидан фойдаланишда чекланганлик хосдир. Уларда бўш вақтини мақсадсиз ва тартибсиз ўтказиш, спиртли ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш, маънавий жиҳатдан уят ҳиссининг сустлиги, бошқаларнинг қайғусига лоқайдлик, бетоқатлик,

қўполлик, ёлғончилик, ўзига танқидий ёндашмаслик ҳоллари қайд этилиши учрайди. Шу боис бундай шахслар билан ишлашда умумий ва яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирлардан фойдаланиш даркор.

Тўртинчидан, гаразли жиноят содир этувчи вояга етмаган ўсмирларнинг шахсий психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга моддий манфаатдорлик, хусусан, ноқонуний йўл билан моддий бойликка, мулкка осон йўл билан эришиш мумкин эмаслиги психологиясини сингдириш лозим, бунда уларнинг ота-оналари ҳамда яқинлари (уни ўраб турувчи шахслар) ҳал қилувчи аҳамият касб этишини унутмаслик керак.

Бешинчидан, ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олиш бир қанча босқичларда амалга оширилади. Шуларни инobatга олиб, ҳулқ-атвори ва ҳатти-харакатларига қараб жиноят содир этиш эҳтимоли бўлган вояга етмаганларнинг гуруҳларини аниқлаш, бу гуруҳларни ва умуман, унда бўлган шахсларни синчиклаб ўрганиш, бу жараёнда олинган маълумотлар асосида гуруҳларни тарқатиб юбориш ҳамда уларни ижобий ижтимоий фаолиятга йўналтириш ва ҳоказолар тақозо этилади.

Шундай қилиб, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг фаолиятини ташкил этиш ва янада такомиллаштиришни қуйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб бориш лозим:

- жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ахборот билан таъминлашни такомиллаштириш;
- вояга етмаганларнинг жиноятга мойил ҳулқ-атворини олдиндан башорат қилиш;
- ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва жамоат бирлашмалари билан ўзаро фаол ҳамкорлигини ташкил қилиш;
- вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда бу ишга жалб этилган бошқа барча субъектлар билан бўладиган алоқанинг изчиллигини таъминлаш.

Л.Ю.Югай*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОЗМОЖНОСТЕЙ АВТОМАТИЗИРОВАННЫХ ДАКТИЛОСКОПИЧЕСКИХ ИДЕНТИФИКАЦИОННЫХ СИСТЕМ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ

В Республике Узбекистан в последние годы успешно расширяется сфера использования современных информационных и коммуникационных технологий, осуществляется поэтапный переход к электронным формам обмена информации. Цифровые и широкоформатные телекоммуникационные средства связи, системы и технологии внедряются во все сферы народного хозяйства, науки, образования, а также в деятельность правоохранительных органов. Внедрение в практику расследования преступлений новейших научно-технических средств, форм и методов, создание на этой основе надежной научно обоснованной доказательственной базы по уголовным делам, безусловно, способствует обеспечению защиты прав и свобод граждан. Неоценимую помощь правоохранительным органам в раскрытии преступлений и создании надежной доказательственной базы оказывают автоматизированные дактилоскопические идентификационные системы (АДИС).

Сегодня практически во всех экспертно-криминалистических подразделениях органов внутренних дел Республики Узбекистан внедрены АДИС на основе компьютерных технологий. Данные системы успешно функционируют и способствуют раскрытию преступлений по отпечаткам пальцев рук: ежегодно 1300–1500 установлений личности преступников (14–15% от общего числа нераскрытых преступлений), идентифицируются 200–300 трупов (около 65% всех неопознанных трупов).

Вместе с тем необходимо отметить, что в настоящее время АДИС и их информация, несмотря на широкий набор возможностей, используются правоохранительными органами республики в основном для раскрытия преступлений, идентификации неопознанных трупов лиц, погибших при различных обстоятельствах (насильственная смерть, смерть при чрезвычайных обстоятельствах, скоропостижная смерть), а также решения некоторых узкоспецифических задач. Однако круг возможностей использования данных дактилоскопических учетов несравненно шире.

К примеру, в США дактилоскопические и другие криминалистические учеты ведутся в единой системе, ориентированной на решение задач как статистического анализа, так и в интересах правоохранительных органов. В этой стране имеется автоматизированная система регистрации всего населения. Исходная информация представляется в Федеральное бюро расследований по единой форме. При этом объектами учета становятся не только подозреваемые и осужденные лица, но и потерпевшие, свидетели, а также лица, которые в будущем могут стать жертвами преступлений, например, дети, государственные служащие, владельцы оружия, автотранспорта, другие граждане, добровольно изъявившие желание. В настоящее время в США внедрена система жесткого контроля за миграционными процессами с использованием дактилоскопии. У всех въезжающих в страну берутся отпечатки пальцев¹.

* Преподаватель кафедры криминалистики Академии МВД Республики Узбекистан.

¹ См.: Гусаков А.Н. Криминалистика США: теория и практика ее применения. — Екатеринбург, 2001. — С.47.

Во многих странах мира, в частности в странах Евросоюза, введены биометрические паспорта, в которые одновременно с другими биометрическими данными, зафиксированными в микрочипе, включается информация об отпечатках указательных пальцев владельца паспорта. Человек, желающий получить новый паспорт, обязан пройти процедуру дактилоскопирования. Эти паспорта отвечают высоким требованиям безопасности, их весьма сложно подделать. В государствах, в которых вводятся биометрические паспорта, АДИС включает в себя дактилоскопическую информацию о населении, имеющем такие паспорта.

В Узбекистане также принято решение о введении паспортов с биометрическими данными их владельцев¹. В этой связи можно надеяться, что после завершения процедуры выдачи биометрических паспортов всем гражданам республики и с созданием при Кабинете Министров Государственного центра персонализации в значительной степени облегчилось решение ряда задач, стоящих перед правоохранительными органами, в том числе и органами внутренних дел.

Следует, однако, отметить, что с введением биометрических паспортов и интегрированной автоматизированной базы данных учета населения страны, которую, возможно, будет создавать и вести Государственный центр персонализации, неизбежно встает вопрос законодательного регулирования процедуры государственной дактилоскопической регистрации. В этой связи целесообразно проанализировать опыт стран, где данная проблема уже получила законодательное решение. Так, например, в Российской Федерации, Беларуси и ряде других государств в законодательной форме дифференцировано обязательное и добровольное дактилоскопирование населения². Перечень лиц, подлежащих обязательной дактилоскопической регистрации, включает: лиц, чья профессиональная деятельность сопряжена с риском для жизни и здоровья; иностранцев; лиц без гражданства; обвиняемых; осужденных; подвергнутых административному аресту и др. В США, Абхазии (для граждан до 55 лет) и ряде других стран закреплено обязательное дактилоскопирование. В этих странах имеется законодательная база, регламентирующая государственную дактилоскопическую регистрацию. При реализации данных правовых актов был приобретен значительный опыт внедрения автоматизированных дактилоскопических идентификационных систем и разрешения возникающих при этом проблем³.

В Узбекистане законодательная база, регламентирующая государственную дактилоскопическую регистрацию граждан, пока отсутствует. Процесс дактилоскопирования сегодня регулируется Уголовно-процессуальным кодексом Республики Узбекистан и ведомственными нормативно-правовыми актами МВД. Принятие Закона „О государственной дактилоскопической регистрации“ способствовало бы детальной регламентации процедуры дактилоскопической регистрации граждан, расширению возможностей использования электронной базы дактилоскопических данных.

Следует подчеркнуть, что законодательное решение проблемы всеобщей дактилоскопической регистрации зависит не только от ее научной обоснованности и

¹ См.: Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию паспортной системы в Республике Узбекистан» // Народное слово. — 2009. — 23 июня.

² См.: Закон Российской Федерации «О государственной дактилоскопической регистрации в Российской Федерации» от 25 июля 1998 г.; Закон Республики Беларусь «О государственной дактилоскопической регистрации в Республике Беларусь» от 4 ноября 2003 г.

³ См.: Шаволов И.Ф. О практике использования автоматизированных дактилоскопических идентификационных систем в ЭКП ОВД России // Информатизация правоохранительных органов. — М., 2001. — С.290–291.

практической необходимости, но и от степени осознания такой необходимости законодателем и в целом обществом. К сожалению, в нашем обществе укоренилось мнение, что регистрация отпечатков пальцев рук всегда связана с преступлением, а потому унижает и нарушает права и свободы граждан. Данная точка зрения является ошибочной: использование дактилоскопической информации для идентификации личности ни в коей мере не нарушает прав и свобод граждан, как и использование, например, фотографии, имеющейся в каждом паспорте. Преимущество идентификации по отпечаткам пальцев рук, напротив, в отличие от изображения лица, заключается в практически безошибочном установлении личности.

Ведение единой системы идентификации личности открывает широкие возможности для информационного взаимодействия органов внутренних дел с иными правоохранительными и правоприменительными органами. Так, помимо органов внутренних дел в использовании дактилоскопической информации заинтересованы Служба национальной безопасности, Прокуратура, Интерпол, структуры, осуществляющие контроль за миграцией граждан, Министерство обороны, Министерство по чрезвычайным ситуациям, Комитет по охране Государственной границы, Налоговый и Таможенный комитеты, иные службы. Такая практика имеет место в США, Литве, Швеции, Швейцарии, России, Венгрии, Беларуси и других государствах. Дальнейшее же развитие и совершенствование автоматизированных систем идентификации личности поставит в перспективе вопрос о расширении сферы их применения в здравоохранении, страховании, банковско-финансовой системе, что, в свою очередь, потребует от их разработчиков новых подходов к вопросам дифференциации доступа к их информации, ее охраны.

Готовится к изданию

Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. — Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2010.

В учебном пособии дается характеристика основных видов полицейских систем, раскрывается их роль в современном обществе, рассматриваются вопросы организации профессиональной подготовки полицейских кадров, тенденции и закономерности данного процесса, освещаются важные аспекты международного полицейского сотрудничества и сотрудничества в области полицейского образования. Приводится подробная характеристика полицейских систем отдельных стран (Австрии, Венгрии, Ирландии, Китая, Великобритании, США, ФРГ, Франции, Чехии), анализируется процесс организации отбора и подготовки кадров полицейских органов.

Предназначено для профессорско-преподавательского состава, слушателей и курсантов образовательных учреждений МВД, практических сотрудников органов внутренних дел и других правоохранительных органов.

Д.М.Усмонов*

СУДЛАР ТОМОНИДАН ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШДА ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ВА ОФИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз.

Мамлакатимиз Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ, жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти кенгайтирилди. Натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар салмоғи 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 53,5 фоизга қисқарди. Янада аниқроқ айтиладиган бўлса, судланганлик ҳолати 2009 йилда 2001 йилга нисбатан 20,4 фоизга камайди¹.

Ярашув институтининг жорий этилиши эса, кейинги тўққиз йил ичида салкам 95 минг нафарга яқин кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон берди. Бундан ташқари, жиноят оқибатида етказилган 80 миллиард сўм, 680.849 АҚШ доллари билан ортиқроқ моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 16 мингга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Ўтган йилда ҳам суд-ҳуқуқ тизимида туб ислоҳотлар изчиллик билан давом эттирилиб, амнистия актларини татбиқ этиш судлар томонидан амалга оширилиши натижасида биргина 2009 йилнинг ўзида 33.983 нафар шахсга нисбатан амнистия акти қўлланилган, шундан 33.354 нафари жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилинган, 629 нафарига нисбатан тайинланган жазони ўташ тартиби енгиллаштирилган².

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари (жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш) судлар томонидан кўпроқ тайинланмоқда. Шу билан бирга, жиноят содир этиб суд томонидан айбдор деб топилган шахсларга жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этиш турлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Жазодан озод этиш турлари орасида шартли ҳукм қилиш институтининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддасининг 1-қисмига кўра: «Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлимининг адыюнкти

¹ Мустафоев Б. Ҳар бир шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш — бош мезон // Халқ сўзи. — 2010. — 19 фев.

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. — Т., 2010. — 1-сон. — 4-б.

ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукми қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида шартли ҳукм қилишнинг бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради».

Айбдор шахсга шартли ҳукм қилишни қўллаш учун фақат юқорида таъкидлаб ўтилган асослар мавжуд бўлиши керак, бошқа асосларни эса ЖК 72-моддасининг 1-қисми мазмунидан келиб чиққанда, қўллаб бўлмайди.

Россия Федерацияси ЖК 73-моддасининг 2-қисмида эса «суд шартли ҳукм қилишни тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини, шу билан бирга енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олади», деган қоида ўз аксини топган¹.

Мазкур қоидада енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам айбдор шахсга шартли ҳукм қилишни қўллашда суд томонидан инобатга олиниши кераклиги аниқ ифодаланган.

Жумладан, рус ҳуқуқшунос олимлари проф. Н.Г.Кадников, Э.В.Кабурнеев², А.О.Хапаев³, В.В.Коряковцев, К.В.Питульколар⁴ ҳам шахсга шартли ҳукм қилишни қўллашда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам инобатга олиниши лозимлигини таъкидлаб ўтадилар.

Ҳозирги кунда ўзбек ҳуқуқшунос олимлари томонидан ҳам ЖК 72-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асосларни кенгайтириш йўналишида мамлакатимизда муайян тадқиқотлар олиб борилмоқда⁵. Чунки Ўзбекистонда олиб борилаётган жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати юқорида таъкидлаб ўтилган асосларни кенгайтириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 1-қисмида келтириб ўтилган енгиллаштирувчи ҳолатлар (айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятни очишда фаол ёрдам бериш, етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаш, оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш, мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш, шунингдек, жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиши, жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиши, зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш ва бошқа ҳолатлар)ни кўрсатиб ўтилмаганлиги шахсга шартли ҳукми қўллаб бўлмаслигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, шахсни келажакда ўзига тўғри хулоса чиқармаслигига, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини тополмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

¹ <http://nalog.consultant.ru/doc48639.html>

² Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник для вузов / Под ред. Н.Г. Кадникова. – М., 2006. – С. 296.

³ Хапаев А.О. Уголовное право в вопросах и ответах: Учеб. пособие / А.О. Хапаев, Е.С. Мирошниченко. – М., 2007. – С. 54.

⁴ Коряковцев В.В., Питулько К.В. Уголовное право. Общая часть. – СПб., 2009. – С. 184.

⁵ Қаранг: Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Т., 2004. – 368-б.; Усмоналиев М., Эрматов. Ф. Шартли ҳукм қилиш тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти. – Т., 2005. – 24-б.

Ҳуқуқшунос Э.Тожиевнинг фикрича, енгиллаштирувчи ҳолатлар қонунда кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, айбдор шахсининг хусусияти, жиноят содир этиш вақтида ёки жиноят содир этишдан кейинги хулқ-атвори, шахсининг ижтимоий хавфли эмаслиги ва у содир этган қилмишининг кам аҳамиятлилигидан далолат беради, уларнинг мавжудлиги эса ЖК Махсус қисми моддасининг санкцияси доирасида жазони енгиллаштириш учун назарда тутилган куйи чегарадан ҳам камроқ жазо тайинлаш учун ёхуд шахсни жазодан шартли озод этиш учун асос ҳисобланади¹.

Одатда, жиноят ишида Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилмаган бир ёки бир неча ҳолатларнинг мавжудлиги, қонунда назарда тутилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланишига олиб келади.

Масалан, Ж. исмли шахс суд томонидан ЖК 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, судланган.

Иш ҳолатларидан маълум бўлишича, Ж. гайриқонуний йўл билан қўлга киритган 46,6 грамм кўп миқдордаги наркотик модда(қорадори)ни келгусида қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида эгаллаш орқали ўзининг яшаш жойига яшириб қўйиб, М. исмли шахсга сотганликда айбланган.

Ж.нинг турар жойида тинтув ўтказилиб, тадбирда наркотик моддани сотиб олиш учун «харидорга» берилган 138000 сўм пул топилиб, ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб, олиб қўйилган.

Суд Ж.ни ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан айбли деб топган ва шу моддага асосан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган. Бироқ ишнинг ҳолатларига кўра унга нисбатан ЖКнинг 72-моддасида назарда тутилган шартли ҳукм қилиш қўлланилиб, уч йил синов муддати белгилаган.

Суд Ж.га жазо тайинлашда содир қилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, оқибатини, сотган «опий» гиёҳвандлик воситасининг соф вазнини, аёл киши эканлигини, ёшини, оилавий ва моддий шароитини, бевалигини, қарамоғида 5 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, соғлигини, яъни ўпка сили билан касалланганини, айбига иқдорлигини, қилмишидан чин пушаймонлигини инобатга олган. (Жиноят ишлари бўйича Самарқанда вилоят судининг Ж.га нисбатан 2-52-05-сонли жиноят иши юзасидан чиқарган ҳукми)².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 1-қисмида оғирлаштирувчи ҳолатлар (ҳомилдорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан, ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан, хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан, айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан, ўта шафқатсизлик билан, кўпчилик учун хавфли бўлган усулда, ёш бола ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда, жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги, умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида ва бошқа ҳолатлар) ҳам кўрсатиб ўтилмаган. Шунга кўра, агар шахсининг қилмишида оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлиб, унга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган бўлса,

¹ Тожиев Э. Понятие обстоятельств, смягчающих наказание // Қонун номи билан. – 1998. – 3-сон. – С.93.

² Муқимова М., Зикиров Ф. Енгиллаштирувчи ҳолатлар амалда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминламоқда // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – Т., 2010. – 1-сон. – 15-б.

у ҳолда жиноят қонунчилигидаги қонунийлик ва одиллик принципларининг бузилишига ва шахснинг кейинги жиноятларни содир этишига сабаб бўлиши мумкин.

Маълумки, Жиноят кодексида назарда тутилган инсонпарварлик принципи шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни энг асосий ўринга қўйган. Шу боис жиноят қонунида кўрсатилган қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, жавобгарлик ва жазодан озод қилувчи ҳолатларнинг мустақамланиши ушбу қонунчилигимизнинг инсонпарварлик принципига амал қилган ҳолда тузилганлигидан дарак беради.

Шунингдек, ЖКнинг 8-моддасида назарда тутилган одиллик принципи жазо турлари, тизими, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш тўғрисидаги нормаларда ўз аксини топган. Жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши учун қуйидаги мезонларга мувофиқ келиши лозим: қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси (жиноят натижасида етказилган зарар ҳажми ва уни етказиш усули) ва характери (жиноий тажовуз объекти); айбдорнинг шахси (жинси, ёши, оилавий аҳволи) ва унинг хавфлилик даражаси; жиноят содир этиш ҳолатлари, яъни жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар; айбнинг даражаси (шакли – қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида)¹.

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган «ишдаги бошқа» деган жумланинг ўрнига «енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи» деган жумлани киритиш лозим. Чунки ишдаги бошқа ҳолатларни ЖКнинг 55 ва 56-моддаларида назарда тутилган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ўз ичига олади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 1-қисмига қуйидаги мазмундаги ўзгартириш киритиш лозим:

„Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради“.

¹ Холиқулов У., Салаев Н. Жиноят ҳуқуқи принциплари: таҳлил ва мулоҳаза // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2010. – 139-б.

Арзикулов Д.Н., Дусанов Н.Э. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маданияти: Ўқув қўлланма.— Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010.—100 б.

Ҳозирги кунда ички ишлар идоралари ходимларининг ижтимоий, ҳуқуқий маданияти даражасини ўстириш билан бир қаторда уларнинг сиёсий, иқтисодий, экологик билимларини, турмуш даражаси маданиятини ошириш, шунингдек ички ишлар соҳасида таълим олаётган кадрларни замон талабига, халқаро андозаларга мос равишда тарбиялаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шу муносабат билан яқинда нашрдан чиққан «Ички ишлар идоралар ходимларининг касбий маданияти» номли ўқув қўлланма бўлгуси ички ишлар идоралари ходимининг ҳар томонлама етук, барчага намуна бўладиган маданиятли шахс сифатида ривожланиши, ўз касбининг устаси бўлиб камол топиши учун фойдаланадиган мўъзагина дастурил-амал бўла олади, десак муболага бўлмайди.

Ўқув қўлланмада ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданиятини шакллантириш йўллари, унинг омиллари, шарт-шароитлари; маданият, касб, касбий фаолият тушунчалари ҳамда ходимлар фаолиятининг айрим жиҳатларига, яъни сиёсий, иқтисодий, экологик ва турмуш тарзи маданиятини шакллантиришга оид назарий ва амалий масалалар атрофлича ёритилган.

Маълумки, ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан профилактика инспекторлари ҳар куни маҳаллаларда иш олиб бориб, халқ билан кўпроқ мулоқотда бўладилар, шу боис «профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш гоёт муҳим масалалардан биридир. Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш-ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор...»¹ деб қайд этади Президентимиз ўз нутқида. Ҳақиқатан ҳам, ички ишлар органи ходимларини касбга тайёрлашда касб маданияти, маданиятлилик тушунчалари ходимлар фаолиятининг ажралмас қисмларидан бири сифатида эътироф этилади.

Айни вақтда, ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маданиятини ривожлантириш талаби асосан шу соҳа мутахассислари — ички ишлар идораларининг профессор-ўқитувчилари, устоз ва мураббийлар зиммасига юклатилган. Мазкур ўқув қўлланмада ички ишлар идоралари барча хизмат соҳаларидан келиб чиқиб, уларнинг умумий ва хусусий мезърлар ва талаблари, ҳар бир ходимнинг касбий маданияти унинг касб маҳорати ва тажрибаси маҳсули эканлигига урғу берилди. Бундан ташқари қўлланмада касбий маҳоратга эришишнинг амалий, назарий ва психологик жиҳатлари кўрсатиб берилди, унда ички ишлар идоралари ходимларининг жамоатчилик билан бўладиган ўзаро муносабатларининг оддий ва мураккаб қирралари очиб берилди. Қисқача айтганда, ҳозирги кунда ички ишлар идоралари олдида маънавий пок ва руҳан соғлом, ўз касбий бурчига содиқ, жасур ва ўқтам, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан мурасасиз бўлган жисмонан бақувват, иродали, иймонли, ҳалол ва адолатли ўз ишини яхши эгаллаган шахсларни қабул қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифаси қўйилган. Шунинг учун айнан шу руҳда баён этилган бурч ва вазифалар кўлами қўлланманинг асосий мазмунидан жой олган.

Мазкур ўқув қўлланманинг яна бир ижобий томони шундаки, унда ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маданияти масалалари бевосита Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 1993 йил 30 декабрда чиқарилган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг «Касб одобномаси» асосида «Маърифат» дарсларини мунтазам олиб борилиши орқали ходимларнинг сиёсий-маънавий дунёқарашини шакллантириш билан узвий боғлиқ ҳолда ёритилган.

Қўлланма сўнггида ички ишлар идоралари ходимининг мулоқот чоғида суҳбат самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берилган.

Таъкидлаш жоизки, қўлланма ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маданияти соҳасидаги барча билимларни қамраб олмаган. Бироқ назаримизда, ички ишлар идоралари ходимларининг бевосита амалиёт билан боғлиқ фаолиятида муомала маданияти, экологик маданият билан алоқадор атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга доир аниқ вазифалари ва ҳоказолар ҳақида фактик маълумотлар ҳам берилса, китоб янада тўлиқ ва мукамал бўлар эди. Муаллифлар келгуси нашрларда буни ҳисобга оладилар, деб ўйлаймиз. Аммо бу каби жузъий нуқсонлар қўлланманинг аҳамиятига таъсир этмайди. Мазкур ўқув қўлланмаси ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг курсантлари, тингловчилари, ўқитувчилари ҳамда амалиётчи ходимларини касб маданиятига оид муайян тушунча ва маълумотлар, керакли билимлардан тўлиқ баҳраманд этади, деб умид қиламиз.

Ю. Ф. Маҳмудов,
педагогика фанлари
доктори, профессор.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. — 2007. — 25 окт.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилинишининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ фаолияти ва давлатимизнинг ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларини бажариши доирасида ҳамда Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси кўмагида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Ички ишлар вазирлиги ўртасида тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро битимни амалга ошириш мақсадида, 2010–2011 йиллар мобайнида давра суҳбатлари ва семинарлар циклини ўтказиш режасига мувофиқ, «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш маданиятини ошириш орқали Ўзбекистон фуқароларининг қонуний манфаатлари ва эркинликларини таъминлаш» мавзuida бир қатор конференция ва семинарлар ўтказиш режалаштирилган. Дастлабки анжуман 2010 йил 19–20 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бўлиб ўтди.

Мазкур анжуман, парламент Омбудсмани томонидан 2010 йилда ўтказилган барча тадбирлар каби, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти таъсис этилишининг 15 йиллигига бағишланди.

Нуфузли халқаро семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг миллий ҳамкорлари Ички ишлар, Адлия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Бош прокуратура, Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Судьялар ассоциацияси, Касаба уюшмалари федерациясининг кенгаши, шунингдек „Маҳалла“ жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Адвокатлар палатаси, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти каби бир қатор фуқаролик жамияти институтлари, илмий юридик ва ўқув муассасларидан вакиллар иштирок этишди.

Конференцияда К. Адунауэр номидаги фонднинг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўйича минтақавий вакили Т. Кунце, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Ш.Рашидова, республика «Маҳалла» жамғармаси раиси А. Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник С. Нурматов, Бош прокуратура ҳузуридаги Олий ўқув курслари бошлиғи Т. Умаров, ИИВ Академияси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи, полковник Т.Р. Саитбаев, ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник И. Турғунов, германиялик адвокат К. Наглер ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Халқаро семинардаги чиқишларда суд-ҳуқуқ соҳасидаги либераллаштириш жараёнлари, давлат қурилишида фуқаролик жамияти институтлари ролининг ортиб бораётгани каби муҳим масалалар ўз аксини топган. Хусусан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) маърузасида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш маданиятини шакллантириш эканлиги, „Маҳалла“ жамғармаси раисининг чиқишида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришнинг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш зарурлиги, Ички ишлар вазирлигининг турли соҳавий хизматлари вакиллари билдирган фикр-мулоҳазаларда ички ишлар органларининг тергов ҳаракатларини амалга оширишда либераллаштириш механизмларини қўллаш

бўйича вазифалари ва ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида урғу берилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари эса баркамол авлодни шакллантириш, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан барча жамоат ташкилотларининг узвий ҳамкорлиги муҳим ўрин тутишини таъкидладилар.

Республикамізда бундай долзарб масалаларга бағишланган анжуманларнинг ўтказилиши хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу нуфузли халқаро семинарда илгари ГФРнинг ўлка жиноят ишлари бўйича судьяси бўлиб ишлаган Катрин Наглернинг иштирок этгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Унинг Германия жазони ижро этиш тизимида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши тўғрисидаги маърузаси анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, анжуманда ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятининг халқаро стандартлари, инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг амалий фаолиятига имплементация қилиш муаммолари ҳам муҳокама қилинди. Айниқса, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш юзасидан жамоат назорати самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг, шунингдек Омбудсманнинг ҳудудий вакиллари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Бу масалаларни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтига келиб тушган мурожаатлар асосида муайян вазиятлар бўйича ишга оид ва ролли ўйинлар доирасида мамлакатимизда келгусида ўтказиладиган семинарлар жараёнида янада кенг қўламда муҳокама қилиш режалаштирилган.

Юксак савияда ўтган халқаро семинар ниҳоясида Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўйича ҳудудий вакили Томас Кунце „Баркамол авлод йили“ муносабати билан Зангиота тарбия колониясига компьютер жамланмасини совға қилди. Анжуман иштирокчилари ва германиялик меҳмонлар ушбу пенитенциар муассасанинг тарбияланувчиларига яратилган шарт-шароитлар, хусусан, уларнинг таълим олиши ва кўрсатилаётган тиббий хизмат билан яқиндан танишдилар.

Д. Қосимова,
илмий ходим